



Кеңг күламли,  
фикрий, сакофий журнал

# Ал-Ваъй

Ал-Ваъй сұзы

Америка қулаш арағасыда

اللّٰهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ  
مَا أَنَا بِهِ شَاهِدٌ وَمَا  
أَنَا بِهِ أَعْلَمُ

**Халифалик барпо этилиши Farб  
учун күтилган ҳақиқатга айланди**

Ражаб Тойиб Эрдоган  
смёсати Ислом мезонида (1)

Мусулмонларда байъат  
тушунчасини қайта пайдо  
қилиш зарурияты

Яңги фиқхий тадқиқот:  
Саноат байтұлмол үчүн  
яңғы ресурсдир



407

Ўттиз бешинчи  
йил чиқиши  
Зулхижжа 1441ҳ  
Август 2020м

**Ливан 1000 лира****Яман 30 риёл****Туркия 1 доллар****Покистон 1 доллар****Австралия 2,5 доллар****Америка 2,5 доллар****Канада 2,5 доллар****Германия 2,5 евро****Швеция 15 крон****Бельгия 1 евро****Швейцария 2 франк****Австрия 1 евро****Дания 15 крон**

## Ўшибу сонда

- **Ал-Ваъи сўзи:** Америка қулаш арафасида! Халифаликнинг барпо этилиши Фарб учун кутилган ҳақиқатга айланди ..... 3
- Фарб ҳазорати қулаш учун тебранмоқда... Ислом ҳазорати уйғонишга хозирланмоқда ... 10
- Ражаб Тоййиб Эрдоган сиёсати Ислом мезонида (1) ..... 22
- Инсон учун фақат Ислом аҳкомлари соясидагина хаёт бор... Эй инсонлар, оламлар парвардигори динига шошилинг ..... 31
- Мусулмонларда байъат тушунчасини қайта пайдо қилиш зарурияти ..... 38
- Янги фикҳий тадқиқот: Саноат байтулмол учун янги ресурсdir ..... 47
- **Олам мусулмонлари хабарлари** ..... 57
- **Қуръони Карим сұхбатида** ..... 61
- **Жаннат боллари:** Агар мусибатлар бўлмаганида, қиёмат кунида зиёнга учраганлардан бўлар эдик ..... 67
- **Уларнинг ҳидоятларига эргашинг:** Абдуллоҳ ибн Унаис Жуханий... Мухим хос топшириқларни бажарувчи саҳоба ..... 74
- **Сўнгги сўз:** Франкофония халқаро ташкилоти Франция разведкаси тармоғидир ..... 78
- Франция сенати сиёсий Исломга қарши иғво қилмоқда ..... 80

## АМЕРИКА ҚУЛАШ АРАФАСИДА ХАЛИФАЛИКНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ ҒАРБ УЧУН КУТИЛГАН ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНДИ

Ғарб Умматни узоқ вақтдан бери мустамлака қилиб келмоқда. У Умматни босиб олган бўлса-да, лекин бу босқинчилигини мустаҳкамлай олмади. Чунки у Уммат ичига зўравонлик билан кирди, Уммат эса уни рад этди. Ғарбнинг зўравонлик билан кириши ва Уммат уни рад этиши натижасида Исломий Уммат биз бугун гувоҳи бўлиб турган қийин ахволда яшамоқда. Чунки Уммат ўша ҳолатдан чиқишига ҳаракат қиляпти, лекин ундан чиқиб кета олмаяпти. Уммат бу ҳолатдан чиқиш йўли унинг динида эканини билади, лекин унга етиш йўлини билмайди. Уммат бугун унга Ресулуллоҳ ғиззининг тариқатидан дори ва малҳам топиб берадиган кишиларни изламоқда... Зеро, бундай кишилар Уммат ичидаги мавжуддир.

Албатта, Ғарб ушбу ҳақиқатни яхши билади. Шу боис, унга йўл кўймаслик учун хийла-найранг қилди, куч ишлатди, жиноятларни содир этди ва энг жирканч воситаларни ишга солди... Лекин шундай бўлса-да, Ғарб бир аср давомида ушбу курашни ўз манфаати томон ҳал қила олмади. Ғарб (малай хукмдорлар, хукмдорларни ўз ҳалқидан ҳимоя қилиш учун тайёрланган армия, ёлланган уламолар, илмоний партиялар ва унга тобе ахборот воситалари) каби масалани ўз фойдасига ҳал қилишига имкон берадиган қуролларга эга бўлиб, уларни ўз манфаати йўлида ишлатишига қарамай натижалар унга қарши юз берди. Уммат эса, ўзгартириш сари кўпроқ интилаверди. Чунки у воқеликни ўзгартиришдан бошқа чорани кўрмади. Дарҳақиқат, бу курашда душман барча қуролларга эга бўлса-да қулади... Шунда Ғарб буни англади ҳамда мусулмонларнинг Ғарбдан ажralиш ва унинг кишанларидан озод бўлиш учун қилаётган ҳаракатларини қайтаришида муваффакиятсизликка учраганини билди. Шунингдек, масала вақт масаласи эканини ва минтақада узоқ вақт қола олмаслигини тушуниб етди.

Farb ушбу ҳақиқатни тан олсада, лекин у таслим бўлмади ва доим бунинг олдини олиш йўлини излади. Шунинг учун биз кўряпмизки, у бирор йўл топиш илинжида бу курашда бир режадан бошқасига ўтмоқда. (Ироқ ва Афғонистонга бостириб кириш, минтақани миллатчилик, мазҳабпарастлик ва ирқчилик асосида қайтадан бўлиш, кўзғолонларга қарши курашиш, мазҳабпарастлик низоларини қўзғаш, террорга қарши кураш, сиёсий Исломга қарши курашиш, ИШИДни пайдо қилиш ва Эрдоган ўйинлари шулар жумласидандир). Унинг инсонийликдан йироқ тарзда ишлатаётган услубларидан бири мусулмон юртларининг бойликларини секин аста ишлатиб тугатиш ва тинкасини қуритиш услубидир. Бу услуга Farbning Исломга қарши курашиш ва Халифалик давлати қайта барпо этилишига йўл қўймаслик учун амалга ошираётган харакатлари муваффакиятли бўлишидан ноумид бўлганини кўрсатиб турибди.

Шундай бўлса-да, бу услуга шаҳарларни секин-аста вайрон бўлишига ва одамларнинг бир-бирига душман бўлишига олиб боради. Шунингдек, уларни ўз қўллари билан юртларини вайрон қилишга ва уларни ташлаб чиқиб кетишга мажбур қиласди. Бу услуга мусулмон юртларга қарши ҳарбий воситаларни ишга солишдан йироқ услубидир. Бу услуга бекарорликни вужудга келтиришга ҳамда мазҳабпарастлик асосидаги ички маҳаллий урушлар натижасида омадсизликка учрайдиган давлатни пайдо қилишга қаратилгандир. Бу ишлар душман давлат кувватига астасекин зарап етказиш орқали тўла амалга оширилади. Натижада, фуқаролар асосий эҳтиёжларини ҳам қондира олмайдиган, Farb истагига бўйсунадиган ва ундан ёрдам сўраган ҳолда унинг қучоғига ўзини отадиган бўлиб қолади. Бу гаплар таҳлил эмас, балки Америка тадқиқотлар марказидаги стратегик ҳарбий мутахассис, профессор Макс Манваринг сўзлаган нутқидир. Профессор ушбу нутқни (Истроил)да НАТО ва (Истроил) зобитлари хузурида сўзлаган эди. Биз бугун уни Афғонистон, Ироқ, Сурья, Ливия, Яман ва бошқа жойларда татбиқ қилинаётганини кўриб турибмиз.

Бизнинг қаршимизда Ислом билан унинг душманлари (Америка бошчилигидаги Farb давлатлари ва унинг иттифоқчиси (Истроил)) ўртасида кечеётган курашдаги машъум қонли манзара намоён бўлмоқда. Farb ҳозиргина биз айтиб ўтган чегарага етиш учун амалга оширган жиноятлари унинг ҳазоратини фош қилди ҳамда унинг ваҳшийлиги, ноинсонийлиги ва бузуқлигини кўрсатмоқда. Мана масалан иккита жаҳон уруши бу ҳазорат дарахтининг

жирканч меваларидан бўлиб, улар аввало ўз ҳалқини қийнади. Бу ҳазорат бугун ўзининг энг ваҳший суратида намоён бўлмоқда. У бугун ўз манфаати учун харакат қиласиган эмас, балки ўзини ўзи еб битирадиган ва емирадиган ҳолатдадир. Америка фуқароси Жорж Флойднинг ўлдирилиши ортидан рўй берган ҳодисалар ва Америка билан ҳазорати бир хил бўлгани учун бу ҳодисаларнинг Европа бўйлаб ёйилиши айни ҳазорат хуржуни ичига бомба жойланганидан дарак беради. Шунингдек, бу ҳазорат пайдо бўлганидан бери мустамлакачилик, қулчилик ва ҳалқларни йўқ килишга асосланганини ҳамда у йўқ бўлиши зарурлигини кўрсатади.

Бу ерда яна бир эслатиб қўйиш лозим бўлган нарса шуки, Фарбнинг мусулмонлар динига қарши курашиши ва уларнинг юртларини бирин-кетин фожиавий ахволга солиши – арабми ёки ажамми бундан қатъий назар – мусулмонларни яхлит Уммат эканини ва дин борасидаги уруш уларнинг барчасига қарши уруш эканини ҳис қилдирди. Натижада уларнинг қараашлари бирлашди ва рошид Халифалик давлати соясида яшашга интиладиган бўлишди. Шунингдек, халифаларнинг адолати, Халифалик соясида яшаш оддийлиги ва Аллоҳга итоат қилиб яшаш ҳақида гапирадиган бўлишди. Уларнинг қалблари Халифалик ва унинг шон-шарафини қайтариш ҳамда аждодлари каби даъват, жиход ва Исломни ёйиш муҳитида яшаш сари интиладиган бўлди... Сўнgra Халифаликни тиклаш орқали ўзгартиришга харакат қилиш фарзлиги ҳақидаги Аллоҳ Таолонинг ҳукмларини Қуръон, Суннат ва сахобалар ижмоси ҳамда фиқҳ китобларидаги мусулмон уламолар ижмосидан ўрганишди. Натижада Халифаликни барпо этиш ихтиёрий иш эмас, балки фарз амал эканига ишонч ҳосил қилишди... Бу эса, мусулмонларни ўзларига қарши амалга оширилаётган барча шафқатсизликларни кўтарадиган, Халифаликни барпо этиш сари олдинга қараб юрадиган ва мана шу йўлда сабот билан турадиган қилиб қўйди. Агар мусулмонларда зулм, шафқатсизлик, хорлик ва қашшоқликдан кўра кучлироқ ва каттароқ нарса, яъни Аллоҳга бўлган имон ва Исломнинг ғалабаси учун харакат қилиш бўлмаганида улар Фарбнинг хийла ва найрангларига қарши бу каби афсонавий шаклда сабот билан тура олмаган бўлар эди.

Шу ерда ажойиб тенгламага дуч келамиз, у ҳам бўлса, Ислом илдамлаб, ҳаёт майдонида ўз ролини қайта эгаллаш сари кетаётган бўлса, Ғарб ортда қолиб, тугаб бормоқда. Бу нафақат бизнинг сўзларимиз, балки у капитализм ҳазоратининг мана шундай

қисматини кутаётган Farb муфаккирларининг сўзидир. Улар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм Farb ҳазорати муваффақиятсизликка юз тутди ва ўз ўрнини бўшатиб бериш даври келди деб ўйлашадио, лекин альтернатива хақида гапиришмайди. Иккинчи қисм ҳам шундай тушунади, лекин улар Исломни альтернатива деб ва бу вақт масаласи деб билишади. Шунга кўра биз айтамизки, вақт капитализмнинг чириган ҳазорати фойдасига эмас, балки уларга қарши ишламоқда.

Бу ерда ўринли бир савол туғилади: Бугун олам кутаётган оламшумул ўзгартириш амалиёти қандай ва қачон бўлиши аниқми ёки аниқ эмасми? Бугун олам гапираётган оламшумул ўзгартириш амалиёти аввало Исломий давлатни барпо этишини талаб қиласидими? Бу давлат капиталистик Farb давлатларини йўқ қиласидими? Ёки ундаи эмасми?...

Биринчи савоннинг жавоби шундан иборатки, биз мусулмонлар Халифаликни барпо этиш орқали Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритишни қайта тиклаш учун Аллоҳнинг шаръий фарзи деган эътиборда ўзгартиришга ҳаракат қилишимиз лозим. Чунки Халифалик динни ва у талаб қиласидиган назорат, татбиқ ва уни ёйиш каби ишларни барпо қиласиди... Биз яна фақат Аллоҳдан нусрат ва савоб сўраган ҳолда жидду жаҳд, сабр ва сабот билан Аллоҳнинг калимасини олий қилиш учун ҳаракат қилишимиз керак. Шунингдек, буни рўёбга чиқариш учун унинг йўлида Росулуллоҳ ﷺ тариқатини маҳкам тутишимиз лозим. Бу худди Америка ва Farb олам узра ҳукмронлик қилиш учун моддий шаклда ва қатъият билан ҳаракат қилаётганига ўхшайди. Биз бу дин ҳақдир, Аллоҳдан аҳволимизни ўзгартириб қўйишини кутиб ўтираверамиз ва намозларда шу нарсага дуо қиласиз деб айтмаймиз. Чунки Аллоҳ Таоло Росулуллоҳ ﷺ Мадинада давлат барпо этганларидек Исломий давлатни барпо этишга буюрган. Аллоҳга бўлган имон У зотни итоат ва бошқарув борасида ягона деб билишни талаб қиласиди. Шунингдек, У зотга ёлгиз йўл бошловчи, ёрдам берувчи ва нусрат берувчи деб ишонишни ҳамда ушбу ишончни ўзгартириш амалиёти учун асос қилиб олишни талаб қиласиди. Биз мана шуларга амал қилар эканмиз, Аллоҳ учун динни холис қилган ҳолда ва ижобат қилишига ишонган ҳолда Аллоҳга дуо қиласиз. Демак ўзгартириш иши барча қадамлари ҳисобга олинган ва амаллари аниқ амалиётдир. Аммо унинг қачон рўёбга чиқиши масаласи Аллоҳнинг қўлида бўлиб, уни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Мусулмон киши уни тақрибан айтиши мумкин, биз буни бугун кўриб турибмиз. Чунки бугун Уммат

Роббисига ҳар қачонгидан кўра кўпроқ Исломий давлатни тиклаш борасида дуо қилмоқда. Бугун Уммат нусрат ва ғалабага яқинлашиб қолди. Ғарб эса, буни сезмоқда ва гапларимиз орасида айтиб ўтганимиздек унга йўл қўймаслик учун жидду жаҳд билан ҳаракат қилмоқда. Мусулмонлар нусрат қачон ва қаерда бўлишини билмайди. Чунки Росууллоҳ ҳам буни билмаган эдилар. Ҳатто Ғарб ҳам Умматдаги ўзгартириш амалиётини пиистирмада пойламоқда ва уни турли юртларда таъқиб қилмоқда. Айрим Ғарб расмийларининг баёнот беришича, улар қайсиdir бир юртдаги уйғонишга зарба бериб унга бутунлай якун ясадик деб ўйлашса, бошқа юртдаги уйғониш уларни саросимага солмоқда. Демак бугун мусулмонларга Халифалик фурсати келди. Агар улар Халифалик қачон деб сўрасалар биз яқин қолди деб айтамиз.

Аммо иккинчи саволнинг жавобига келсак, Америка етакчилигидаги Ғарб давлатлари инқироз ҳолатлари бўлаётгани ҳамда улар кутилмаган урушлар ва бошбошдоқликка олиб бораётганини кўриб туришибди. Шунинг учун Америка ўз марказларини сақлаб қолиш умидида Ислом ва мусулмонларга карши урушга кирмоқда. Лекин у Хитой билан рақобатлашиш ва унинг ортидан ўртадаги алоқалар таранглашишидан қўрқмоқда. Америка Хитой билан баъзида совук урушга кирмоқда, лекин у Хитойга қарши кейинроқ бевосита ёки билвосита урушга кириши ҳам мумкин. Америка яна Евropa Иттифоқини ҳақиқий иттифоқка бирлашишига ҳамда ўзаро сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий куч ташкил қилишига йўл қўймаслик учун ҳаракат қилмоқда. Американинг молиявий муаммолари бўлиб, уларни илмий йўл билан ва тўғри низом орқали еча олмайди. Балки уларни ҳисобсиз доллар босиб чиқариш билан қўрқитиш ва дунё иқтисодини долларга боғлаш орқали ечади. Бундан ташқари, Американинг ички муаммолари мавжуд. Ирқий камситиш ва бир қанча штатларда мустақил бўлиш учун ҳаракат мавжудлиги шулар жумласидандир... Америка яшаётган воқелик шундай ҳодисаларни пайдо қилиши мумкинки, натижада Америка уларнинг қархисида туришга бардош бера олмайди. Бунга мисоллар жуда кўп бўлиб, улардан бири коронавирус вабосидир. Унинг оқибатлари кундан-кун зиёдалашиб, Америка унга қарши курашишда ожизлик қилаётганини исботлади. Коронавирус вабоси Американинг халқаро мавқеига зарба бериб, Хитой манфаатига хизмат қилди. Флойдинг ўлдирилиши эса, Америка ва Европада янгидан ирқчиликни кўзғади. Натижада келиб чиқиши Африкадан бўлган америкалик қора танлиларга қўшимча келиб чиқиши осиёлик

бўлган Америка фуқаролари оқ танли ирқчилар томонидан таҳдидга учради. Бу эса, ёмон оқибат ва ички бўлинишлардан дарак бермоқда.

Шунинг учун катта оламшумул ўзгаришлар бўлиши ҳамда бугунги давлатларнинг сиёсий таркиби бузилиши ва ҳеч ким кутмаган янги кураш эшиклари очилиши мумкин. Бугун воқеаликни кузатаётган киши бу ишни эҳтимолдан йироқ деб билмайди. Мозийга назар ташлаган киши бу каби ишлар бўлиб ўтгани ва мусулмонлар уларни вақт ўтиши билан тушунишганини кўради. Улардан бири Мадинада Авс ва Хазраж қабилалари ўртасида бўлган Буос уруши эди. Бу уруш қабилаларнинг йирик арбобларини олиб кетди ва етакчилик ёш йигитлар қўлига ўтди. Биринчи Исломий давлатни тиклашда бунинг ижобий таъсири бўлди. Улардан яна бири Юстинианда тарқалган вабо бўлиб, у Сурия, Фаластин, Ироқ ва Мисргача ёйилган эди. Бу вабо Рум ва Форс империялари талашаётган минтақалар аҳолисининг катта қисмини нобуд қилди ва катта сондаги аскарларни олиб кетди. Бу воқеа Росууллоҳ  туғилишидан ўттиз йил олдин рўй берган бўлиб, мазкур икки империя қудратининг заифлашишига катта таъсир қилди. Шунингдек, Исломий давлат барпо бўлгандан кейин уларнинг кучини синдиришда ҳам катта таъсири бўлди. Шунинг учун бирортамиз бугун рўй бераётган воқеалар ҳақида батафсил гапира олмаймиз, лекин уларни Аллоҳнинг иродасига кўра бўлаётганини биламиз. Биз Аллоҳдан Росууллоҳ  нусрат бергани ва ўша нусратнинг муқаддимасини ҳам тайёрлаб қўйгани каби бизга ҳам нусрат беришини сўраймиз.

Биз Америка етакчилигидаги Ғарб қулаётганини кўриб турибмиз ва бу бутун дунёга маълум бўлиб қолди. Шунинг учун Ғарбни бошқасидан кўра ўзи билан овора қилиб қўядиган воқеа содир бўлиши мумкин. Америка Хитой билан олиб бораётган совуқ уруш ўзининг чўққисига чиқиб, у билан бевосита урушга кириши ва мусулмонлардан чалғиши мумкин. Масалан Америка террорга қарши кураш номи остида Исломга қарши уруш бошлагач, Хитойдан чалғиб қолди. Натижада Хитой хатарли даражага кўтарилди, яъни у билан рақобатлашадиган бўлди. Шунинг учун Америка бугун Хитойга уруш очишни хоҳламоқда, лекин бунинг натижаси нима билан тугашини ҳеч ким билмайди. Шундан келиб чиқиб айтамизки, биз сўз юритаётган оламшумул ўзгартириш амалиёти қаҷон якун топишини ҳеч ким айтиб бера олмайди. Лекин биз Аллоҳдан ўтган аср Халифалик қулаши асри

бўлганидек бу аср Халифалик тикланиши асири бўлишини сўраймиз.

Исломий давлат тикланиб, жорий давлатларга қарши курашадими, ёки халқаро воқеликни ўзгартириб юборадиган ҳолатлар рўй бериб, сўнгра Исломий давлат қақшатқич урушга кирадими бундан қатъий назар, ҳар қандай ҳолатда ҳам нусрат Аллохнинг изни билан Халифаликники бўлади. Уни барпо қилган зот уни ўзи сақлайди. Фақат тўғри сўзни сўзловчи Пайғамбаримиз ﷺ қиёматга яқин рошид Халифалик бўлиши ҳақида:

«مُمْ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النُّبُوَّةِ»

**«Сўнгра Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади»,** дея башорат қилганлар.

Росулуллоҳ ﷺ ер шарининг шарқи-ю ғарбида исломий бошқарув бўлиши ҳақида хабар берганлар. Имом Муслим Савондан қилган ривоятида Росулуллоҳ ﷺ шундай дейдилар:

«إِنَّ اللَّهَ رَوَىٰ لِي الْأَرْضَ، فَرَأَيْتُ مَشَارِقَهَا وَمَغَارَبَهَا، وَإِنَّ أُمَّيِّنِي سَيَّلَغُ مُلْكُهَا مَا زُوِّيَ لِي مِنْهَا...»

**«Аллоҳ менга ерни йигиб қўрсатди. Шунда мен унинг шарқи-ю ғарбини қўрдим. Яқинда Умматим ернинг менга қўрсатилган жойигача эгалик қиласди...».** Бундан ташқари, Рим ва Фаластин фатҳ бўлиши ҳақида кўплаган ҳадислар бор бўлиб, улар ушбу дин ғалаба қилишидан дарак бермоқда. Кутган киши учун эртанги кун яқиндир. □

Ислом қүёшининг нури сўниб турган йиллар давомида инсоният зулмат ичида қолиб адашди, тарқоқлик, бўлиниш ва урушлардан азият чекди... У бир қанча мафкура ва ғоялар ўртасида, уларнинг биридан бирига ўтиб юрар экан, улар келтириб чиқарган бало ва оғатлардан кутулиш йўлини излади... У ер, бу ерда нур шуъласини қўриб, шу шуъла зулматдан олиб чиқади, бало ва оғатлардан қутқаради, деб умид қилди... Бироқ, олдингидан кўра аянчлироқ зулматга, олдингидан кўра қаттикроқ бало-оғатга дучор бўлаверди. Ва ниҳоят, у ўзини очиқ ҳақиқат олдида кўрди. Бу ҳақиқат шуки, башарият ақли келтириб чиқарган мафкура ва ғоялар сароб бўлиб, ташна одам уни сув деб ўйлади, қачон унинг олдига келса ҳеч нарса эмаслигини қўради.

Юз йилдан кўпроқ вақтдан буён ёки ундан бироз олдин Халифалик давлати қулатилганидан бери инсоният мана шундай ахволни бошдан кечириб келмоқда. Чунки, ер юзида Ислом бошқаруви йўқолиб, мусулмонлар давлатсиз қолганларидан кейин, башарият ҳаётида Ислом динининг ҳақиқий таъсири қолмади. Бу давр мобайнида бу дин башариятга тўғри усулда етказилмагани учун, башарият уни яқиндан танимади, у билан ҳамнафас яшамади ва унинг ҳаётда гўзал суратда татбиқ этилишини кўрмади. Зоро, бутун башарият хидоятга бошловчи Аллоҳнинг қонунлари остида яшамади, аксинча, ер юзидаги залолатга бошловчи қонунлар остида азоб чекди.

Ўрта асрларда Европада халқлар черковнинг зулми туфайли қўзғалиб, миллионлаб жонлар қурбон бўлишига олиб келган қонли қўзғолондан кейин черков зулмидан кутулишди. Охир-оқибат бу халқлар фикрсиз, динсиз ва ҳаётларини бошқарадиган қонунларсиз қолишли. Улар черковнинг адолатсиз қонунлари ўрнига ўзлари учун янги бир йўлни белгилаш мақсадида қайта-қайта ўйлаб режа қилишли. Ва ниҳоят, динни (черковни) ҳаётдан ва ҳаёт низомларидан ажратиш лозим, деган хulosага келишли. Уларнинг ақли ва хоҳиш-истакларидан келиб чиқсан динни ҳаётдан ажратиш мафкураси ўртacha, муросасозлик ечими эди. Бироқ, динни ҳаётдан ажратиш мафкураси (ўртacha ечим) бирон бир низомни келтириб чиқармас ва қонунларни ўрнатмас эди. Шунинг учун, улар ҳаётдаги амалий қонунларга асос бўладиган бошқа мафкуруни излай бошлашди. Сўнг, эркинликлар мафкурасини топишли ва

унинг устига демократия, инсон ҳуқуқлари, плюрализм каби янги фикрларни ва булардан бошқа ушбу асосий фикрларга боғланган фикрларни қуришди. Эркинликлар динни ҳаётдан ажратишдан келиб чиқкан янги асос бўлди ва у аслини олганда, черков зулмига бўлган муносабатни ифодалар эди. У ҳаётнинг янги пойдевори ўрнида қабул қилинган пайтда соғлом фикрий асосга қурилган мафкура эмас эди. Эркинлик барча соҳалардаги фикрлар учун, шунингдек, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий низомдаги, бошқарув низомларидағи ва булардан бошқа ҳаёт ишларидағи янги конунларнинг асоси бўлди. Сўнг, милодий 16 асрда Фарб муфаккири Адам Смит томонидан бу низомнинг янги фикрлари сайқаллаштирилди ва у бу фикрларни ўзининг «халқлар бойлиги» китобида ёзди. Бу янги фикрлар икки асосий ғояга асосланар эди. Булар:

1 – Иқтисодий эркинлик ва ундан келиб чиқадиган мулкка эгалик қилиш, мерос ва фойда кўриш ҳуқуки.

2 – Эркин рақобатга асосланган бозор конунлари.

Адам Смит ушбу янги низомнинг (капиталистик низомнинг) асосчиси бўлди.

Фарб соғлом низом тўғри асосларга асосланиши кераклигига эътибор бермади. Улар башарий ақлнинг ҳар қанча ижодкор бўлса ҳам, инсоният учун тўғри, соғлом низомни белгилashi мумкин эмаслигини англаб етишмади. Шунинг учун ушбу янги низомнинг зулми туфайли янги қийинчиликлар бошланди. Бир нечта молиявий, психологик ва ҳаётий инқирозлар бўлди. 1886 йили бу низомга қарши биринчи қўзғолон юз берди ва у ишчиларнинг иш берувчиларга қарши қўзғолони эди. Бу қўзғолон капиталистик давлат (Америка) марказида, Чикаго шаҳрида бўлди. У ерда тўқимачилик корхонасидаги ишчилар ойлик маошларни оширишни ва иш соатларини қисқартиришни талаб қилиб иш берувчи хўжайниларга қарши қўзғалишди. Бу қўзғолондан кейин иш соатлари саккиз соатга чекланди ва ойлик маошларнинг энг қуий даражаси белгиланди... Бу капиталистик низом бузилишининг биринчи бошланиши бўлди ва бу давлатнинг меҳнат ва маошлар бозорини тартибга келтиришга аралашишида кўринди. Бошқача айтганда, эркин бозор назарияси бузилишининг илк бошланиши бўлди. Бу иш ишчиларга, уларнинг маошлари ва иш вақтларини чегаралашгагина чекланиб қолмади, балки, капиталистик низом ва эркинлик фикрати табиати кўплаб муаммолар ва инқирозларни келтириб чиқарди. Бунинг таъсирида ушбу низом асосларида кўплаб бузилишлар юз берди ва давлат

томонидан капитализмнинг асосий фикрлари бўлган эркинлик фикрига, хусусан, бозор эркинлиги фикрига зид сиёсатлар кўлланиб аралашувлар бўлди.

• Ушбу очкўз материалистик низом кўплаб муаммолар ва инқирозларни келтириб чиқарди. Бундай инқирозларни энг сўнгиси милодий 2008 йили юз берди ва унинг оқибатлари ҳатто бугунги кунга қадар давом этмоқда. Бу инқироз оқибатларидан хоссатан капиталистик жамият, умуман олганда бутун дунё ҳалигача қутулмади. Буларнинг барчаси ақлни қаноатлантирмайдиган ва фитратга мос келмаган носоғлом, бузук ақида (ўртacha ечим)га, ғаризий эркинликларга асосланган заиф (қониқарсиз) фикрлар ҳамда эркинликлар мафкурасига таянган қонунлар натижасидир. Ушбу низом келтириб чиқарган ва дунёning аксар давлатларида ҳамон сақланиб қолаётган муаммоларнинг энг кўзга кўрингандарни қуйидагилар бўлса керак:

1 – Моддий манфаатнинг жамият асосланиши лозим бўлган юксак қийматлардан, яъни инсоний, руҳий ва ахлоқий қийматлардан устун қўйилиши. Капиталистик низом томонидан тарафдорлари онгига шундай кўз-қарашнинг сингдирилиши башариятга бир қанча муаммоларни, шу жумладан, ахлоқий жиҳатларга эътибор бермасдан бойлик устида ва бойликни кўпайтириш устида ёвлашишни олиб келди. Капиталистик жамиятда пул учун фохишлик билан шуғулланишга, ҳатто бутун бир жамият вайрон бўлиб кетса ҳам пул учун, шаҳвоний нафсни қондириш ва бойлик тўплаш учун афюн ва наша савдоси билан шуғулланишга эътиroz йўқ. Камбағаллар бойлигини эгаллаб олиш ҳамда каттароқ фойда кўриш учун уларнинг кучидан, мashaққатларидан фойдаланишга ҳам монеълик йўқ. Капиталистик давлатларда худди биринчи ва иккинчи жаҳон урушларида ҳамда 2001 йили 11 сентябр воқеаларида бўлганидек, бирон бир давлатнинг ўз ҳалқига ёки бошқа ҳалқларга нисбатан жирканч ишлар амалга оширилишига ҳам эътиroz йўқ. Бугунги кунда ҳам миллионлаган кишилар коронавирус юқтириб, уларга ўлим хавф солиб турган бир пайтда дори-дармон сотиш ва уни монополия қилиш учун капиталистик давлатлар тиббиёт соҳасида одамларга лоқайд муносабатда бўлди. Европа давлатлари ушбу касаллик қархисида бир-биридан юз ўгиришди. Улар Сербияга нисбатан худди шундай муносабатда бўлишди. Ҳатто битта жамият ва битта давлат ичida ҳам жамият бир-биридан юз ўгириди ва бу масалага моддий хисоб-китоб билан, манфаат юзасидан ёндашилди. Масалан, Британия бош вазири ёши етмишдан ошган кекса

ёшдагиларга карантин жорий қилиниб, бошқаларга жорий қилинмаслигини айтди. Испанияда қариялар уйларидан биридаги беморлар муолажасиз ва қаровсиз ўлиб кетишга ташлаб қўйилди. Буларнинг барчаси инсонийлик ва ахлоқий кўз-қарашларга асосланмаган моддий манфаат асосидаги ҳисоб-китобларга кўра юз берди.

2 – Жамиятни икки синфга: ҳамма нарсага ҳукмронлик қилувчи бойлар ва меҳнаткаш камбағаллар синфиға бўлган синфий низом. Бундай синфий низом бойларга мулкка эгалик қилиш, уни бошқариш ва ўстириш эркинлиги туфайли жамият бойликларини эгаллаб олиш имконини берадиган иқтисодий низомни келтириб чиқарди. Агар биз Фарбдаги бирон бир юрга қарайдиган бўлсак кўрамизки, у ерда 2 фоиздан ошмаган кам сонли гурух бойликнинг тахминан 95 фоизига эгалик қиласди. Ахолининг 98 фоизи эса, шу бойликнинг 5 фоизигагина эгалик қиласди. Бундай кўриниш (синфий низом) одамларнинг турмуш даражасида, камбағаллар ҳақидаги кўз қарашда акс этади. Ҳатто бутун жамият камбағалларга эътибор бермайди, бойларни улуғлаб хурматлади. Абдулваҳҳоб Киёлий сиёсий энциклопедиясида шундай келади: (...Капиталистик низом капиталистик жамиятдаги икки синф ўртасини ажратади: Буларнинг биринчиси капиталистлар (буржуйлар) синфи бўлса, иккинчиси ишчилар (пролетариат) синфидир. Бу билан ишлаб чиқаришни бошқаришда сармоя мухим роль ўйнайдиган бўлади. Бу ерда бир қанча таъсирли омиллар ҳам борки, улар бундай жараённинг амалга ошишига ёрдам беради...).

3 – Қашшоқлик балоси: Ривожланган бой давлатларда бўладими ёки ривожланаётган давлатларда бўладими ҳеч бир фарқсиз қашшоқлик келтириб чиқарган турли бало-офатлар баъзи давлатларда очарчиликларга ва ўлим ҳолатлари юз беришига олиб бориши ҳам мумкин. Очкўз капиталистик низом туфайли ҳатто ушбу мабдани қабул қиласган Европа давлатлари ва Америка каби катта давлатлар ҳам қашшоқлик балосидан омон қолмайди. CGTN канали эълон қиласган Америка аҳолини рўйхатга олиш маркази ҳисботига кўра, Кўшма Штатларда 45 миллион одам қашшоқликнинг энг қуи даражасида яшайди. Қашшоқликнинг сабабларидан бири ушбу капиталистик низом бўлиб, у мулкка эгалик қилиш эркинлигига кенг йўл очиб, пулдорларнинг камбағаллар устидан ҳукмронлик қилишларига имконият берди. Шунингдек, бу низом нархни тақсимотни тартибга келтирувчи ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ундовчи омил қилиб белгилади. У ахлоқий ва инсоний қийматларга жой қолдирмади ва

шу билан бирга саноқли капиталистларнинг жамоат бойликларини эгаллаб олишларига имкон бериб, жамиятдаги катта синфни бу бойликлардан маҳрум қилди. Судхўрлик муассасалари ва гигант ширкатлар томонидан ишчилар меҳнатининг эксплуатация қилиниши вазиятни янада оғирлаштириди ҳамда камбағалларни янада қашшоқлаштириди. Шунинг учун капиталистик давлатларнинг ҳар бирида навбатга тизилган камбағалларни, кўчада ухлаётган ва ахлат қутилардан овқат топиб ётган минглаб кишиларни кўриш мумкин.

4 – Шахсий эркинликлар мағкурасига боғлиқ бўлган хавфли ижтимоий оғатлар, ҳалокатли касалликлар... Ушбу низом келтириб чиқарган очкўзлик, ирқчилик ва синфий бўлиниш... Оиласвий ажралиш ва шаҳвоний хирснинг юксак ахлоқий қийматлардан устун қўйилиши. Энг кўзга кўринган оғатлар: Европа давлатлари ва Америкада қотилликнинг даҳшатли сонда тарқалиши... Капиталистик жамият рухиятини эгаллаб олган моддий кўз-қараш туфайли гиёҳвандлик балосининг кенгайиши... Шунингдек, Европа ва Америка пойтахтларида ахлоқий бузуқлик ва зинонинг кенг тус олиши ҳамда фоҳишаҳоналарнинг назоратсиз фаолият олиб бориши... Булар давосиз ҳалокатли касалликларни келтириб чиқарди ва ҳар йили даҳшатли сондаги ўлим ҳолатлари юз беришига сабаб бўлди. БМТ веб-сайти 2018 йил 1 декабрда СПИД касаллигига доир қуйидаги маълумотни берди: (... ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) юқтириб, ўзининг вирус юқтирганлигини билмайдиган 9.4 миллион киши бор. 1988 йили бу касаллик аниқланганидан бошлаб 2017 йилгача касаллик юқтирганларнинг умумий сони 38.5 миллион кишига етди). Ижтимоий оғатлардан яна бири ажрашиш ва зино ҳолатлари туфайли туғилган ташландик болаларнинг кўпайишидир. Германия федерал статистика идораси 2010 йил давомида ўз тарихида биринчи бор энг кўп сондаги никоҳсиз туғилганларни қайд этганини ва уларнинг сони 225 мингтадан ошганини ҳамда кейинги йигирма йил ичida уларнинг сони икки баробарга ошиши мумкинлигини маълум қилди. Риёз газетаси 2014 йил 19 ноябрда нашр қилган Америка ҳисботида билдирилишича, Кўшма Штатларда таҳминан 2.5 миллион бола бошпанасиз яшайди. Америкада бундай сондаги уйсиз болалар бундан олдин қайд этилмаган. Қотиллик ва жиноятчилик мавзусига келсак, АҚШ Федерал Қидирав Бюросига кўра, мамлакат бўйлаб 2016 йили 1.248.185 зўравонлик жинояти содир этилган. Бу жиноятлар қасдан одам ўлдириш, тасодифий қотиллик, зўрлаш, ўғирлик ва

куч ишлатиб тажовуз қилиш каби жиноятларни ўз ичига олади. Мамлакатнинг турли тарафидаги 18.481та веб-сайтнинг 16.782тасидан йигилган статистик маълумотларга таяниб тайёрланган хисботга кўра, 2016 йили 17.250та қотиллик жинояти содир этилган. 2015 йили бу каби қотиллик жинояти 15.696та бўлган. 2014 йили 90.158та зўрлаш жинояти содир этилган. 2015 йилга келиб бу сон 4.9 фоизга кўтарилиб, 95.730тага етган. Кўшма Штатлардаги қурол қўллаш орқали содир этилган зўравонликларни хужжатлаширишга ихтисослашган «TheGunViolenceArchive» маркази чиқарган хисботга кўра, 2019 йили бу каби зўравонликларда 8782 киши ўлдирилган. Ўлдирилган ва жароҳат олганлар орасидаги 396таси ёш болалардир, 255таси оммавий отишмаларда ўлган.

5 – Капиталистик жамиятда сайлов низомида ҳам, номзод кўрсатилишида ҳам сиёсий диктатура хукмронлик қиласи ва фуқаролар тўғри танлов эркинлигидан маҳрум қилинади. Сайлов олди кампанияси харажатлари катта бўлгани учун фақат бойларгина ўз номзодлигини қўя олади. Бунинг сабаби шуки, Фарб ҳаётида капиталистик кўз-қараш устунлик қиласи. Шунинг учун камбағал одам ўз номзодини кўрсатолмайди ва сайлов олди ташвиқотларини олиб боролмайди. Гарчи демократия номзодлик эркинлигига ва танлов эркинлигига чақирса ҳам, воқелик бунинг тамоман аксиdir. Капиталистик сиёсий синф ҳокимиятга келгач, омма манфаатларига хизмат қиласиган қонунларни қабул қилмайди, аксинча, ўз манфаатига хизмат қиласиган конунларни қабул қиласи ва сиёсий қарорларни чиқаради. Шунинг учун сиёсий мустамлакачиликка асосан Фарбдаги ширкатлар ва сармоядорлар манфаатлари сабабчи бўлади. Жим Марс ўзининг «Яширин бошқарма» номли китобида «Дунёни ким бошқаради», деган саволга жавоб бериб шундай дейди: «Одатда улар урушларни келтириб чиқаришга ва тўхтатишга қодир, шунингдек, молиявий фонд бозорларини ва валюталар устидаги фоиз ставкаларини назорат қиласиган кишилардир». Агар биз реал воқелика қарайдиган бўлсак, Европа ва Америкада халқнинг конун чиқарганини кўрмаймиз. Гарчи у ерда суверенитет халққа тегишли бўлса ҳам, улар конун чиқаришда иштирок этишмайди.

6 – Рухий инқироз ва муаммолар: Инсон бир қарашда хайратга тушиб, Фарб жамияти саноатлашган ва технологияси ривожланган жамият, у ерда маблағ ҳамда саноат тармоқлари етарли – деб айтиши мумкин. Аслини олганда инсон рухий осойишталик ва хотиржамликни ҳис қилиб яшashi керак. Бироқ Фарб жамиятидаги

холат бунинг тескарисидир. Масалан, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг энг кўпи дунёдаги энг бой давлатлар ҳисобланган Скандинавия давлатларида юз беради. Бунинг сабаби нимада? Бунинг сабаби шуки, осойишталик ва хотиржамликка саноат маҳсулотларининг етарлилиги ва саноатнинг ривожланганлигига боғлиқ бўлган ташқи омил сабабчи бўлмайди. Балки унинг сабабчиси ички омил бўлиб, у фикрий ва руҳий хотиржамликка, қалб хотиржамлигига боғлиқдир. Инсонда ички хотиржамлик бўлмагунча бу рўй бермайди. Синфийлик низоми эса, жамиятда нафратни, безовталик ва бекарорликни пайдо қиласи. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти 2019 йили чиқарган баёнотда шундай келади: «... Ҳар йили қарийб 800 минг одам ўз жонига қасд қиласи. Яъни, улардан кўпчилигининг ўлимига безгак, кўкрак саратони ёки уруш ва қирғинлар сабаб бўлади». Ташкилот ўз жонига қасд қилишни «Дунёдаги саломатликка оид жиддий муаммо» – деб атайди. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг бошқа баёнотида шундай келади: «Даромади паст ва ўрта бўлган мамлакатлардагидан фарқли ўлароқ, даромади юқори бўлган мамлакатларда ўз жонига қасд қилган эркак кишиларнинг сони бундай аёлларнинг сонидан деярли уч баробарга кўп. Даромади паст ва ўрта бўлган мамлакатларда бу кўрсатгич teng). Швецария Соғлиқни сақлаш Обсерваторияси ўтказган сўров натижаларига кўра, Швецариядаги умумий аҳолининг қарип 8 фоизи (8.5 миллион) сўров ўтказилишидан олдинги икки ҳафта ичida ҳеч бўлмаганда бир марта ўз жонига қасд қилиш хақида ўйлаб кўрган). Швецария Скандинавиядаги энг бой давлатлардан бири ҳисобланади.

7 – Манфаатпарастлик кўз-қараши ҳамда капиталистик давлатларда тегишли ғамхўрликнинг йўқлиги туфайли келиб чиқкан ижтимоий парчаланиш жамият ундан азият чекаётган катта оғатлардан биридир. Чунки носоғлом ижтимоий низом ҳамда диний эсхотологик (дунё ишларини охиратга боғлаш) кўз-қарашининг йўқлиги туфайли оила бузилган. Қариндошлар ўртасидаги муносабатлар ҳам бузилган бўлиб, кучсиз ва заифдир. Чунки қариндошлик муносабатлари диний тушунчалар асосида эмас, балки, манфаатлар асосида юргизилади. Шунинг учун боланинг маълум ёшдан кейин отаси ҳақида ҳеч нарсани билмаслигини кўриш ажабланарли эмас. Агар ота ўлса боласи унинг ўлганини билмаслиги, бола ўлса отаси унинг ўлганини билмаслиги ҳам ажабланарли эмас. Ёзувчи Дэвид Попено «Отасиз ҳаёт» номли китобида шундай ёзади: «Ажрашиш ва ноқонуний

туғилиш ҳолатлари кўп бўлгани учун Америкадаги болаларнинг 40 фоизи ўз оиласлари билан яшамайди. Хар ўнта боладан учтаси турмушга чиқмаган оналардан туғилган ва бу болаларнинг кўпчилиги ўз оталари билан яшашмайди. Бундан ҳам аянчлиси, бу оталар ўз фарзандларини мунтазам кўришмайди ва уларга нафақасини беришмайди. Бу масаладаги асосий сабаб қадриятлардаги сақофий ўзгаришдир. Чунки жамиятда ҳаддан ташқари индивидуализм (фақат ўзини ўйлаш) кенг тарқалган». Қадриятлардаги бундай ўзгариш асосий ижтимоий муассасаларга хавф тугдиргани учунгина эмас, балки, болага салбий таъсир кўрсатгани учун ёзувчи унинг хатаридан огоҳлантиради. Ёзувчи Патрик Бьюкенен «Ғарбнинг ўлими» китобида шундай ёзади: (Ғарб мамлакатларида бир қанча омиллар борки, агар улар тўхтатилиб назорат қилинмаса, бу омиллар Ғарб ҳазоратининг даҳшатли суратда қулашидан дарак беради. Бу омиллар: Туғилиш кўрсаткичининг пасайиши, оиланинг кичрайиши, ижтимоий бирликнинг парчаланиши, аёлларнинг турмуш қуриш, фарзанд кўриб бола боқиши, каби табиий анъанавий ҳаётдан бош тортиши, ёшларнинг турмуш қуришдан бош тортиши, жинсий алоқа ва гомосексуализмнинг кенг тарқалиши ҳамда бундай нотўғри йўналишларнинг қонун томонидан ҳимоя қилиниши.

8 – Урушлар, сиёсий ва ҳарбий мустамлакачилик ҳамда у бутун дунёга олиб келган ҳалокатли ҳарбий, сиёсий ва савдо урушлари... Ғарбга вайронагарчилик олиб келган бундай урушларнинг энг кўзга кўринганлари биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари бўлса керак. Германияни бутун дунёни босиб олишга соф материалистик кўз-қараш унданған эди. Ал-Жазира энциклопедиясида шундай келади: «Иккинчи жаҳон урушида 60 миллиондан ортиқ одам ҳалок бўлди, миллионлаб киши яраланди, бошпанасиз қолди. 1945 йили Японияга қарши ядервий курол қўлланиши натижасида ҳам одамлар ўлди ва майиб-мажруҳга айланди».

• Бугунги кунда бутун дунё Америка ва Хитой ўртасидаги савдо урушлари ҳамда Корея ва Америка ўртасидаги ядервий уруш хатари туфайли юзага келиши мумкин бўлган иқтисодий емирилишни кутиб, кўрқувда яшашни давом эттироқда... Моддий манфаатларни қўлга киритиш учун у ер, бу ерда ҳали ҳарбий ва сиёсий урушлар олиб борилмоқда. Бундай урушлар туфайли Шом, Ирок, Ливия, Яман ва булардан бошқа юртларда ҳар йили минглаб одамлар ўлмоқда. Буларнинг барчаси катта давлатлар материалистик ундовдан келиб чиқиб алангалаётган урушлар туфайли ва капиталистик кўз-қараш натижасида юз бермоқда.

• Одамлар бу низомдан чарчаган, шунинг учун уни, айниқса унинг фикрлари ичидә энг күзга кўрингани бўлган иқтисодий низомни ўзгартириш ва уни қулатиш чақириклари янгравоқда. Айниқса, 2008 йили юз берган молиявий инқирозда бундай чақириклар кўп янгради ва одамлар иқтисод хукмларида баъзи исломий фикрларни қўллашни талаб қилишди. Франция иқтисодиёт вазири Лагард: «Исломий молиявий низомдаги ахлоқий нормаларни, унинг ҳозирги иқтисодий инқироз сабабларига қарши туро олиш қобилиятини ҳамда исломий муомалаларда алдов ва қимор тақиқланганини» айтиб мақтади. Париж университети иқтисод фанлари профессори Оливье Пастрі: «Исломий молиявий низомнинг ҳозирги вазият келтириб чиқараётган муаммоларга қарши туро олишини эътиборга олганда, у дунёда тарихий ролни ўйнаши мумкин», деди. Шунингдек у, Франция сенатини исломий банк системасини Франциядаги банк системасига қўшишга чакирди. Сенатдаги молиявий ишлар билан шуғулланувчи қўмита тайёрлаган ҳисботда: «Исломий шариатга асосланган қоидаларга таянадиган банк системаси хоҳ мусулмон ва хоҳ мусулмон бўлмасин барча учун қулайдир», дейилади. Сенатдаги давлат бюджети ва иқтисодий ҳисоб-китобларни мониторинг қилиш бўйича молия қўмитаси тайёрлаган ҳисботда: «Аниқ ўсишга гувоҳ бўлаётган ушбу исломий банк системаси Францияда қўлланиш учун яроқлидир», деб таъкидланади.

• 2011 йил 17 сентябрда Американинг Нью-Йорк шаҳридаги Уолл-Стрит кўчасида юзлаб намойишчилар иштирок этган норозилик намойиши аланга олди. Улар Уолл-Стритни Американинг «озодлик майдони»га айлантиришни исташларини билдириб, уни босиб олишга уринишган. Бу воқеа юз берган пайтда полиция дарҳол бу кўчани ёпиб кўйган ва ўша худудни куршовга олган ва намойишчилар бундан кейин ҳам намойишларни бир неча ҳафтагача давом эттиришган. 2011 йили дунёning мингта шаҳрида ҳам намойишлар бўлди. Намойишчилар ушбу низомни қулатиб, унинг Уолл-Стрит ва бошқа жойлардаги рамзларидан халос бўлишга чақириши.

• Сўзимизни якунлашдан олдин айтамизки: Ўртacha ечим ақидасидан келиб чиқсан, эркинликларга асосланган капиталистик низом заиф ва бузғунчи низомдир. Ушбу молиявий иқтисодий низом ўргимчак тўридан ҳам заиф бўлиб, у бутунлай яроқсиз пойдеворга таянади. Ундаги яроқсизликнинг энг күзга кўрингани «пул системаси» бўлиб, бу системани Америка доллар орқали бошқаради. Америка доллари одамларнинг имкониятларини,

мехнатлари ва бойликларини ҳимоя қиласиган олтин, кумуш ёки булардан бошқа мол айирбошлишда асос бўладиган моддалар каби мустаҳкам асосга таянмайди. Шунингдек, молиявий низомга глобал фонд биржалари ҳам ҳукмронлик қиласиди. Бу биржаларнинг молиявий муассасаларида сохта рақамлар сақланади ва бу рақамлар биржаларнинг аксар активларидағи асл воқеликка мос келмайди. Биржаларда шундай муомалалар юритилади, бу муомалалар одамлар бойлигини вайрон қилиб, уни биржа бошқарувчиларининг чўнтағига туширади. Банклар ҳам одамларнинг омонатларини тўплайди, кейин саноқли капиталистларнинг ундан фойдаланишига қўйиб беради ва бошқаларни ундан маҳрум қиласиди.

• Инсоният бугунги кунда танглик, қашшоқлик ва маҳрумликдан азият чекмоқда. Ушбу носоғлом капиталистик низомнинг бир жузи бўлган исломий юртлар шоир айтганидек, устига сув юқланган, бироқ, ташналиқдан азият чекаётган саҳрордаги туяга ўхшайди.

• Инсоният кўплаб низомларни синаб кўрди. Бу низомларнинг баъзилари қулаган бўлса, баъзилари ҳали ҳам мавжуд. Коммунистлар – капитализмнинг зулми ва очкўзлигидан бизни социализм қутқаради, деб ўйлашган эди. Бироқ, улар уни етмиш йил кўллаганларидан кейин унинг яроқсизлигини кўришгач, уни ўз қўллари билан қулатишиди. Бугунги кунда капитализм тарафдорлари унинг асосий фикрларидан, бу фикрларнинг энг кўзга кўрингани бўлган «бозор эркинлиги» фикридан воз кечишганидан кейин у ҳам қулаган бормоқда. Коммунистлар социализмнинг қулаганини эълон қилганларидек, яқинда капиталистлар ҳам капитализмнинг қулаганини эълон қилишади.

• Сўзимиз якунида айтамизки, инсоният фақат илохий низомдагина баҳтли бўлади. Чунки ер юзида ўн тўрт аср давомида ёлғиз шу низом татбиқ қилинган экан, инсоният унинг соясида баҳтга ва фаровонликка тўла ҳаётда яшади. У амалий воқеликда қарийб юз йил давомида йўқ бўлиб келаётган бўлса-да, мусулмонлар Исломни маҳкам ушлаб, уни қайта барпо этишини талаб қилмоқдалар. Бунга дўстдан олдин душман гувоҳлик бермоқда. Немис тадқиқотчиси Зигрид Хунке ўзининг «Ислом қуёши Фарбга нур сочмоқда» номли машҳур китобида шундай дейди: «Ислом ер юзидаги энг буюк бағрикенг ва адолатли диндир. Биз буни тарафкашлик қилмасдан ва адолатсиз хуласалар уни қора бўёқлар билан бўяшига йўл қўймаслик учун айтапмиз.

Агар биз у ҳақдаги тарихий хатоларни ва жаҳолатни бир четга суреб қўймокчи бўлса, ушбу ҳамкор ва дўстни, ҳаққини қандай бўлса шундайлигича таъмин этиш билан қабул қилмоғимиз лозим». «Европанинг арабларга ва Исломга юзланиши... келгуси ҳақиқат ва муқаррар қисматдир» номли бошқа китобда шундай келади: «Ислом мусулмонларни янгилик яратишга, ижодкорликка, шунингдек, фидокор ва сахий бўлишга унади. Шунинг учун уларга дунё бўйсунди. Улар ҳазоратнинг ёрқин нури билан дунёни ёритдилар ва маданиятнинг кенг сояси билан дунёга соябон бўлдилар». Британия шахзодаси Чарлз шундай дейди: «Ислом бизга насронийлик йўқотган нарсани, яъни дунёни англаш ва унда яшаш йўлини ўргатиши мумкин. Чунки, Ислом инсон, табиат, дин, илм-фан, ақл ва модда ўртасини ажратишини рад этади». Француз шоири Ламартин айтади: «Ислом мусулмон кишининг виждан азобида яшашга дучор қилмасдан бадан ва руҳ талабларини биргаликда қондира олган ягона диндир. Шунингдек, у ибодатлари суратсиз адo этиладиган ягона диндир ва у яратувчи одамларга берган неъматларнинг олийсидир». Файласуф Жорж Бернард Шоу айтади: «Ислом шундай бир динки. биз унда бутун динларнинг фазилатларини топамиз ва унинг фазилатларини бошқа динларда топмаймиз... Ислом ўзининг дастлабки соатлариданоқ барча ирқлар дини эканлигини исботлади. У Салмон Форсий, Билол Ҳабаший ва Суҳайб Румийларни ўз ичига олиб, барчани битта дошқозонда тоблади». Фарб муфаккирларининг булардан бошқа гувоҳликлари ҳам борки, улар бу динни яхши сифатлар билан сифатлайди ва унинг инсониятни қутқаришга қодир ягона дин эканлигини баён қилади.

• Бугунги кунда дунё ёмғир кутаётган қурғоқ ерга ўхшайди... Бу ёмғир дин бўлиб, у инсониятни унга азият етказаётган балолардан, ёвузликдан, зулм ва зулматдан халос этади... Бу ёмғир Ислом қуёшининг чиқиши яқинлигидан хабар беради. Ислом Араб ярим оролида пайдо бўлган пайтда унинг нури ва ҳидояти илк бор ёйилганидек, Ислом қуёши ўз нурини ер юзига таратади. Бу билан Аллоҳ Азза ва Жалланинг қуидидаги сўзи ўз тасдиқини топади:

سَرِّهِمْ عَانِيَتِنَا فِي الْأَفَاقِ وَفِي أَنْفُسِهِمْ حَتَّىٰ يَبَيَّنَ لَهُمْ أَنَّهُ الْحَقُّ أَوْ لَمْ يَكُنْ بِرِّيَكَ أَنَّهُ  
عَلَىٰ كُلِّ شَئِيْءٍ شَهِيدٌ

**«Токи уларга** (ушбу Қуръон ростдан ҳам Аллоҳ томонидан нозил қилинган) Ҳақ (Китоб) эканлиги аниқ маълум бўлгунича, албатта, **Биз уларга атроф-офоқдаги ва ўз вужудларидаги** (Бизнинг борлигимиз ва қудратимизга далолат қиласиган) **оят-**

**аломатларимизни қўрсатажақмиз.** *Aхир* (уларга)  
**Парвардигорингизнинг барча нарсага гувоҳ экани** (яъни Аллоҳ таоло ушбу Қуръонда коинотдаги барча нарсани қамраб олиб, Ўз ҳукмини баён қилаётгани сизнинг ҳақ пайгамбар эканлигингизни исботлаш учун) **етарли эмасми?!**» [Фуссилат 53]

﴿قَدْ جَاءَكُم مِّنَ اللَّهِ نُورٌ وَكِتَابٌ مُّبِينٌ ﴿يَهْدِي بِهِ اللَّهُ مَنِ اتَّبَعَ رِضْوَانَهُ وَسُبْلُ السَّلَامِ﴾﴾

«Сизларга Аллоҳ тарафидан нур-очиқ Китоб келдики, Аллоҳ у сабабли ўзининг ризолигига эргашган зотларни нажомт йўлларига ҳидоят қилур» [Моида 15-16]

﴿وَرَزَّقْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ تَبَيَّنَتْ لِكُلِّ شَيْءٍ وَهُدَى وَرَحْمَةً وَبُشْرَى لِلْمُسْلِمِينَ﴾﴾

«Сизга ҳамма нарсани баён қилиб берувчи, ҳидоят, раҳмат ва мусулмонлар учун хушхабар бўлган Китобни-Қуръонни нозил қилдик» [Наҳл 89]

Аллоҳ Таолодан Ислом Умматини тез орада Ислом давлатида Ислом ҳукмлари татбиқ этилиши билан сийлашини сўраб қоламиз. Эй бутун оламлар Роббиси дуоларимизни ижобат қил. □

## **РАЖАБ ТОЙИЙБ ЭРДОГАН СИЁСАТИ ИСЛОМ МЕЗОНИДА (1)**

### **Хомид Абдулазиз – Миср**

Албатта, сиёсий воқелик туйғулардан айри ҳолда, онгли тарзда кузатилиши ва унга событ қоидалар асосида баҳо берилиши лозим. Бошқача айтганда, воқеликни ўзимиз хоҳлагандек эмас, балки, воқелик қандай бўлса шундайлигича тушунишимиз ҳамда унга шамол ва тўлқинлар хоҳлаган томонига олиб кетаверадиган кема асосида эмас, балки, исломий ақида асосида баҳо беришимиш лозим. Шунга ўхшаб шахслар ва фикрларга исломий ақидага асосланган событ қоида асосида баҳо беришимиш лозим. Акс ҳолда хушдан кетамиш ва ҳар қанча шодланмайлик ҳалокатга учраймиз. Чунки биз бир ишни қўриб, уни гўё ёмғирли булат деб ўйласак, у аламли азобга тўла шамол ёки ташна одам сув деб ўйлайдиган сароб бўлиши мумкин. Шунинг учун Уммат кимдир уни алдашига йўл қўймаслиги ҳамда унинг бойлик ва ресурсларини еб битирадиган, вақтини зое кетказадиган ва умидларини пучга чиқарадиган ҳолатга тушириб қўйишига рухсат бермаслиги ва натижада ноумид аҳволга тушиб қолмаслиги лозим. Айниқса, Уммат қўлида Роббиси ҳидоят ва нур қилиб юборган китоби бўлар экан ҳамда Уммат ҳукм ва ўлчовларни ўша китобдан олар ва фикрларини ўша асосга қуар экан, ҳаргиз адашмайди. Дарҳақиқат, Уммат яқин ўтмишда сохта етакчилар атрофида жисплашди. Бу етакчилар Умматни кетма-кет келаётган мағлубиятлардан сақлаб қолмаган бўлса-да, шунингдек, Умматга чўзилган қўлларни қайтармаган, аксинча, уни ҳалокатга бошлаган ва унинг энг муҳим тақдирий масалаларини душман фойдасига манипуляция қилган бўлса-да, улар жўшқин нутқларда кўкларга кўтариб мақталди. Бунга Мустафо Камол, Жамол Абдуинносир, Ёсир Арафотни келтириш мумкин. Бу рўйхат биз сўз юритмоқчи бўлган Туркия президенти Ражаб Тойиб Эрдоган билан ҳам тугамайди.

#### **Ражаб Тойиб Эрдоган ўзи ким:**

Эрдоган 1954 йил 26 февралда Истанбул шаҳрининг Қосим Пошо маҳалласида туғилган. Унинг оиласи мамлакат шимолидаги Ризе муҳофазасидан қўчиб келган. Эрдоган имом ва хатиблар диний мадрасасини битирган ва Нажмиддин Эрбаканни ўзига устоз деб билади. 1994 йили Истанбул ҳокими бўлиб тайинлангунига қадар турли жойларда ишлаган. Туркиялик машхур шоир Зия Гокалпнинг қўйидаги шеърини ўқиганидан

кейин тўрт ой муддатга қамалган ва сиёсий фаолият билан шуғулланиши тақиқланган. Шоир ўз шеърида: «Миноралар найза, гумбазли дубулғалар, масжидлар бизнинг казармамиз, мўминлар аскар» деган эди. Сўнгра Эрдоган афв этилди.

Эрдоган Фазилат партиясидан чиқиб, дўсти Абдуллоҳ Гул билан бирга Адолат ва тараққиёт партиясини тузди. Бош вазир лавозимини эгаллагач, Эрбакан сиёсатига чек қўйди ва уни (Шарққа қараб интилиш) сифатида кўрсатди. Ўзи эса, Европа ва Фарбга қараб йўналишда давом этди. Эрдоган 1994 йили шундай деган эди: «Туркия низоми асосланган илмоний ақидага чек қўйиш лозим. Чунки Ислом ва илмонийлик бирлаша олмайди. Агар Туркия барча фуқароларни мусулмон сифатида тан оладиган исломий низомга таянганида, мамлакат жануби шарқидаги курдлар муаммосига дуч келмаган бўлар эди». Эрдоган конституцияни танқид қиласар экан, уни (пиёнисталар) ёзган деган эди. Сўнг ҳеч қанча вақт ўтмай, ортга қайтиб шундай деди: «Илмонийлик демократиянинг кафолатидир». Шунингдек, илмонийликни кораламаслик ва уни динга қарши қилиб кўрсатмасликка қаттиқ киришди. Эрдоган ўз партиясининг исломий эмаслиги ҳақида шундай деди: «Айримлар бизни исломий партия дейишади, бошқалар эса мўътадил исломий дейишади. Лекин биз униси ҳам, буниси ҳам эмасмиз. Биз диний партия эмас, демократияга риоя қилувчи партиямиз. Буни барча билиши шарт». Эрдоган 2009 йил 12 декабр Ливаннинг Сафир газетасига шундай интервью берган эди: «Албатта Адолат партияси исломий партия эмас. Ҳукуматимизнинг ташқи сиёсати эса, янги Усмоний сиёсат эмас. Биз Ғазога нисбатан исломий нуқтаи назардан келиб чиқсан ҳолда ҳамдардлик билдирамаямиз». Агар Эрдоган партиясининг сиёсий программаси муқаддимасини кўздан кечирсак, унинг воқеси аён бўлади. Зеро партия программасида шундай дейилади: «Бизнинг партиямиз Туркия жумҳурияти яхлитлигини акс эттиради. Зеро, илмонийлик, демократия, қонун устуворлиги, ҳазоратни юксалтириш, эътиқод эркинлиги ва имкониятлардаги тенглик асосий масала ҳисобланади».

Эрдоганнинг гаплари очик равшан кўриниб турган бўлса-да, айрим кишилар унинг ёнини олиб: унинг партияси исломий партия, ва унинг давлати исломийлар ўрнак олса бўладиган андозадир, дейишмоқда. Лекин Эрдоганнинг қуидаги машхур сўзи уларнинг барчасини рад этади: «Мусулмонлар маданияти Farb маданияти билан рақобатлаша олмайди». Эрбакан вафотидан олдин Ўрта Шарқ газетасига берган интервьюсида Эрдоганнинг

Фазилат партиясидан чиқиб кетиши сабаби ҳақида сўрашганда, шундай деган эди: «Эрдоган ўз ташаббуси билан партия тузган эмас, балки партия тузиш учун буйруқ олган. Нима учун Эрдоган ушбу лойихада ўйинчига айланди. Чунки унда позиция, бойлик, раҳбарлик ва мансаб борасида заифлик мавжуд». Эрбакан яна: «Биз Эрдоганинг айрим программаларда сионистлар билан ҳамкор бўлгани ва уларни дўст тутганидан рози эмасмиз», деган эди. Исломий саодат партиясининг кўзга кўринган етакчиларидан бири Оя Акгоненч шундай деган эди: «Адолат ва Таракқиёт партияси ишбилармон ва бойлар партияси бўлиб, улар Эрдоганинг сиёсатидан фойдаланишади. Бу партия Америка ва Европани қўллайди ҳамда ўзининг иқтисодий сиёсатида либералдир». Абдуллоҳ Гулнинг йирик маслаҳатчиларидан бири Туркияни Исломий давлатга айланишини инкор қилиб, «Туркия шундай асосга таянадики, уни на ўзгартириб бўлади ва на алмаштириш мумкин. Туркия аввалдан илмоний ва демократик давлат бўлиб келган», деган эди.

Эрдоганин химоя қилаётганлар унга зўрлаб исломий либос кийдиришни хоҳлашади. Лекин унинг ўзи ва фикрлари уйғун бўлиб, динни давлатдан ажратадиган очиқ илмоний йўналиш бўйича юради. Эрдоган кўрсатишни хоҳлаётган диний тараф турли расм-русумларга оид тарафдир. Эрдоган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалаларда шаръий ҳукмларни татбиқ қилишга ҳаракат қилаётганини исботлайдиган бирор далил ёки ҳодиса мавжуд эмас. У кўплаб учрашувларда ўзини илмоний давлатга раҳбарлик қилаётган мусулмон шахс экани ҳақида очиқ айтган. Эрдоган 25 январ кўзғолонидан кейин Мисрга ташриф буюрар экан, мисрликларга илмоний давлат тиклашлари ҳақида насиҳат қилган эди. Шундай экан, нима учун баъзилар Эрдоганга ўзи хоҳламаган либосни кийдиришни исташади. Ахир Эрдоган уларни ўзи фойдали ечим деб хисоблаётган илмоний либос кийишга очиқасига чақирмоқда-ку.

Шубҳасизки, Эрдоганинг Давосдаги «мардона» позицияси, Озодлик флотилияси воқеалари, турк элчисининг (Исройл)дан чақириб олиниши, тогут Башарга қарши Сурия халқи билан бирга туриш ҳақидаги сохта даъволари буларнинг барчаси араб дунёсида Эрдоганга нисбатан қўллаб-қувватловни пайдо қилди. Эрдоган бундан катта фойдаланди. Чунки бу ўз юртлари ҳокимларидан бу каби позицияни кўрмаган, кўпчилик орзу қилаётган нарса эди. Лекин биз мана шундай позициялар уммонида бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак. У ҳам бўлса, Туркия (яхудийлар) билан алоқаларни нормаллаштириш масаласида асосий ўйинчидир. Бу

масалага минтақанинг барча давлатлари аралашган. Яна бир шубҳасиз нарса шуки, Туркияning Фаластин қаршилик ҳаракатини кўллаб-қувватлаши ҳақидаги даъвоси ёлғон даъводир. Чунки алоқаларни нормаллаштириш ва қаршилик ҳаракатини кўллаб-қувватлаш бир-бирига зид нарсадир. Унутмаслигимиз лозим бўлган яна бир нарса шуки, Эрдоганинг Суриядаги қизил чизиги Сурия аҳлига ёрдам бермади. Балки у Суриядаги қўзғолонни бўғди ва қуролли муҳолифат кўли остида бўлган минтақаларни режимга топширди. Бугун эса, Идлибнинг қолган қисмини топшириш учун тил бириктирув давом этмоқда. Туркия ва АҚШ ўртасидаги ўзгача алоқалар, Туркияning НАТОга аъзо бўлиши, яхудийлар билан сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий алоқалар ўрнатилиши, буларнинг барчаси Туркияning араблар билан яхудийлар ўртасида тузилаётган никоҳ битимида асосий ролни бажарадиган ўйинчи эканини кўрсатмоқда.

### **Эрдоганинг Фаластин масаласига нисбатан тутган позицияси ва яхудий вужуди билан бўлаётган алоқалар:**

(Истроил)нинг Командос маҳсус гурухи қуршовдаги Газо секторига кетаётган (Мармара флотилияси) бортидаги ўнлаб турк фаолларини ўлдириши ортидан пайдо бўлган кескинликдан бир неча йил ўтиб Эрдоган Газони қурбон қилди. Халқаро ташкилотларнинг Газо қуршовига чек қўйиш ҳақидаги талабига кўра, Эрдоган 2016 йили яхудий вужуди билан алоқаларни нормаллаштириш бўйича бир неча Европа шаҳарларида музокара ўтказганидан кейин яхудийлар билан иттифоқ тузди. Иттифоқ бандлари қуйидагиларни ўз ичига олди: Элчилар қайта иш бошлиши, икки томонлама ташрифлар уюштирилиши, халқаро ташкилотларда бир-бирига қарши иш тутмаслик ҳамда икки тараф ўртасида хавфсизлик ва разведка масаласида ҳамкорликни йўлга кўйиш. Бунга муқобил ўлароқ Туркия Газода замонавий шифохона, дengiz сувини чучуклаштириб берувчи завод ва электр энергияси ишлаб чиқарувчи станция қуриб бериш эвазига Газодан қуршовни олиб ташлашни талаб қилмайдиган бўлди.

2016 йил 26 июн Моссад идораси раиси Йоси Коэн Анқарада ҳамкасби Ҳакан Фидан билан учрашди. Улар учрашувда «Туркия Ҳамас ҳаракатига Туркия ерларидан туриб, Истроилга қарши ҳарбий фаолият олиб боришига рухсат бермасликка келишиб олишди. Туркия бу ишни режалаштириш асосида амалга оширадими ёки кўрсатма берадими ёки ижро қиласидими фарқи йўқ. Шунингдек, Ҳамас ўзининг Туркиядаги офици орқали дипломатик фаолиятларни давом эттиравериши тўғрисида келишиб олишди». (Истроил) бунинг

эвазига Ҳамас етакчиларини Туркиядан чиқариб юбориш талабини кўймайдиган бўлди. 2016 йил ноябр ойида эса, икки тараф элчиларини алмаштиришди. Яхудий вужуди ташқи ишлар вазирлиги Эйтан Наехни Анқарадаги элчиси қилиб тайинлаган бўлса, Туркия Камол Ўкемни (Истроил)га элчи қилиб юборди.

Яхудий вужуди 2016 йил ноябр ойида ёнғинлар тўлқинига учради ва бу босиб олинган Ғарбий Қирғоқдаги уй жойларнинг ёнғин ичидаги қолишига олиб келди. Шунда Туркия давлати ёнғинни ўчиришга ёрдам бериш учун катта ўт ўчирувчи самолётларни жўнатишини айтди. Туркия хукумати ёнғинни ўчириш учун ёрдам кўрсатган биринчи давлатлардан бўлди. Эрдоган ёнғинни ўчириш учун учта ўт ўчирувчи самолёт юборди. Нетаньяху ўшандада Туркия хукумати кўрсатган ёрдамни юксак баҳолагани ҳақида гапиргган эди.

Аниқ кўриниб турган воқелик шуки, Эрдоган Фаластииннинг 80 % ери босиб олинганини муаммо сифатида кўрмайди, балки (Истроил)ни қонуний давлат деб ҳисоблайди. (Истроил)нинг Иро ва Меърож ерида мавжуд бўлиб туриш ҳуқукини тан олади. Шунингдек, у Америка айтиётган икки давлат ёнимига чақиради ва Ҳамасни (Истроил)ни тан олишга қизиктиради. Эрдоган муаммо фақат янги турар жойлар қурилишида деб билади. Чунки янги турар жойлар (тинчлик) ўрнатилишига тўсқинлик қиласи деб ҳисоблайди.

### **Америка элчихонасининг Қуддусга кўчирилиши:**

Эрдоган 2017 йили агар АҚШ Қуддусни (Истроил)нинг пойтахти деб тан олса, (Истроил) билан алоқаларни узиши ҳақида қўрқитган эди. Лекин бундай бўлмади. Чунки Эрдоган яхудий вужуди билан алоқаларни ҳам узмади ҳамда Америкага нисбатан ҳам қандайдир позиция билдирамади. Чунки Эрдоган Американинг сояси бўлмиш яхудий вужуди билан эмас, балки Американинг ўзи билан алоқаларни узиш ҳақида таҳдид қилиши лозим эди. Эрдоган ўшандада бундай қадам мусулмонларга нисбатан (қизил чизик)қа тажовуз қилиш ҳисобланади деган эди. Америка ўз элчихонасини Қуддусга кўчириш ва уни (Истроил) пойтахти деб тан олиши ҳақидаги режасини амалга оширишини тақдим қилганида Эрдоган ўз сўзидан қайтди. Эрдоган 2018 йил 8 май CNN телевидениеси орқали чиқиши қиласи экан, АҚШнинг ўз элчихонасини Қуддус шаҳрига кўчириш қарори катта хато эканини билдириди. 2018 йил 14 майда Лондонга қилган ташрифида «АҚШ давлати сўнгги қадами билан ечимни эмас, балки муаммони танлади ва тинчлик амалиётидаги воситачилик ролини яхши бажара олмади», деди.

Лекин бу воқеликка таъсир қилмайдиган қуруқ баёнотлигича қолди. Эрдоган (истроил)ликларнинг Фаластиин халқига нисбатан

қилган зўравонлигини танқид қилиш учун Истанбулда Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти билан навбатдан ташқари саммит уюштириди. Чунки бу зўравонликда (Исройл) аскарлари қуролидан олтмишдан ортиқ фаластинлик вафот этган ва икки мингдан ортиғи жароҳатланган эди. Бу воқеа Ғазо сектори чегарасида бўлиб, Қуддус шаҳрида АҚШнинг янги элчихонаси очилиши тантаналари билан бир вактда юз берган эди. Лекин ушбу саммитни ҳам ҳеч қандай таъсири бўлмади. Чунки унда маъқулламаслик ва инкор қилиш каби сўзлар айтиш орқали одамларни алдашди. Саммит очилишидан олдин Эрдоган Истанбул марказида йигилган минглаган намойишчиларга Фаластиналарни қўллаб-қувватлашга чақирап экан, исломий олам (Қуддус имтиҳонида муваффақиятсизликка учрагани) ва Америка элчихонасининг Қуддусга кўчирилишини тўхтатиб қола олмагани ҳақида хабар берди. Лекин муваффақиятсизлик бу ҳодиса қархисида томошабинлардек қараб турган ҳокимларнинг муваффақиятсизлиги эди. Чунки улар Фаластинга қарши тил бириклиришда шерик бўлишиди. Уларнинг орасида Америка қадамларига қаршилик қилмай жим қараб турганлари бўладими ёки бу ишларни ёмон кўриб, танқид қилганлари бўладими фарқи йўқ. Эрдоган кўпинча ўзининг жўшқин нутқлари билан исломий оламга етакчилик қилишга ҳаракат қиласди. Ҳатто у собиқ араб раҳбарлари каби Фаластин масаласини Умматнинг ҳаёт-мамот масаласи деб тушунадиган ҳалқ мұхаббатини қозониш учун (Исройл) билан даҳанаки жанг ҳам қилиб туради.

### **Аср келишуви ва Туркияning унга нисбатан тутган позицияси:**

Америка президенти Трамп 2020 йил 28 январ сесанба куни Вашингтонда ўтказилган матбуот анжуманида, яхудий вужуди бош вазири Биньямин Нетаньяху хузурида аср келишувини эълон қилди. Бу келишув режасига кўра, тоннель ва кўприклар орқали боғланадиган, архипелаг суратидаги Фаластин давлати тикланади. Қуддус шаҳри эса, яхудий вужудининг пойтахти бўлади. Эрдоган 2020 йил 30 январ пайшанба куни Онадўли ахборот агентлигининг мукофот топшириш маросимида Аср келишуви ҳақида шундай деди: «Қуддус савдолашадиган шаҳар эмас», «Улар бу келишувни аср келишуви дея аташибди! Бу босқинчилик лойиҳасидир». У яна қўшимча қиласди, «Биз Туркия ҳалқи Фаластин ҳақида Султон Абдулҳамид иккинчи айтган тушунчадамиз» деди.

Бу ерда эслатиб ўтиш жоиз бўлган нарса шуки, Султон Абдулҳамид 1883 йил 5 марта (иккинчи иродада) номи билан

машхур бўлган қонун лойиҳасини чиқарди. Бу лойиҳа яхудийларнинг Фаластин ерларига эгалик қилишларини рад этди ва бир қарич бўлса ҳам уларга бу ерларни сотишни ман қилди. Бу лойиҳа Абдулҳамид иккинчи 1909 йил таҳтдан тушгунича ўз кучини йўқотмади. Бу йиллар давомида эгалари сотишни хоҳлаётган ерларни султон Абдулҳамид ўзи сотиб олди. Султон Абдулҳамид 1896 йили яхудийлар жамоаси раиси Теодор Герцлнинг Фаластинни сотиш ҳақидаги таклифини рад этган эди. Герцл Фаластинда сионистлар давлатини куришни хоҳлаган эди. Ўшанда султон Абдулҳамид Герцлга шундай жавоб қилди: «Мен Фаластин ерларининг бир қаричини ҳам сота олмайман. Чунки у менинг шахсий еrim эмас, балки Усмоний давлат мулкидир. Агар сизлар танамни тилка пора қилсангиз ҳам Фаластин еридан бирор қаричини сотмайман». Султон Абдулҳамид Фаластин, Қуддус ва Масжидул Ақсони ҳақиқатда ҳимоя қилди ҳамда Герцл таклиф қилган (аср келишувини) рад этди. Сионистларнинг орзуси Усмоний Халифалик қулатилганидан кейингина рўёбга чиқди. Эрдоганинг Аср келишувини рад этиб қилган иши эса, кундан-кун катталашиб бораётган қизил чизик ҳақидаги гапдан бошқа нарса бўлмади.

### **Эрдоганинг Сурияга нисбатан тутган позицияси:**

Эрдоган 2012 йил 5 сентябрда шундай деган эди: «Аллоҳ хоҳласа биз яқинда Дамашққа борамиз ва у ердаги биродарларимизни севинч билан бағримизга босамиз, бу кун узоқ эмас. Биз яқинда Салоҳиддин Айюбий қабри ёнида фотиҳа ўқиймиз, Умавий жомесида намоз ўқиймиз. Биз яқинда Билол Ҳабаший, Ибн Арабий мақбараси олдида, Сулаймония такясида ва Ҳижоз станциясида биродарларимиз учун эркин дуо қиласмиз». Лекин буларнинг бирортаси ҳам рўй бермади. Аксинча Эрдоган Американинг Суриядаги режасини, яъни режимни кулашдан сақлаб қолиш режасини амалга оширди. Туркияning энг кўзга кўринган иши ўзига тобе жангчиларни ИШИДга қарши жанг қилиш учун Боб шаҳрига кўчирди. Айни пайтда Ҳалабдаги уруш жабҳалари қўллаб-кувватлов ва жангчиларга муҳтож эди. Зоро, Ҳалаб жанги ва қуршови 2016 февралдан бошланиб, 2016 йил декабргача, яъни Ҳалаб режим қўлига ўтгунига қадар давом этди. Барчага маълум бўлиб қолдики, Боб шаҳрини туркларга бериш эвазига Ҳалаб режимга топширилди. Бу нарса руслар ва турклар ўртасида тузилган келишув эди. Боб жанги уч ой давом этди ва 2017 йил 23 февралда Туркияга қарашли Фурот қалқони кучлари шаҳарга киришди.

Шундай қилиб, Туркия ИШИД ва курдларга қарши жанг қилиш орқали Сурия ерларига хўжайнинлик қила бошлади. Бу нарса бошқа ҳаётий минтақаларга кенгаяётган режимга қўл келди. Режим 2018 йил март ойининг охирида Шарқий Футани эгаллади. Бундан олдинроқ, яъни 2018 йил март ойи ўрталарида Зайтун новдаси амалиётини амалга ошираётган турк кучлари Афринни эгаллади. Туркия ва унинг иттифокчилари Роъсул Айн ва Тал Абяздаги курдларга қарши тинчлик баҳори номи остида қилган жангидаги ҳам худди шу сценарий такрорланди. Шу билан Туркия бутун минтақа устидан ҳукмронликни қўлга киритди. Айни пайтда курдлар эгаллаб турган кенг минтақа жангсиз режим қўлига ўтди. Шундай қилиб, Туркияning барча ҳаракатлари ортидан минтақалар режим қўлига қайтарилди. Бу бир тарафдан, иккинчи тарафдан Сурия қўзғолонидаги қолган гурухлар устидан тўла ҳукмронлик ўрнатилди. Уларнинг охиргиси Ҳайъат Таҳрири Шом бўлиб, бу ишлар Идлиб ҳодисалари ҳамда Сочи иттифоқини амалга ошириш ва иттифоққа қарши чиққан ҳар қандай овозни ўчириш учун бўлган келишувларда рўёбга чиқди. Зеро Таҳрири Шом Ҳизб ут-Тахрирнинг ўттиздан ортиқ йигитларини қамоққа олди. Чунки улар одамларни бир жиҳатдан қўзғолон компасини фақат режимни қулатишга қаратиши ва иккинчи жиҳатдан хорижий нуфуздан узоқ бўлиш ва халқаро ҳийлакор иттифоқларни инкор қилишга ундаётган эди.

Туркия Россия ва Эрон билан келишган ҳолда Идлиб муҳофазаси, Хама шаҳри атрофи ва Ҳалабда 12та кузатув нуқтасини барпо қилди. Бундан мақсад, Сурия режими билан муҳолифатни ажратиб турган минтақаларда кескинликни юмшатиш номли иттифоқни татбиқ қилиш бўлди. Туркия бу минтақаларга кескинликни юмшатиш иттифоқини амалга ошириш учун кирди. Лекин кескинликни юмшатиш фақат бир тарафлама рўй берди. Чунки режим ва унинг иттифоқчиси бўлмиш Россия кафил саналмиш Туркия кўзи ўнгидаги қирғинни давом эттираверди. Режим Сурия муҳолифати ҳукмронлиги остидаги минтақаларни эгаллай бошлади.

Сурия минтақалари Россия Туркия иттифоқи орқали Сурия муҳолифати қўлидан кета бошлади. Бу иттифоққа кўра, қўшма патрул хизмати жорий қилинадиган бўлди. Москва бунда қўзғолончи гурухлар ҳукмронлиги остида бўлган ерларни тўла ўз назорати остига олишга ҳаракат қилди. Уларнинг охиргиси Идлиб муҳофазасидаги Сурия қўзғолонининг охирги қароргоҳи бўлган Сароқиб шаҳри бўлди. Маълумки, террорга қарши курашиш учун –

Суриянинг Боб шаҳрида содир бўлганидек – ўйин қоидаларига риоя қилишингизга тўғри келади. Зеро, олам давлатлари ИШИДга қарши курашишга иттифоқ қилишди. Ҳолбуки, Башар Асад иттифоқчилари билан биргаликда террорга қарши кураш баҳонаси остида қўзғолончиларни қирғин қила олиши учун, ИШИДнинг Сурия шаҳарлари ичига киришига яшил чироқ ёқиб берилган эди.

Эрдоганинг Сурияда қилган ишлари Ислом динига хиёнат ва мусулмонларга қарши жиноят ҳисобланади. Чунки у қўзғолоннинг мағлубиятга учрашига биринчилардан бўлиб ҳисса қўшди. Шунингдек у Россиянинг ҳар бир ҳаракатида ҳамроҳ бўлди. Шундай экан, анавилар қандай қилиб Эрдогандан умид қилишмоқда ва айни пайтда Россия ва Эронни Уммат душманлари деб ҳисоблашмоқда.

Эрдоган Ҳалаб шаҳрини Башар режимига топширди. Бу шаҳар бир неча йилгача Башар ва унинг шериклари Россия ва Эрон ҳамда унинг ёлланма жангариларига бўйсунмаган эди. Эрдоган режим ва унинг партияси Ҳалабга ҳужум бошлаганда Фурот қалқони операциясини бошлади. Бошқача айтганда, Ҳалаб ва унинг ахолиси ёрдамга муҳтоҷ бўлиб турган пайтда жангчилар эътиборини бошқа томонга бурди. Натижада, сиз гувоҳи бўлган ишлар содир бўлди.

Барчага маълумки, Америка ва Россия Шом тоғути бўлган малайини қулатишга ҳаракат қилмаяпти. Балки қўзғолонга якун ясад, вазиятни 2011 йилдаги аҳволга қайтаришмоқчи. Зеро, «Ё Асад қолади ёки бутун юртнинг кулинини қўкка совурамиз», деган гапнинг ҳақиқий ижрочиси Америкадир. Ҳозир у бошлаган ишига якун ясамоқчи. Эҳтимол, Суриянинг шимоли ушбу қўзғолоннинг охириги қалъаси бўлса керак.

Энг хатарли нарса Путин билан Эрдоган ўртасида тузилган иттифоқдадир. Чунки Эрдоган ўзига тобе гурухлар билан ўйнашиш вазифасини пухта бажарди. Натижада, Россия ва режим минтақаларни бирин-кетин қўлга киритиб, улар устидан ҳукмрон бўлиб олди. Фуқаролар, мактаблар, бозорлар ва шифохоналар устидан ваҳшийларча бомба ёғдириш ҳамда ўз минтақаларини мудофаа қилиши эҳтимоли бўлган гурухларни қасддан қулатиш сиёсати ортидан янги сценарий ўйналади. Натижада, ишларни тартиблаб бўлмайдиган даражада бошбошдоқлик бошланади. Кейин қон тўкишни тўхтатиш ва бор нарсани сақлаб қолиш номи остида таслим бўлишга чақириқ бошланади. Ана ўшанда Женева, Сочи ва Остона хиёнатлари қўзғолон ва одамлар учун бошпана бўлиб қолади. □

ИНСОН УЧУН ФАҚАТ ИСЛОМ АҲКОМЛАРИ СОЯСИДАГИНА  
ҲАЁТ БОР... ЭЙ ИНСОНЛАР, ОЛАМЛАР ПАРВАРДИГОРИ  
ДИНИГА ШОШИЛИНГ

«Яратиши ҳам, буюриши ҳам Ёлгиз Аллоҳникидир»

Зинат Сомит

Аллоҳ борлик ва ҳаётни яратиб, уларнинг ҳар бири учун низом белгилади. Борлик ҳам, ҳаёт ҳам шу низомга мувофиқ юради ва ундан чиқиб кета олмайди. Масалан, ер ўз ўқи ва қуёш атрофидаги айланади. Унинг айланишдан тўхташи ва йўналишини ўзгартириши мумкин эмас. Ҳаёт ҳам инсон, хайрон ва ўсимликларда гавдаланади. Унинг бошланиши «туғилиш ва ўсиш» бўлса, ниҳояси «ўлим ва чириб йўқ бўлишдир». Ҳаёт жорий қилинган ушбу низомдан четга чиқмайди. Шунингдек, Аллоҳ инсонни яратиб, уни азизумукаррам қилди ва унга ақл неъматини инъом этиш ила жуда кўп жонзоротлардан афзал-устун қилиб қўйди.

﴿وَلَقَدْ كَرِمْنَا بَنِيٍّ عَادَ وَهَجَنْتُهُمْ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَرَزَقْنَاهُمْ مِنَ الظَّبَابِ وَفَضَلْنَاهُمْ عَلَىٰ كَثِيرٍ مِمَّنْ خَلَقْنَا تَفْضِيلًا﴾

«Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз-мукаррам қилдик ва уларни барру-баҳрда — қуруқлик ва дengизда (от-улов ва кемаларга) чиқариб қўйдик ҳамда уларга ҳалол-пок нарсалардан ризқу рӯз бердик ва уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзоротлардан афзал-устун қилиб қўйдик» [Исро 70]

Инсон ўзига берилган ушбу ақл неъмати ёрдамида ҳаётини юргизиши учун Аллоҳ унга белгилаган низомга эргашиш билан, ундан четга чиқиб бошқа низомга эргашиш ўртасини ажратади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّا هَدَيْنَاهُ السَّبِيلَ إِمَّا شَاكِرًا وَإِمَّا كَفُورًا﴾

«Дарҳақиқат, биз уни (инсонни) хоҳ у шукр қилгувчи-мусулмон бўлсин ва хоҳ кўрнамак-кофир бўлсин (тўғри) йўлга ҳидоят қилдик (яъни шукр қилгувчилар Биз уларни ҳидоят қилган тўғри йўлни-ҳақ динни маҳкам тутадилар, кўрнамак кимсалар эса ўзларига кўрсатилган Тўғри йўлдан юз ўгириб кетадилар)»

[Инсон 76]

Аллоҳ белгилаган қонунларга эргашиш билан, ушбу раббоний қонунларни тарқ этиш, ҳавои нафсига ҳамда ақли эргашишга буюрган инсонлар томонидан тузилган қонунларга мувофиқ юриш ўртасида танлов инсонга қўйиб берилган. Бу танлов инсон унинг меваларини йиғиб оладиган танловдир.

﴿فَإِمَّا يَأْتِيَنَّكُمْ مِّنْ هُدًى فَمَنْ أَتَبَعَ هُدًى فَلَا يَضُلُّ وَلَا يَشْقَى ﴾ وَمَنْ أَعْرَضَ عَنْ ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ وَمَعِيشَةً ضَنْگًا وَنَحْسِرُهُ يَوْمَ الْقِيَمَةِ أَعْمَى﴾

«(Аллоҳ) айтди: Үндан (яъни жаннатдан) ҳар иккингиз тушингиз. Айрим (зурриётларингиз) айримларига душмандир. Бас, сизларга Мен тарафдан ҳидоят келганида ким Менинг ҳидоятимга эргаиса, йўлдан озмас ва баҳтсиз бўлмас. Ким Менинг эслатмамдан юз ўғирса, бас, албатта унинг учун танг-баҳтсиз ҳаёт бўлур ва Биз уни қиёмат кунида кўр ҳолда тирилтирурмиз»» [Тоҳа 123-124]

Ислом бутун одамларга ҳидоят ва раҳмат сифатида юборилган энг сўнгги рисолат бўлиши учун Аллоҳ Таоло ўз Пайғамбари ﷺни Ислом рисолати билан юборди.

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ﴾

«(Эй Муҳаммад), дарҳақиқат Биз сизни барча оламларга фақат раҳмат (яъни Аллоҳнинг раҳмати-жаннатига етаклагувчи) қилиб юбордик» [Анбиё 107]

Токи, Пайғамбар ﷺ бу диннинг кенг қамровли ҳаёт манҳажи эканлигини, бу манҳаж ҳаётнинг ўзаро боғлиқ, ажралмас жиҳатларини ўз ичига олишини ва башарият ҳаётини тартибга келтириб, инсоннинг барча эҳтиёжларини қондиришини одамларга баён қилиб берсин. Ислом ўзининг кенг қамровлилиги ва воқеийлиги билан ажралиб турадиган, унда инсоният ҳаётидаги барча муаммоларни тўғри муолажа қиласидиган низом ва қонунлар мавжуд бўлган ўзига хос мукаммал динdir.

Ислом борлиқ, ҳаёт ва инсоннинг яратувчиси, махлукотлари ишларини тартиблаштиришга қодир, хабардор ва Ҳаким зот томонидан нозил қилинган динdir. Ислом раббоний манҳаж бўлиб, инсонлар шу диндагина ўзлари учун қонунларни белгилаган Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолога ибодат қиласидилар. Бошқа низомларда эса, одамлар ўзларига парвардигор қилиб олган бошқа нарсаларга ибодат қиласиди ва ўзлари учун белгиланган башарий қонунлар асосида яшайди.

﴿أَتَخَذُوا أَحْبَارَهُمْ وَرُهْبَنَتُهُمْ أَرْبَابًا مِّنْ دُونِ اللَّهِ وَالْمَسِيحَ أُبْنَ مَرْيَمَ وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا إِلَهًا وَاحِدًا لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ سُبْحَانَهُ وَعَمَّا يُشَرِّكُونَ﴾

«Улар Аллоҳни қўйиб ўзларининг донишмандларини ва роҳибларини ҳамда Masих бинни Марямни парвардигор деб билдилар. Ҳолбуки, фақат ягона Аллоҳга бандалик қилишга

**маъмур (буюрилган) эдилар. Ҳеч илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. У зот уларнинг ширкларидан покодир»** [Тавба 31]

Ислом Аллоҳдан бошқасига қуллик қилишнинг барча турларини бекор қилиш ҳамда бутун иш У Зотнинг қўлида эканини баён қилиш учун келди.

﴿أَفَغَيْرِ دِينِ اللَّهِ يَبْغُونَ وَلَهُ أَسْلَمَ مَنْ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ طَوْعًا وَكَرْهًا وَإِلَيْهِ يُرْجَعُونَ﴾

**«Аллоҳнинг динидан ўзга дин истайдиларми?! Ахир осмонлару ердаги барча жонзот истаса-истамаса Унга бўйсуниб турибди-ку!** Ушалар (яъни Аллоҳнинг динига итоат қилишини хоҳламаётганлар) ҳам фақат Унинг ўзига қайтариладилар-ку!» [Оли Имрон 83]

Ислом дини Аллоҳ ўз бандаларининг янгилини турувчи ҳаётларида ўзгармас манҳаж бўлиши ва одамлар ҳаёти унинг атрофига айланиши учун танлаган диндир.

﴿الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتَمَّتُ عَلَيْكُمْ نَعْمَتِي وَرَضِيَتُ لَكُمُ الْإِسْلَامُ دِينًا﴾

**«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб ташладим»** [Моида 3]

Ислом аниқ, равshan манҳаж бўлиб, одамларга йўл кўрсатади ва уларни омонлик қирғогига олиб чиқади. Ислом муқаррар ҳақиқат бўлиб, инсоннинг ундан беҳожат бўлиши ва усиз яшashi мумкин эмас. Инсон диндан юз ўгириш ва одамлар томонидан тузилган қонунлар остида яшаш оқибатида йўлиққан балою оғатлар бунга очиқ далилдир.

Инсон ушбу муқаррар ҳақиқат билангина Парвардигорини рози киладиган ва энг яхши мукофотга эришадиган мусулмон бўлиб яшайди. Агар ундан юз ўгириб чекинса ва одамлар томонидан ўрнатилган бошқа низомларга юзланса, у яна жоҳилиятга қайтиб баҳтсизликда азоб чекиб яшайди. Қандай қилиб инсон Аллоҳ яратган мавжудотларга мос ва ҳамоҳанг бўлган Исломни ташлаб, ўзи асосланиб яшайдиган низомни тузиб бериши учун мухтож ва номукаммал бўлган инсонга мурожаат қилиши мумкин?! Қандай қилиб тўғри, қоникарли, фитратига ва борлиқ қонунларига мос келган турмуш тарзини ташлаб, изтиробли, борлиқ ва ҳаёт қонунларига зид бўлган турмуш тарзи ортидан чопиши мумкин?! Қандай қилиб манфаатларга қараб ўзгарувчи, муаммоларга ечим беришга ожизлик қилувчи нуқсонли қонунлар ортидан юриш учун яратувчининг ўзгармас, мукаммал қонунларидан юз ўгириши мумкин?!

Ислом келганидан бошлаб, душманлари унга ва унинг аҳлига макр қилишдан тўхтагани йўқ. Зеро, ҳақ билан ботил ўртасидаги кураш қиёмат кунига қадар тўхтамайди. Фарбнинг Исломга қарши кураши

раббоний қонунларни ижро қилишга асосланган давлатга зарба беришга қаратилди. Шу боис, у мусулмонларни бўлиб парчалади, уларни Фарбнинг буйруқ ва режаларини амалга оширадиган рувайбизалар бошқарадиган давлатчаларда яшайдиган қилди. У Ислом давлатини қулатиб, ўзининг динни ҳаётдан ажратишга асосланган сақофатини ёйди, Исломни масжидларга ва ибодатларга чеклашга ҳаракат қилди. Исломни ҳаётдан йироқлаштириб, ҳаётга аралашмайдиган, ҳаётни юргизмайдиган қилиш учун, қолаверса, Исломни ҳар қандай воқеий фаолиятдан четлатиш учун уни тор доира ичida чеклаш устида тинимсиз меҳнат қилди.

Ва ниҳоят, Исломни давлатдан ажратиша катта ютуққа эришди ва бу яхудий Мустафо Камол қўли билан амалга ошиди. Шундай қилиб, Ислом ҳаётни бошқаришдан четлатилди, унинг ўрнига Фарб тушунчаларидан келиб чиқсан низомлар ўрнатилди. Чунки Фарб тушунчалари Ислом тушунчалари ўрнини эгаллаб, хукмрон тушунчаларга, унинг қонунлари эса, инсон муаммоларининг ечимиға айланган эди.

Фарб ҳазорати ҳамда унинг қонунлари остида бугунги кунда дунё аламли воқеликда яшамоқда. Дастур ва қонунларнинг инсоният азият чекиб келаётган муаммоларга ечим беришга ожизлик қилиши натижасида уларга киритилаётган тузатишлар ушбу аламли воқеликни очиб беради:

– БМТ Таракқиёт Дастури чиқарган «2019 йилги турли даражадаги қашшоқлик кўрсатгичи» шуни кўрсатадики, ўрганиб чиқилган 101та давлатда (уларнинг орасида 31таси миллий даромади паст, 68таси миллий даромади ўрта ва 2таси миллий даромади юқори бўлган давлатлардир) 1.3 миллиард одам «турли даражадаги» қашшоқликдан азият чекмоқда.

– Ишсизлик: «Хозирда дунёда ишлаётган 3.3 миллиард одам орасидан кўпчилиги ўз даромадларининг келажаги хусусида ишончсизлик ҳисси билан яшаётганларидан ташвишдамиз. Улар ўзларига мос бўлмаган шартномалар асосида ишлашади. Биз буни биламиз. Чунки улар бу ишни ўз хоҳишлиари билан танламаганликларини айтишмоқда. Улар вақтинчалик ёки ярим кунлик иш ўринларига рози бўлишга мажбур. Шу билан бирга, доимий ёки тўла кунли иш ўринларга эга бўлиш имкониятини кутишмоқда». (Демиан Гrimshou Халқаро Мехнат Ташкилоти тадқиқоти директори).

– Очарчилик: Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг 2018 йилги ҳисоботига кўра, «хозирда 821 миллион одам очарчиликдан,

150 миллион бола бўйи ўсмай қўйишдан азият чекмоқда. Бу эса, очарчиликни тугатишга қаратилган режани хавф остига қўяди».

— Дунё бойликларидан кўпроқ улушни қўлга киритишга, гарчи минглаб одамлар ўлдирилиб, миллионлаб одам қочоққа айланса ҳам юртлар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилаётган капиталистик давлатлар бошқараётган уруш ва можаролар: («Суря инсон ҳуқуқлари обсерваторияси»га кўра, уруш бошлангандан бошлаб 2018 йилнинг мартаға қадар ўлганлар сони 511 минг кишига етган. БМТнинг қочқинлар бўйича олий комиссарлигига кўра, бир неча йил давом этган жанглар натижасида, ички қочқинлар 6.6 миллионга, бутун дунёдаги қочқинлар 5.6 миллионга етган).

Инсон (у эркак ёки аёл, бола ёки кекса бўлишидан қатъий назар) бир уюм муаммолар ва қийинчиликлар исканжасида яшамоқда. У ушбу ҳукмрон низомда бу муаммолар ечимини топа олмаяпти. Қолаверса, ушбу низом устидаги турганиларнинг очкўзлиги ва шафқатсизлиги ортгани сайин вазият янада оғирлашмоқда. Чунки капитализмда қулаш белгилари пайдо бўлганидан ва унинг жон талвасасига келиб қолганидан қўркувга тушган капиталистлар унинг танасидаги ҳужайраларни янгилаш ҳамда узоқроқ яшашини таъминлаш учун капитализм танасига қон қуиши ҳаракатларини икки баробарга оширишган.

Бузук қонунларни ислоҳ қилиш ҳамда инсон ҳаётида юз бераётган ўзгариш ва ривожланишларга уларни мослаш учун олиб борилаётган тўхтовсиз ҳаракатлар ушбу низомнинг, шунингдек, одамлар томонидан тузилган бундан бошқа низомларнинг яроқсизлигини исботлади. Яъни, бу низом ва бундан бошқа одамлар томонидан тузилган низомлар инсонни ҳар қандай ҳолатда ва ҳар қандай вақтда баҳтли қилишга қодир бўладиган туб ечимларни тақдим этишга ожиздир. Бу шуни кўрсатадики, инсон узоқ вақт раббоний манҳажсиз яшашга ва ундан беҳожат бўлишга қодир эмас. Қандай қилиб инсон манфаатлар ва хоҳиш-истакларга қараб ўзгарадиган, заиф ва номукаммал манҳаж соясида яшashi, илм, комиллик, кудрат ва ҳикмат соҳиби бўлган Роббисининг манҳажини тарқ этиши мумкин?!

﴿قُلْ مَنْ رَبُّ الْسَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ قُلْ إِلَهٌ لَا يَمْلِكُ كُوْنَ لَا نَفْسٍ هُمْ نَفْعًا وَلَا ضَرًّا﴾  
«(Эй Муҳаммад) айтинг (қавмингиздан сўранг): «Осмонлар ва Ернинг Парвардигори ким?» «Аллоҳ», деб жавоб қилинг (чунки улар бундан бошқа жавоб топа олмайдилар. Улардан): «Бас, Ўша Аллоҳни қўйиб, (ўзгалар эмас), ҳатто ўзларига ҳам фойда-зиён етказишга қодир бўлмайдиган бутларни ушлаб олдингизми?» деб сўранг»

[Роъд 15]

Раббоний манҳаж инсоннинг ўзгармас ғаризалар ва узвий эҳтиёжларга эга эканлигини ҳамда уларни қондириш йўли ҳам ўзгармаслигини ва ривожланмаслигини билган Зот томонидан келган бўлсаю инсон ундан қандай воз кечиши мумкин?! Масалан, инсондаги мулкка эгалик қилиш муҳаббати ҳеч қачон ўзгармайди. Чунки мулкка эгалик қилиш инсон ғаризаларидан бири бўлиб, у бу ғаризани турли йўллар ва воситалар билан қондиради. Ўтмишда инсон тияга эгалик қилишга ҳаракат қилган бўлса, бугунги кунда машинага эгалик қилишга ҳаракат қиладиган бўлди... Ўтмишда инсон чодирда яшаган бўлса, бугун уйларда ва қасрларда яшамоқда... Қадимда бўйра устида ухлаган бўлса, бугунги кунда кроватдан фойдаланмоқда... Бу ерда ўзгариш эҳтиёж ва ғаризада эмас, балки, узвий эҳтиёж ва ғаризани қондириш воситасида бўлмоқда. Чунки узвий эҳтиёж ва ғаризалар турғун бўлиб, улар ўзгармайди...

Қандай қилиб инсон кенг қамровли, мукаммал раббоний низомни башарий низомга алмаштириши мумкин?! Ҳолбуки, башарий низом инсон моҳиятини тушунишга ожизлик қилиб, унинг ғариза ва узвий эҳтиёжларини ривожланиб ўзгаради деб ҳисоблаган, ғариза ва узвий эҳтиёжларни инсоннинг ўзгармас табиати эканлигини англаб етмаган одамлар томонидан тузилган бўлса. Инсон яратилганидан бошлаб, ейди, ичади, хожат чиқаради, ухлайди, кийим кияди ва мулкка эгалик қиласди... Бугунги кунимизгача инсон ушбу эҳтиёжлар ва ғаризаларни қондиришга ҳаракат қилиб келмоқда. Қандай қилиб инсон ўзини ҳақдан чиқариб ботилга ва жоҳилиятга қайтарадиган манҳажни танлаши мумкин!

Британиялик ёзувчи Пол Мейсон «Капитализмдан кейин» номли китобида капитализмнинг ўлаётганини таъкидлайди. У капитализмни «мослашувчанлик қудратининг энг сўнгги чегарасига етган мослашувчан, чалкаш низом» деб ҳисоблади. Аслини олганда ҳам, капитализм мослашувчанлик, инсониятга нисбатан содир этган хато ва жиноятларини тўғрилаш қудратининг энг сўнгги чегарасига етди ҳамда ҳаётнинг факат Ислом билангина тўғриланиши аён бўлди. Душманлар бу динни одамлар ҳаётидан ажратиб юборишган бўлса-да, улар бунда муваффакиятсизликка учрашди. Чунки ибодат банданинг табиий хилқати бўлиб, Аллоҳ уни шу хилқатда яратган. Аллоҳ одамлар учун танлаган энг яхши нарса Исломдир ва уларнинг Исломсиз яшashi мумкин эмас. Чунки у ҳақ дин бўлиб, ундан инсон яралишининг ҳақиқати ва унинг яралишидан кўзланган foя ҳақидаги кенг қамровли тасаввур келиб чиқади. Ислом ҳаёт майдонидаги барча ишлар учун ечим ва муолажаларни тақдим этиб, инсоннинг ўзи билан, бошқа инсонлар билан ва яратувчиси билан

бўлган алоқасини баён килган, у учун аҳкомларни белгилаб берган. Инсон шу аҳкомларга мувофиқ ўзининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини мустаҳкам ва мумтоз суратда тартибга келтиради. Ислом буюк Парвардигор хузуридан нозил бўлган дин бўлиб, У Зот узоқ вақт зулматда яшаган одамлар йўлини ёритиш учун уни ўз Пайғамбари ﷺ га нозил қилди. Инсон ушбу диндан юз ўғирган кунда яна зулматга қайтди, ечим ва муолажалар тақдим этишга ожизлик қилиб, банкротга учраган капитализм низоми соясида муаммолар ботқоғига ботди.

Капитализм муваффақиятсизликка учраганидан кейин, унинг устида турган жиноятчилар ҳақ йўлга ва бу йўлда сабот билан турганларга душманликларини очиқ эълон қилишди. Бу золимлар ва уларнинг тарафдорлари мусулмонларни янада кўпроқ таҳқирлайдиган, қирғин қиласидиган, ор-номусини топтайдиган ва ҳатто бегуноҳ гўдаклар қонини тўқадиган бўлишди. Лекин, уларнинг куни тугаб бораётганига, Аллоҳнинг изни или нусрат яқинлигига бўлган ишонч мусулмонларнинг холис фарзандларини исломий ҳаётни қайта бошлаш, ҳақиқий осуда ҳаёт қандай бўлишини бу золимларга ва бутун инсониятга кўрсатиб қўйиш учун гайрат билан ҳаракат қилишга ундади.

Биз инсонлар учун нозил қилинган энг яхши даъватни етказувчи сифатида Аллоҳнинг ёрдами ва нусратига тўла ишончда бўлмоғимиз лозим. Биз тўла ишончда бўлмоғимиз лозимки, Ислом ҳазорати ўлмайди ва унинг ўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки у оламлар Парвардигори Ўз бандаси учун танлаган яхшиликдир. Ҳаёт Ислом соясида ҳамда Аллоҳнинг изни или Пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи рошид Халифалик давлатида ижро қилинадиган шаръий аҳкомлар соясидагина ҳақиқий маънодаги ҳаёт бўлади.

### Эй ўз динига қайғурувчи холис мусулмон!

Аллоҳ нозил қилган шариат билан бошқарувчи Ислом давлатини барпо этиш учун Ҳизб ут-Тахрир билан бирга ҳаракат қилишга шошилинг. Шундагина сиз Роббингизни рози қиласиз ва У Зот ҳам сизни рози қиласиди.

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَسْتَجِيبُو لِلَّهِ وَلِرَسُولِ إِذَا دَعَاهُمْ لِمَا يُحِبُّونَ إِنَّ اللَّهَ يَخُولُ بَيْنَ الْمُرْءِ وَقَلْبِهِ وَإِنَّهُ وَإِلَيْهِ تُحْشَرُونَ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳ ва Унинг пайғамбари сизларни абадий ҳаёт берадиган нарсага (яъни, динга) даъват қилар экан, уни қабул қилинглар ва билингларки, шубҳасиз, Аллоҳ ҳар бир киши билан унинг қалби ўртасини эгаллаб турур ва шубҳасиз, Унинг ҳузурига тўпланурсизлар»

[Анфол 24] □

## МУСУЛМОНЛАРДА БАЙЪАТ ТУШУНЧАСИНИ ҚАЙТА ПАЙДО ҚИЛИШ ЗАРУРИЯТИ

Сулаймон Мухожирий – Яман

Милодий 2011 йили Тунис, Миср, Яман, Ливия ва Шом Суриясида ҳукмрон режимлар қулашини талаб қилган қўзғолонлар юз берди. Бироқ, бу қўзғолонлар мустамлакачи кофир Ғарб ҳукмронлигидан қутулиш, Ғарбга малай ҳукмрон режимларни ағдариб, Ислом бошқарувини барпо этиш каби мақсадларига эришмади. Шунинг учун бу қўзғолонларнинг қайталаниб, Судан, Жазоир, Ливан ва Ироқ каби юртларга кенгайганини кўрдик. Қўзғолонлар ҳамон давом этмоқда, қўзлаган мақсадини қўлга киритиш ва ғоясига этиш учун қайталаниб кенгаймоқда. Бироқ, ушбу қўзғолонларнинг қўзлаган мақсадига эриша олмаганлиги сабабларидан бири мусулмонларда байъат тушунчасининг йўқлигидир. Тўқсон тўққиз йилдан бери Халифалик давлатининг йўқлиги туфайли мусулмонларда байъат тушунчаси йўқолди. Бу эса, бойликлари ўғирланишига, қўзғолонлари тортиб олинишига, муқаддас жойлари таҳқирланишига ва ўз қўллари билан қонлари тўкилишига олиб келди... Шундай қилиб, аҳвол ўзгармади, режимлар қуламади.

Аввало, байъатнинг асосий шаръий ҳукмга, яъни Халифаликка боғлиқ бўлган шаръий ҳукм эканлигини айтиб ўтиш керак. Кейин, мусулмонларга байъат тушунчасини ҳамда Қуръон, Суннат ва саҳобалар ижмосида унинг вожиблиги ҳакида келган далилларни тушунтириш лозим. Тақийюддин Набаҳоний роҳимаҳуллоҳ «Исломий шахсия» китобининг иккинчи жузида шундай дейди: «Байъат барча мусулмонларга фарздир ва у ҳар бир мусулмоннинг – у эркак киши бўладими, аёлми фарқсиз – ҳаққидир. Унинг фарзлигига келсак, унга кўп ҳадислар далилдир. Ибн Умар ривоят қилган ҳадисда Набий ﷺ айтадилар:

«وَمَنْ مَاتَ وَلَيْسَ فِي عُنْقِهِ بَيْعَةً مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً»

«...Ким бўйнида байъат бўлмаган ҳолда ўлса, у жоҳилият ўлимидан ўлибди». Байъатнинг мусулмонлар ҳаққи эканлигига келсак, байъат воқелигининг ўзи бунга далолат қиласи. Чунки байъат мусулмонлар томонидан халифага берилади ва у халифа томонидан мусулмонларга берилмайди». Бундан кўриниб турибдики, байъат икки томон ўртасида тузилган шартнома бўлиб, у фақат розилик ва ихтиёр билан тузилади.

Байъат Куръонда ва ҳадиси шарифда келган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَأَيُّهَا الَّتِي إِذَا جَاءَكَ الْمُؤْمِنَاتُ يُبَارِعْنَكَ عَلَىٰ أَن لَا يُشْرِكَنِ بِاللَّهِ شَيْءًا وَلَا يَسْرِقْنَ وَلَا يَرْزِقْنَ وَلَا يَقْتُلْنَ أَوْلَادَهُنَّ وَلَا يَأْتِنَ بِهُنَّ إِنَّمَا يَفْتَرِيهِنَّ وَبَيْنَ أَيْدِيهِنَّ وَأَرْجُلِهِنَّ وَلَا يَعْصِيْنَكَ فِي مَعْرُوفٍ فَبَإِعْنَنَ﴾

«Эй пайгамбар, қачон сизнинг олдингизга мўминалар келишиб, сизга ўзларининг Аллоҳга бирон нарсани шерик қилмасликларига, ўғирлик қилмасликларига, зино қилмасликларига, (камбагаллик ёки шарманда бўлишдан қўрқиб) ўз болаларини ўлдирмасликларига, ва қўл-оёқлари ўртасида тўқиб оладиган бўхтонни қилмасликларига (яъни фарзандсизлик сабабли ўз эрларидан ажралиб қолмаслик учун бирон ташландиқ болани топиб, гўё у қўл-оёқлари ўртасидан чиққандек, яъни ўзлари туққандек эрларига «Мана шу бола сендан бўлди», деб бўхтон қилмасликка) ҳамда бирон яхши ишда сизга итоатсизлик қилмасликларига қасамёд қилсалар, сиз уларнинг қасамёдларини қабул қилинг»

[Мумтахина 12]

﴿إِنَّ الَّذِينَ يُبَارِعُونَكَ إِنَّمَا يُبَارِعُونَ اللَّهَ يَدُ اللَّهِ فَوْقَ أَيْدِيهِمْ﴾

«(Эй Мұхаммад), дарҳақиқат сизга байъат-қасамёд қиладиган зотлар ҳеч шак-шубҳасиз Аллоҳга байъат қилурлар. Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устида бўлур. Энди ким (ўз қасамёдини) бузса, бас, у фақат ўз зиёнига бузур. Ва ким Аллоҳ билан аҳд-паймон қилган нарсасига вафо қилса, у ҳолда (Аллоҳ) унга улуг ажр-мукофот ато этур»

[Фатҳ 10]

Бухорий Убода ибн Сомитдан ривоят қилган ҳадисда Убода айтади: «Биз Росууллоҳ ﷺ – (иш эгаларининг буйруқларидан) хурсанд бўлган ҳолимизда ҳам, (буйруқларни) ёқтиргмаган ҳолимизда ҳам – қулоқ солиб итоат қилишга, ишни ўз ахлидан талашмасликка ва қаерда бўлмасин Аллоҳнинг йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмай ҳақни бажариш ёки уни айтишга байъат бердик». Бухорий Абу Ҳурайра 〈رضي الله عنه〉дан ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ айтадилар:

«ثَلَاثَةٌ لَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا يُرِكِّبُهُمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ: رَجُلٌ عَلَىٰ فَضْلٍ مَاءِ بِالطَّرِيقِ يَمْنُعُ مِنْهُ ابْنَ السَّبِيلِ، وَرَجُلٌ بَايَعَ إِمَامًا لَا يُبَارِعُهُ إِلَّا لِدُنْيَاهُ، إِنْ أَعْطَاهُ مَا يُرِيدُ وَفِي لَهُ وَإِلَّا مَمْ يَفِي

لَهُ، وَرَجَلٌ يُبَايِعُ رَجُلًا بِسِلْعَةٍ بَعْدَ الْعَصْرِ، فَحَلَفَ بِاللَّهِ لَقَدْ أَعْطَيْتِ بِكَمَا كَذَّا وَكَذَّا فَصَدَّقَهُ،  
فَأَخَذَهَا، وَلَمْ يُعْطِ بِكَمَا

«Уч киши борки, Аллоҳ қиёмат кунида уларга гапирмайды, уларни (гуноҳдан) покламайды ва улар учун аламли азоб бордир: йўлда ортиқча суви бўла туриб, ундан йўловчиға бермаган киши. Имомга фақат дунё учун байъат бериб, агар имом унга истаганини берса байъатига вафо қилган ва агар бермаса вафо қилмаган киши. Яна бир кишики, у иккинчи бир киши билан бир матони савдолашиб, бу матони фалон-фалон нархда олдим деб аслида ўша нархга олмаган бўлса ҳам Аллоҳга қасам ичиб айтади, иккинчи киши унга ишониб, уни олади». Бухорий Абдуллоҳ ибн Умар رضдан ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ رض айтади: «Агар биз Росулуллоҳ ﷺга байъат қилсак, Ул Зот кучинг етганича, деб айтар эдилар». Бухорий Жарир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилган ҳадисда ҳам Жарир ибн Абдуллоҳ айтади: «Мен Набий ﷺга қулоқ солиб, итоат этишга ва ҳар бир мусулмонга самимий муносабатда бўлишга байъат бердим. Ул Зот: кучинг етганича, деб айтиб турдилар». Бухорий Жунода ибн Абу Умайядан ривоят қилган ҳадисда Жунода айтади: «Убода ибн Сомит қасаллигида биз унинг олдига кириб, Аллоҳ сизга шифо берсин, сиз Росулуллоҳ رضдан эшиитган ва уни Аллоҳ сизга манфаатли қиласидиган ҳадисни айтиб беринг, деган эдик, у шундай деди: Бизни Набий ﷺ чақирган эдилар биз Ул Зотга байъат бердик. Ул Зот бизга шарт қилган нарсалар ичида, (иш эгаларининг буйрукларидан) хурсанд бўлган ҳолимизда ҳам, (уларнинг буйрукларини) ёқтирган ҳолимизда ҳам, улар бизга (насибаларимизда) худбинлик қилса ҳам қулоқ солиб, итоат қилишга, ишни ўз эгасидан талашмасликка байъат беришимизни айтдилар. Яна: сизларда у ҳақида Аллоҳдан (келган) ҳужжат бўлган очик куфрни кўрсаларингизгина (итоат қилмайсиз) дедилар».

Бухорий Али ибн Абдуллоҳдан, у Абдуллоҳ ибн Язиддан, у Абу Айюбнинг ўғли Саиддан, у Абу Үқайл Зухра ибн Муаббаддан, у бобоси Абдуллоҳ ибн Ҳишомдан (Абдуллоҳ ибн Ҳишом Набий ﷺни кўрган) ривоят қилишича, Абдуллоҳ ибн Ҳишомнинг онаси Зайнаб бинти Ҳамид уни Росулуллоҳ ﷺ олдиларига олиб бориб: эй Росулуллоҳ, у сизга байъат беради, деди. Шунда Набий ﷺ: у ҳали ёш, деб бошини силадилар ва унга дуо килдилар». Булар байъат халифани тиклаш тариқати эканини очик баён қилган

хадислардир. Убоданинг қулоқ солиб, итоат қилишга байъат қилганлиги ҳақидаги ҳадисдан ҳокимга байъат қилиш тушунилади. Абдуллоҳ ибн Ҳишомнинг ҳадисидан у балогатга етмаганлиги учун байъати рад этилгани тушунилади. Бу эса, байъатнинг ҳукм байъати эканлигига далолат қиласи. Абу Ҳурайранинг ҳадисида имомга байъат қилиш очиқ айтиляпти ва «имом» сўзи накра бўлиб келяпти. Яъни, бундан ҳар қандай имомга байъат қилиш тушунилади.

Бу ерда имомга байъат қилишга ишора қилган бошқа ҳадислар ҳам бор. Саҳиҳи Муслимда келишича, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос Росууллоҳ ؑдан:

«وَمَنْ بَأْيَعَ إِمَامًا فَأَعْطَاهُ صَفَقَةً يَدِهِ وَثَمَرَةً قَلْبِهِ فَلَيُطِعِّمْهُ إِنْ اسْتَطَاعَ، فَإِنْ جَاءَ أَخْرُ يُنَازِعُهُ فَاضْرِبُوهَا عَنْقَ الْآخِرِ»

«Кимки битта имом билан байъатлашиб унга қўлини ва қалби қўрини берса қўлидан келганича унга итоат қилсин. Энди агар бошқа бирор келиб у билан имомликни талашса, унинг бўйнига уринглар». Муслим ривояти. Муслим Абу Сайд Худрийдан, у Росууллоҳ ؓдан:

«إِذَا بُوِيَعَ لِخَلِيفَتَيْنِ فَاقْتُلُوا الْآخِرَ مِنْهُمَا»

«Агар икки халифага байъат берилса, улардан иккинчисини ўлдириинглар», деб айтганларини ривоят қиласи. Мен Абу Ҳурайра билан беш йил давомида бирга бўлдим. Ундан Росууллоҳ ؓнинг шундай деб айтганларини эшитдим:

«كَانَتْ بَنُو إِسْرَائِيلَ تَسْوُسُهُمُ الْأَئْبِيَاءُ، كُلُّمَا هَلَكَ نَبِيٌّ خَلَفَهُ نَبِيٌّ، وَإِنَّهُ لَا يَنِي بَعْدِي، وَسَتَكُونُ خُلَفَاءُ فَتَكُشُّ، قَالُوا: فَمَا تَأْمُرُنَا؟ قَالَ: فُوَا بِيَعْيَةِ الْأَوَّلِ فَالْأَوَّلِ، وَأَعْطُوهُمْ حَقَّهُمْ فَإِنَّ اللَّهَ سَائِلُهُمْ عَمَّا اسْتَرْعَاهُمْ»

«Бану Исроилга пайғамбарлар сиёсат юргизарди. Қачон бир пайғамбар ҳалок бўлса, ортидан бошқа бир пайғамбар келарди. Мендан кейин эса пайғамбар йўқ. Халифалар бўлади ва улар қўпайиб кетади. Шунда: бизга нимани буюрасиз? – дейишган эди, айтдиларки: **биринчисининг, фақатгина биринчисининг байъатига вафо қилинглар ва уларнинг хақларини беринглар. Зоро Аллоҳ улардан фуқарони қандай бошқарганлари ҳақида сўрайди**. Булар байъатнинг бутун мусулмонларга фарзлигига ҳамда у халифани, яъни ҳокимни тиклашнинг шаръий тариқати эканлигига далолат қилиб келган Куръон ва Суннатдаги очиқ далиллардир. Саҳобалар буни шундай

тушунгандар ва шунга асосланиб иш тутганлар. Бу борада рошид халифалар байъати аниқ-тушунарлидир. Булар байъатнинг фарзлиги ва унинг халифани, яъни ҳокимни тиклаш тариқати экани ҳақидадир.

Халифага байъат берилишидан олдин уни тиклаш жараёнида кўлланадиган чораларга келсак, бу жараён Росулуллоҳ Ҳининг вафот этганларидан кейин дарҳол келган рошид халифалар, яъни Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али Қарнни тиклашда юз берган ишлардан тушунилади. Бу жараёнга барча саҳобалар сукут қилиб, уни тан олганлар. Агар бу жараён шариатга зид бўлганида улар бунга сукут қилмаган бўлардилар. Чунки бу мусулмонлар вужуди, яъни давлатига ҳамда Ислом бошқарувининг сақланиб қолишига боғлиқ бўлган энг муҳим иш эди. Мазкур халифаларни тиклашда юз берган воқеаларни ўрганиб чиқиб биламизки, байзи мусулмонлар Бану Сойда айвонида бу масалада баҳс-мунозара қилишган. Номзодлар: Саъд ибн Убода, Абу Убайда, Умар ва Абу Бакр эди. Бироқ, Умар ва Абу Убайда Абу Бакрга рақобатчи бўлишга рози бўлишмаган. Бу билан бу масала Абу Бакр ва Саъд ибн Убода ўртасида бўлган ва баҳс-мунозаралардан кейин Абу Бакрга байъат берилган. Кейин, эртасига мусулмонлар масжидга чақирилиб, улар байъат беришган. Бану Сойда айвонидаги байъат инъиқод байъати бўлиб, бу байъат билан Абу Бакр Ҳининг мусулмонлар халифаси бўлган. Эртасига масжидда берилган байъат итоат байъати бўлган.

Абу Бакр ўзининг касали ўлимга олиб борувчи касал эканлигини сезгач, хусусан, мусулмонлар қўшини ўша даврдаги энг буюк давлатлар ҳисобланган Форс ва Рум давлатларига қарши жангларда бўлгани боис, ўзидан кейин мусулмонлар халифаси ким бўлишлиги хусусида маслаҳатлашиш учун мусулмонларни чақириди. Маслаҳат уч ой давом этди. Абу Бакр бунинг давомида аксарият мусулмонларнинг бу борадаги фикрини билиб, ўзидан кейин мусулмонлар халифаси бўлиши учун ўша қундаги ҳолатга мувофиқ Умарни номзод қилиб кўрсатди. Бу аҳд ёки номзод кўрсатиш Умарнинг халифа бўлиши учун тузилган шартнома эмас эди. Чунки мусулмонлар Абу Бакр вафот этганидан кейин масжидга келиб Умарга халифа бўлиши учун байъат бердилар. Шундай қилиб, Умар маслаҳат ва Абу Бакрнинг аҳди билан эмас, балки байъат билан мусулмонлар халифаси бўлди. Агар Абу Бакр томонидан Умарнинг номзодлиги кўрсатилиши унинг халифа бўлиши учун тузилган шартнома бўлганида мусулмонлар байъатига эҳтиёж бўлмас эди. Бундан ташқари, биз юқорида айтиб

ўтган далиллар халифанинг факат мусулмонлар томонидан берилган байъат билангина халифа бўлишига далолат қиласди. Умар ~~ж~~га пичоқ урилган пайтида, мусулмонлар ундан ўзининг ўрнига халифа қолдиришини талаб қилдилар, аммо у рад этди. Улар қаттиқ талаб қилишгач, олтита номзодни кўрсатди. Кейин, Суҳайб Румийни одамлар билан намоз ўқишга ҳамда кўрсатилган номзодлар уч кун ичида ўзларининг орасидан биттасини халифа килиб танлаб олишлари учун уларнинг устида туришга буюрди.

Бухорий Абдуллоҳ ибн Умардан унинг шундай деб айтганини ривоят қиласди: Умарга: ўрнингизга халифа қолдирмайсизми? – деб айтилди. У: Агар мен ўзимнинг ўрнимга халифа қолдирадиган бўлсанм, мендан кўра яхшироқ бўлган киши, яъни Абу Бакр ўзидан кейин халифа қолдирди. Агар бу ишни тарк этадиган бўлсанм, мендан кўра яхшироқ бўлган зот, яъни Росулуллоҳ ~~ж~~ буни тарк этдилар. Мусулмонлар қаттиқ талаб қилишгач, олтита номзод кўрсатди. Улар: Усмон ибн Афон, Али ибн Абу Толиб, Зубайр ибн Аввом, Талҳа ибн Убайдуллоҳ, Абдурраҳмон ибн Авф ва Саъд ибн Абу Ваққос. Кейин, Суҳайб Румийни одамлар билан намоз ўқишга ҳамда кўрсатилган номзодлар уч кун ичида ўзларининг орасидан биттасини халифа килиб танлаб олишлари учун уларнинг устида туришга буюрди. Умар Суҳайбга: «... Агар бешовлон тўпланиб, бир кишига рози бўлишса ва биттаси рад этса, рад этганни бошини ёр ёки бошига қилич билан ур...», деди. Табарий буни ўзининг «Тарих» китобида, Ибн Қутайба «Халифалар тарихи», дея танилган «Имомат ва сиёsat» китобида ва Ибн Саъд «Табақотул Кубро»да келтиради. Умар Абу Талҳа Анзорийни эллик киши билан бирга уларни қўриқлашга тайин этди. Миқдод ибн Асвадни номзодларнинг тўпланиш жойини танлашга масъул қилди. Умар вафот этиб, кенгаш номзодларни аниқлаб олганидан кейин Абдурраҳмон ибн Авф: ким бундан (халифаликдан) номзодлигини чиқариб, унда ўзидан афзалроғига эргашади, деди. Шунда ҳамма жим бўлди. Абдурраҳмон ибн Авф: мен ўз номзодлигимни чиқараман, деди. Кейин, уларнинг ҳар биридан биттамина битта маслаҳат олди. Улардан ўз номзодини ҳисобламаганда, кимни ҳақлироқ деб билишини сўради. Шундай килиб, уларнинг жавоби икки кишига: Али ва Усмонга чекланди. Бундан кейин Абдурраҳмон ибн Авф мусулмонлар фикрини ўрганишга ўтди. У мусулмонлардан икки номзоддан қайси бирини исташларини сўради. Эркак кишилар ва аёллардан сўради, одамларнинг фикрини ўрганди. У кундузигина ишлаб қолмади, балки тунда ҳам ишлади.

Бухорий Мисвар ибн Маҳрамадан шундай деб айтганини ривоят қиласи: «Абдурраҳмон тун ярмида менинг уйимни тақиллатди. У мен уйғонгунимга қадар эшикни тақиллатиб: күрятманки сен ухляйсан, Аллоҳга қасамки, мен бу тунда ухламадим», деди. Одамлар субҳ намозини ўқишигач, Усмонга байъат берилди. Усмон Умар уни олтитасининг ичидаги билган билан эмас, балки байъат билан халифа бўлди.

Усмон ўлдирилганидан кейин, Мадина ва Кўфадаги мусулмонларнинг аксарияти Али ибн Абу Толибга байъат беришди. У мусулмонларнинг унга байъат бериши билан халифа бўлди.

Булар – халифа мавжуд бўлиб, у вафот этса ёки четлатилса унинг ўрнига халифа тиклаш ирода қилинган ҳолатда бўладиган ишлардир.

Бироқ, ҳижрий 1342 йил 28 раЖаб, милодий 1924 йил 3 марта инглизлар малайи асл келиб чиқиши яхудий масон Мустафо Камол ва Сауд оиласи қўли билан Истанбулда Халифалик қулатилди. Ўша кундан бошлаб Аллоҳ нозил қилган шариат бошқаруви йўқолиб, Ислом диёри куфр диёрига айланди. Мана шундай ҳолатда, яъни мутлақо Халифалик ва халифа йўқ бўлиб турган ҳолатда мусулмонларнинг кўзлаган ғояси Халифаликни қайта барпо этиш бўлмоғи лозим. Зоро, Халифалик Ислом аҳкомларини ҳаётда, давлат ва жамиятда ижро қиласи ҳамда Исломни даъват ва жиход орқали бутун оламга ёяди... Бу ишлар Ислом мағкурасига асосланган, Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритадиган бошқарувни барпо этиш учун сиёсий фаолият олиб борувчи ўюшмаларни барпо этиш вазифасини юклайди.

Ушбу ғоя асосида ҳамда Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَلَكُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْحُكْمِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَا عَنِ الْمُنْكَرِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

**«Ораларингиздан яхшиликка (Исломга) даъват қиласидиган, маътуруғга буюриб, мункардан қайтарадиган бир жамоат бўлсин.**

**Ана ўшалар најсом топгувчилардир»** [Оли Имрон 104] деб айтган сўзидан келиб чиқиб, Ҳизб ут-Тахрир ташкил топди. У Ислом Умматини Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритувчи бошқарувни қайта тиклашга ҳамда Пайгамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифаликни барпо этиш орқали исломий ҳаётни қайта бошлашга чақиради. Ҳизб ут-Тахрир Росулуллоҳ нинг пайгамбар қилиб юборилганидан бошлаб, Исломий давлатни барпо этгунларига қадар босиб ўтган йўлларига

қадамма-қадам эргашади ва Аллоҳ у учун берган ваъдасини амалга ошириб, очиқ нусрат беришига ҳаракат қилади. Ислом Уммати бугунги кунда воқеликни ўзгартиришга ҳаракат қилар экан, агар у Роббисини рози қилишни, азоб-уқубатларини озайтиришни, Аллоҳ у учун истагандек яна қайта одамлар учун чиқарилган умматнинг энг яхиси бўлишни, шунингдек, олдинги азизлигига қайтишни истаса ўз аҳлини алдамайдиган, ўз ғоясига етиш учун кунни тунга улаб ҳаракат қилаётган Ҳизб ут-Таҳрирга қулоқ тутсин ва у билан бирга ҳаракат қилсан. Агар ушбу ғоя Ислом юртларининг бирон бир қитъасида амалга ошиб, байъат рўёбга чиқса Халифалик қайта барпо бўлади ва бизнинг зиммамиз Аллоҳ олдида гуноҳдан пок бўлади. Ўша кунда мўминлар Аллоҳнинг нусрати сабабли шодланурлар.

Такийюддин Набаҳоний роҳимаҳуллоҳнинг «Дастур муқаддимаси» китобида шундай келади: «Ислом оламидаги мавжуд қитъаларнинг ҳар бири халифага байъат беришга ва у ерда Халифалик барпо бўлишига лойиқдир. Агар исломий қитъаларнинг қайсиdir бири халифага байъат бериб, у ерда Халифалик барпо бўлса, бошқа барча қитъалардаги мусулмонларга итоат байъатини беришлари вожиб бўлади. Шу шарт биланки, бу қитъада тўрт нарса таъминланган бўлиши керак:

Биринчи: Ушбу қитъа ҳокимияти мустақил бўлиб, ёлгиз мусулмонларга таяниши, кофир давлатга ёки кофирнинг нуфузига таянмаслиги лозим.

Иккинчи: Ушбу қитъадаги мусулмонлар омонлиги куфр омонлигига эмас, Ислом омонлигига боғлиқ бўлиши лозим. Яъни, бу қитъанинг ички ва ташки ҳимояси Ислом ҳимояси остида бўлиб, соф исломий куч деган эътиборда мусулмонлар кучи билан ҳимоя қилиниши керак.

Учинчи: Исломни тўлиқ ва инқилобий равишда татбиқ этиш дарҳол бошланиши ва бу Ислом даъватини ёйиш билан бирга амалга оширилиши лозим.

Тўртинчи: Байъат қилинган халифада Халифалик битими шартлари тўлиқ топилиши лозим.

Агар бу қитъада ушбу ишлар тўлиқ бажарилган бўлса, ёлғиз шу қитъанинг байъат бериши билан Халифалик барпо бўлади ва халифага инъиқод байъати берилиши билан у шаръий Халифага айланади.

Байъат мана шудир, булар байъатнинг аҳкомлариидир. Байъат Росууллоҳ  сийратида, ансорлар иккинчи ақаба байъатида У Зотга байъат беришган пайтда ўз тасдифини топган. Юқорида

айтиб ўтганимиздек, у бошқарувга берилган байъат бўлган. Рошид халифалар даврида ҳам Росууллоҳ нинг барча саҳобалари кўзи ўнгиди Халифаликка байъат берилган. Бу билан байъат саҳобалар ижмоси билан тасдиқланди.

Аллоҳнинг бизга ва одамларга кўрсатган марҳамати билан, бугунги кунда Ислом бошқаруви остида яшаш истаги жамоатчилик фикрига, Ислом Умматнинг нажот умидига, Аллоҳ нозил қилган шариат бошқарувининг барпо бўлиши бутун мусулмонлар ҳимояси кафолатига айланди. Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло қўзғолон ортида турган мусулмонларга Халифаликни барпо этиш вазифасини адо этишга буюрмоқда.

Аллоҳ Таолодан бизни тўғри йўлга бошлишини, бизга ёрдам бериб, бизни фаришталар билан кўллаб-куватлашини ва мўминларга нажот беришини сўраб қоламиз. Биз Аллоҳдан Халифаликни барпо этишга, халифани тиклаб, Аллоҳнинг Китоби ва Росули нинг суннати билан бошқариши устида унга қулоқ солиб итоат қилишга байъат бериш имконини беришини сўраймиз. Зеро, Халифалик мусулмонларнинг барча юртларидаги куфр низомларига барҳам беради, мусулмонларни Халифалик байроби остида бирлаштириб, мусулмонлар юртларини Халифалик давлатида бирлаштиради. Албатта Аллоҳ истаган ишига қодирдир. □

## ЯНГИ ФИҚХИЙ ТАДҚИҚОТ: САНОАТ БАЙТУЛМОЛ УЧУН ЯНГИ РЕСУРСДИР

Юсуф Сарисий

Исломий давлат ресурсларининг молиявий тузилишини хамда уларнинг ўлжа, хирож, жизя, ушр, хумс (уруш ўлжалари ва конлардан тушадиган маблағнинг бешдан бири) ва закот пулларидан байтумолга тушадиган киримларини ўрганиш давомида... Ҳаёт воситаларидағи, бу воситаларнинг маданий шаклларидағи, хусусан, ҳарбий қуроллар, оғир саноат ва инфратузилма лойиҳаларидағи улкан ривожланиш туфайли кўпайиб борадиган сарф-харажатларга ушбу ресурслар етарли бўлмаслиги натижасида юз бериши мумкин бўлган молиявий банкротликни четлаб ўтиш мақсадида... давлатни қандай қилиб қўшимча ресурслар билан таъминлаш кераклиги ҳақида жиддий фикр юритила бошланди. Бундан мақсад давлатнинг қашшоқлик ва муҳтожликка тушиб қолишига, қолаверса, бошқа халқларни ҳидоятга бошлиш учун уларга рисолатни етказадиган давлат сифатида ўз ролини бажара олмай қолишига йўл қўймаслиkdir. Биз байтумол учун ушбу муаммони ҳал қиласидиган, байтумолга алоқадор шаръий ахкомлар қаторида зикр қилинмаган янги шаръий ресурсни топа оламизми? Агар биз бу муаммога ечим топсак, бу ечим келажакда Халифалик давлати дуч келадиган муаммоларни ҳал қилишда ижодий ечим бўлади.

**1 – Хирож: Хирож байтумол учун янги ресурс топишнинг дохиёна (зукко) ечими эди:**

Давлат зиммасидаги катта вазифаларни қоплашга байтумол ресурсларининг етишмаслиги Умар Форук  учун катта ташвиш бўлиб, у унинг фикру хаёlinи эгаллаб, бедор қилган масала эди. У ўзининг ўткир сиёсий ва идорий идроки билан хайр-эҳсонларга, давлат манфаатларига, жиҳодга, кўшинга, факирларни едириб-ичиришга ва бошқа барча керакли ўринларга сарфланадиган маблағни етарли қилиш учун байтумолнинг доимий қўшимча ресурси бўлиши лозимлигини англаб етди. Шунинг учун Умар  Шом, Ироқ ва Миср каби куч билан фатҳ қилинган юртлардаги дехқончилик ерларига хирож солди. У давлатнинг ўсиб бораётган харажатларини қоплаш учун барқарор молиявий ресурсни пайдо қилиш мақсадида, гарчи айрим саҳобалар бунга эътиroz билдиришини билса ҳам, бу ерларни жангчиларга ўлжа ўрнида тақсимлашни тақиқлади.

Байтулмоддаги дефицит ва ресурслар етишмаслиги юз бериши мумкин бўлган воқеий ҳолат эканлиги аён. Бундай ҳолат ўтмишда юз берган ва бу хирож билан ҳал қилинган. Замонавий дунё маданиятидаги улкан ривожланиш натижасида келгуси Халифалик давлатида ҳам бундай ҳолат юз бериши мумкин. Шунга кўра, воқелик тушуниб олинганидан ҳамда воқеликка алоқадор жиҳатлар ўрганиб чиқилганидан кейин, байтулмодга қўшимча даромад келтирувчи янги ресурсларни топиш учун ижтиҳодга мурожаат қилиниши ва фиқхий соҳада янги тадқиқотлар олиб борилиши лозим.

## **2 – Хайрия вакф (фонд)лари: Жамоат эҳтиёжларини молиялаштириш муаммоларини ҳал қилишдаги ижодий ғоя:**

Мусулмонлар жамоат эҳтиёжларини молиялаштириш муаммоларини ҳал қилиш учун ўзларининг узоқ тарихлари давомида жуда кўп ижодий ишларни амалга оширишган. Бунга «вақф» ижодий ғоясини мисол қилиш мумкин. Улар ўзларининг улуғвор, шарафли кунлари давомида кўп муаммоларни ижодий ечимлар билан енгишга муваффақ бўлишган. Бундай ижодий ечимлар ҳатто Халифалик давлати қулатилганидан кейин ҳам ўз кучини йўқотмаган. Жамоат манфаатлари учун ажратилган вакфлар мана шундай ижодий ечимлар жумласидандир. Росулуллоҳ ﷺ ҳадиси шарифда мусулмонларни садақаи жория қилишга унданликларига кўра, баъзи бойлар кўчмас мулк, ер ва маблағларни муайян манфаатлар учун вакф қилишган. Росулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«إِذَا مَاتَ ابْنُ آدَمَ انْقَطَعَ عَنْهُ عَمَلُهُ إِلَّا مِنْ ثَلَاثٍ: صَدَقَةٌ جَارِيَةٌ، أَوْ عِلْمٌ يُنْتَفَعُ بِهِ، أَوْ وَلِدٌ»  
صالح يَدْعُو لَهُ

**«Агар одам фарзанди вафот этса унинг учта амалидан ташқари амали узилади: садақаи жория, фойда олинадиган илми ёки унга дуо қиласидиган солиҳ фарзанди».** Ушбу ҳадисга эргашиб мусулмонлар кўп садақаи жориялар қилишган. Бундай садақаларнинг энг кўзга кўринганларидан бири хайрия фондларидир.

## **3 – Байтулмод учун қўшимча манбаларни излаш:**

Шу ўринда Ҳизб ут-Тахрир амирларининг учови ҳам бу муаммога тўхталиб ўтганини айтиб ўтиш лозим. Шайх Абдулқодим Заллум роҳимаҳуллоҳ «Халифалик давлатида моллар» китобида ушбу муаммони кўтарди. У сарф харажатдаги ҳар қандай етишмовчиликни учта йўл: қарз олиш, жамоат мулкларидан айримларини дахлсиз мулкка айлантириш ва соликлар орқали

қоплаш кайфиятини мухокама қилган пайтида бу муаммони муолажа қилиш йўлини кўрсатиб берган. Карз олишга судхўрликка боғлиқлиги туфайли бу танлов рад этилган. Бундан ташқари, қарз олиш коғирларнинг мусулмонлар устидан хукмон бўлишларига имкон беради. Жамоат мулкларидан айримларини дахлсиз мулкка айлантириш ва солиқларга келсак, булар муайян ва вақтингчалик қоидалар билан жорий қилинадиган шаръий чоралардандир. Шайх бу иккисида икки далил билан шаръий ижтиходга таянган:

**Биринчи:** Шайх – давлат жамоат мулкининг баъзи турларидан байтулмолга қўшимча молиявий даромад олиш имконига эга бўлиши учун халифанинг бу турдаги мулкларни вақтинча дахлсиз мулкка айлантириши жоиз, дейди. У бу ижтиходда хирож хукмига таянади. Демак, халифанинг биринчи навбатда умумий мулк бўлган мулклардан бирини дахлсиз мулкка айлантириб, ундан керакли ўринларга сарфлаши жоиз. Байтулмолда маблағ бўлмай қолган ҳолатда давлат нефт кудукларининг баъзисини дахлсиз мулкка айлантириб, ундан келган маблагни сарфланиши керак бўлган ўринларга сарфлайди.

**Иккинчи:** Аллоҳ йўлидаги жиход учун қуролга ва қўшинга сарф қилиниши вожиб. Шунинг учун байтулмол бўшаб қолган пайтда халифанинг мусулмонлар жамоасига муайян солиқлар солиши ёки жамоат мулкини дахлсиз мулкка айлантириш орқали солиқлар ўрнига ушбу харажатларни қопладиган маблағни шу мулклардан келган киримлардан олиши жоиз.

Жамоат мулкларидан айримларини дахлсиз мулкка айлантириш ва солиқларнинг таянилган шаръий манбаси шуки, жиход ва фақирларни едириб-ичириш каби баъзи ахкомлар Умматга фарзи кифоядир. Шу боис, мазкур ишлар учун маблағ йўқ бўлган ҳолатда керакли маблағни таъмин этиш Умматга вожибдир. Бироқ бу икки танлов хирож сингари доимий ресурс эмас, балки, вақтингчадир. Шу боис, давлатнинг ўз масъулиятларини адо этишига имкон бериш учун байтулмолнинг доимий янги ресурсини излаш лозим.

#### **4 – Байтулмолнинг доимий янги ресурси: Давлат оғир саноати:**

Ҳарбий саноат ва қўшиннинг улкан сарф-харажатларини қоплаш учун байтулмолнинг янги ресурсларини топиш масаласини ўрганиб қайта кўриб чиқилганидан кейин шу нарса аниқ бўлдики, саноат, технология ва куроллардаги улкан маданий ривожланишдан кейин хирож доимий ресурс сифатида керакли сарф-харажатларни қоплаш учун етарли бўлмайди.

Деҳқончилик ерларига солинган хирож ҳукмини чуқурроқ ўрганиб чиқсак, қадимда деҳқончилик шахслар ва давлатлар учун асосий ресурс бўлганини биламиз. Саноатга келсак, у қўл хунармадчилигига ҳамда урушлар, деҳқончилик, уй-рўзгор буюмлари ва булардан бошқа оддий буюмларга чекланган. У вақтда замонавий шаклдаги ҳақиқий саноат бўлмаган ҳамда шахслар ва давлат даромадларида хунармандчилик иккинчи даражали ресурс бўлган. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ҳақиқий саноатлашган давлатлар ресурсларининг атиги З фоизини ташкил этади ва бу тармоқда ишчи кучининг З фоиздан ҳам озорги ишлайди. Саноатга келсак, у аксар давлатлар иқтисодининг негизи ва маблағларнинг асосий ресурсидир. Шу боис, саноатга байтулмол учун ресурс ўрнида қарашимиз керак.

### **Саноатнинг аҳамияти ва давлатнинг бу соҳадаги роли:**

Инсон машиналарни юргизишда буғдан фойдаланишга йўл топгач, қўл станок ўрнини механик станок эгаллади. Замонавий ихтиrolар пайдо бўлгач, саноатда жиддий инқилоб юз бериб, ишлаб чиқариш кескин ошди ва механик станок иқтисодий ҳаёт асосларидан бирига айланди.

Тақийюдин роҳимаҳуллоҳ ўзининг «Олий намунавий иқтисодий сиёsat» номли китобида саноатнинг аҳамияти ҳақида шундай дейди: Шахсий мулк таркибиға кирадиган ҳар қандай мулкка, жисмоний шахслар эгалик қилганларидек, давлат ҳам унга эгалик қиласди. Ҳатто замонавий даврда ҳам шахсий мулкчилик таркибиға кирса-да, бироқ, воқеликда давлат эгалик қиласдиган, шахслар эгалик қилмайдиган объектлар бор. Бунга (станоклар) машиналар ишлаб чиқарадиган машинасозлик заводларини, автомобиль заводларини ва булардан бошқа улкан маблағ талаб қиласдиган заводларни мисол қилиш мумкин. Шу боис, бундай заводларни фақат давлат юргизиши мумкин. Чунки давлат бундай заводларни юргизиш имкониятларига эга. Шунинг учун Ғарб астасекин ҳиссадорлик жамиятларини ташкил этишни йўлга қўйди. Чунки бундай жамиятларнинг тузилиши бунга ўхшаган саноат тармоқларини ташкил этиш учун етарли маблағларни тўплаш имконини беради. Лекин, Ислом ҳиссадорлик жамиятларини ҳаром қиласди. Шунинг учун Исломдаги ширкатлар аҳкомларига кўра, шахсларнинг катта заводларни барпо этиш учун етарли маблағларга эгалик қиласдиган ширкатларини ташкил этиш жоиз эмас. Шу сабабли бундай заводлар – гарчи улар шахсий мулкчилик таркибиға кирса ҳам – харажатлари улкан бўлгани учун фақат давлатга тегишли бўлади.

«Моллар» китобида давлат одамларга ғамхўрлик кўрсатиш талабига кўра таъминлайдиган коммунал хизматлар ҳақида сўз юритилганда, булар почта ва банк хизматларини ҳамда жамоатчилик транспорти тармоқлари ва фабрикаларни ўз ичига олиши айтилган. Китобда келишича, бугунги оғир қуроллар илгари бўлгани каби жисмоний шахсларга тегишли шахсий қурол эмас, балки давлатга тегишли қуроллардир. Шунинг учун оғир қуролларни ишлаб чиқарувчи заводларни барпо этиш давлатнинг вазифасидир.

### **Давлатнинг саноат тармоқларини барпо этиши вожиблигига шаръий далил:**

Халифа бошқарувда ва шаръий аҳкомларни ижро қилишда Уммат вакили ҳисобланади. Жамоатга хизмат кўрсатувчи обьектларни ва бошқа тармоқларни барпо этиш каби жамоатнинг керакли бошқа ишларини бошқариш масъулиятини шариат халифанинг вазифаси қилиб белгилаган. Шунингдек, (Вожиб нима билан амалга ошса, ўша нарса ҳам вожибдир), деган шаръий коидага биноан Умматга фарзи кифоя бўлган ва шахс унга ожизлик қиласидиган барча ишларни Уммат номидан бажариш давлатга вожибдир.

Жиҳод мусулмонларга фарздир ва жиҳод учун керакли қурол заводларини барпо этиш ҳам иқтизо (талаб, зарурат) далолатига биноан фарзи кифоя ҳисобланади. Шахслар бу вожибни адо этишга ожизлик қилишган пайтда бу вожиб давлатга ўтади. Шунингдек, у қурол-яроғ учун керакли саноат инфратузилмасини яратишини ҳам тақозо этади. Яъни, бунинг учун темир, мис, қўроғшин, порох ва булардан бошқа қурол ишлаб чиқаришда ишлатиладиган материалларни қайта ишловчи заводлар керак бўлади.

Саноатлаштириш ҳам Умматга фарзи кифоя бўлган вазифалардандир. Бу вожиб саноат инфратузилмасини барпо этиш билангина амалга ошади. Модомики, бу вожибни адо этишга шахслар ожизлик қиласи экан, вожиб давлатга ўтади. Шу боис, саноат учун зарур инфратузилмани яратиш ва жисмоний шахслар бажара олмайдиган оғир заводларни барпо қилиш давлатга вожибдир. Жисмоний шахслар барпо эта оладиган саноат тармоқларига келсак, давлатнинг саноат ва савдо тармоғида жисмоний шахслар билан рақобатлашмаслиги яхшироқдир. Чунки у савдогар эмас, ишларни бошқарувчи давлатдир.

### **Оғир саноатдан тушган фойдалар:**

Давлатга қарашли заводларда ишлаб чиқарилган ҳамда давлат ундан фойда кўриши табиий бўлган товар ва маҳсулотлар ички ва ташки бозорда сотилса, у байтулмол учун қўшимча ресурс бўлади. Давлат баъзи қуролларни четга сотиш билан ҳам фойда кўради. Бироқ, бу қуролларнинг сотилишида мусулмонлар учун манфаат бўлиши, душманни қўллаб-қувватлаш ва унга ёрдам қўрсатиш бўймаслиги шарт. Бу қуроллар Ислом диёрига яқин бўлган ҳамда даъватни етказиш сиёсати уларни фатҳ этишни тақозо этган юртлар жангчиларига ҳам етиб бормаслиги керак. Давлатнинг фуқаролик маҳсулотлари ва қуроллардан қўлга киритган фойдалари ҳам байтулмол учун қўшимча ресурс бўлади. Улар ҳам фай ва хирож киримлари таркибига киради.

Демак, саноат байтулмол харажатларини қоплаш учун муҳим ресурсдан бири бўлади. Ҳарбий саноат ва исломий қўшинни (жангга) жўнаташ харажатларидаги эҳтимолли етишмовчилик ҳам шу ресурсдан қопланади. Бундан ташқари, бу янги ресурс (яъни саноат) замонавий саноат тараққиёти билан ҳамқадам бўлади. Чунки бундай муҳим иқтисодий ресурсни байтулмолга кирим келтирмайдиган ҳолда ташлаб қўйиш ҳикматдан эмас.

Бироқ, ҳарбий ва оғир саноатни йўлга қўйиш жараёнининг бошланишида, хусусан, саноат тармоқларини барпо этишнинг бошланишида бу соҳани керакли маблағ билан таъминлашда тўсиқларга учрашимиз мумкин. Шунинг учун аввало шу тўсиқ бартараф этилиши лозим.

### **5 – Оғир ва ҳарбий саноатни молиялаштириш:**

Оғир ва ҳарбий саноат давлат молиявий ресурсларининг бир қисмини қоплайдиган янги ресурс, деб айтилган пайтда қуйидагича савол пайдо бўлади: Ушбу саноат тармоқларини ишга тушириб, ривожланган технологиялар билан ривожлантириш учун қандай қилиб уларни сармоя билан таъминлаш мумкин? Ушбу тармоқлар маҳсулот чиқара бошлиши учун уларни ҳом ашё билан таъминлаш ва малакали кадрларни тайёрлаш қандай бўлади?

Бизнинг фикримизча, оғир ва ҳарбий саноатни ишга тушириш учун бу тармоқни маблағ билан таъминлашдаги қийинчиликлар қуйидаги йўллар билан енгид үтилади:

#### **а) Жисмоний шахслар оғир саноатга ихтисослашган заводларда давлат билан шериклик қилиши мумкин:**

Нефть, газ, олтин, темир ва бошқалар каби жамоат мулки ҳисобланган ресурслардан тушган маблағлар давлат фуқароларига мол-мулк ёки нақд пул сифатида тарқатилади. Фуқаролар ушбу маблағларни шахсий ишларига сарфлашлари ёки сармоялашлари

мумкин. Одамларнинг эҳтиёжидан ортиб қолган маблағларни саноат тармоғига сармоялашнинг қулай усули мавжуд. Жамоат мулкидан тушган фуқаролар маблағлари учун маҳсус фонд ташкил қилиш мумкин. Бу фондга жамоат мулкидан тушган маблағлар фуқаролар жамғармаси сифатида қўйилади. Ундан электр энергия, сув, коммунал хизматлар ва бошқаларга тўланадиган пуллар чегириб олинади. Қолган маблағларни фуқаролар нақд пул қилиб олиш ўрнига давлат корхоналарига сармоя қилишлари мумкин.

**б) Давлат фуқароларининг ўз маблағларини оғир саноатга ихтисослашган давлат заводларига инвестиция қилишга рағбатлантирилиши:**

Давлат жисмоний шахсларни, хусусан бой сармоядорларни – ўз ихтиёрлари билан – давлат заводларида шерикчилик қилишга рағбатлантиради. Бу ҳолатда улар ушбу заводдаги пули билан шериклик қилган «шериклар» бўладилар.

Оғир саноатга ихтисослашган заводларда фуқаронинг давлатга шериклик қилиши бир неча мақсадларни рўёбга чиқаради:

- Оғир саноатга ихтисослашган заводларни қуриш ёки ишга тушириш учун керакли маблағнинг бир қисми таъминланади.
- Оғир саноатга ихтисослашган заводларни қуриш мақсадида Умматга солиқ солиш бошиданоқ четлаб ўтилади ва фақат зарурат туғилгандагина солиқ солинади. Мазкур усул солиқ солишга эҳтиёж туғдирмасдан баъзи маблағларнинг таъминланишини кафолатлайди ёки солиқларни енгиллаштиради.

• Шариат ҳаром қилган «пулни хазина қилиб тўплаш» муаммосини ҳал қиласи ва у хоссатан ўз маблағларини инвестиция қила олмайдиган шахслар учун чорадир.

• Давлат ва Уммат вакилларидан ташкил топган давлат шерикларининг оғир саноат маҳсулотларидан тушган фойдадан фойда кўриши уларнинг турмуш даражасини кўтаради.

**в) Байтулмолнинг закот ресурсидан фойдаланиши**

Шу нарса маълумки, мусулмонлар саноат маҳсулотларини сотишдан фойдани қўлга киритадилар. Бундай ҳолатда – тижорат моллари закотини тўлашдаги шаръий шартлар рўёбга чиқса – айни фойдадан чиқарилган закотдан байтулмол фойдаланади.

**6 – Гамхўрлик кўрсатиш ва савдо фойдаси ўртасидаги давлат сиёсати**

Фуқаролик саноатининг асосий двигатели одатда фойдадир. Бироқ, давлат ўз мулкларидан фойдаланиш ва уларнинг маҳсулотларини сотища эҳтиёжларни қондириш орқали одамларга гамхўрлик кўрсатиш жиҳатини устун қўйиши керак.

Шунинг учун давлат барпо қилган саноат тармоқларидан одамларга ғамхўрлик кўрсатиш кўзда тутилган бўлиши лозим. Чунки асосий мақсад фойда эмас, балки ғамхўрлик кўрсатишдир. Давлат савдогар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки ишбилармон эмас... Саноатнинг асосий двигатели фойда эмас, фуқароларга ғамхўрлик кўрсатиш, деган сўздан, бу давлатни зиёнга олиб боради, натижада саноат байтулмол учун ресурс бўлиш ўрнига оғир юк бўлади, деган маъно тушунилмаслиги керак. Ушбу зохирий қарама-каршиликни давлат ғамхўрлик кўрсатиш жиҳатини устун қўйиш билан ҳал қиласди. Бу қўйидаги чораларни кўриш орқали амалга ошади:

- Бозорда одатда мавжуд бўлмаган маҳсулотларни таъминлаш орқали Умматнинг зарурий ва камолий эҳтиёжларини кондириш.
- Жисмоний шахслар барпо этолмайдиган оғир саноатни барпо этишга эътибор қаратиш.
- Саноат тармоқларида фойдаси бўлмагани ёки ишлаб чиқариш хавфли бўлгани ёки ишлаб чиқариш учун узоқ вақт кераклиги туфайли жисмоний шахслар томонидан исталмаган (шахсларда қизиқиш уйғотмаган) маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини қисқартириш.
- Одамлар учун керакли асосий товарларни якка шахс ёки томоннинг эгаллаб олишига йўл қўймаслик, чунки бу монополияга тенгдир.
- Йўқлиги Умматга заарар келтирадиган товарларни ташқи давлатлар монополия қилса, уларнинг монополиясини барбод қилиш.
- Давлат корхоналари маҳсулотларининг нархи одамлар имкониятига мос бўлиши ва савдо нархida бўлмаслиги.
- Қайси бир давлатда даъватни ёйиш кўзда тутилган бўлса, бундай давлатларга сотиладиган товарларни – аҳолиси қалбини даъватга мойил қилиш учун – уларга муносиб нархда сотиш.

Ҳар қандай холатда ҳам давлат саноат маҳсулотларини сотишдан фойда кўради. Хулоса қилиб айтганда, фойда кўриш иккинчи даражали иш бўлиб, ғамхўрлик кўрсатиш кўз-қарашига мувофиқ юритилган савдо операциялари давомида кўлга киритилади. Саноат маҳсулотларини сотишдан тушган фойда байтулмол учун янги ва доимий ресурс бўлади. Халифа бу фойдани одамлар манфаатларини бошқаришга ва Аллоҳ йўлидаги жиҳодга сарфлайди.

## 7 – Коррупцияга йўл қўймаслик

Давлат арбоблари коррупциясига йўл қўймаслик учун волийлар ва давлат арбобларининг савдо фаолияти билан шуғулланиши ёки савдо ишларида Уммат вакиллари билан рақобатлашиши тақиқланиши керак. Шу боис, давлат арбоблари савдогар, ишбилармон, монополист ёки коррупциячига айланиб кетишига йўл қўймаслик учун давлатнинг ўз мулкларидан фойдаланишида одамларга ғамхўрлик кўрсатиш жиҳати кўриниши лозим. Айниқса, байтулмолга улкан фойда келтирадиган давлатга тегишли оғир саноат тармоқлари мавжуд бўлиб турган бир шароитда давлат арбобларининг бундай ишларга аралашиб қолишига йўл қўймаслик керак. Чунки бундай ҳолат айрим қалби заиф, тақвосиз давлат хизматчиларини васваса қилиб, коррупцияга йўл очиши мумкин. Энг оқилона йўл, давлатга тегишли саноат тармоқларини ҳоким ва омиллар назоратидан ажратиб қўйишидир. Бу билан уларнинг ушбу соҳалар ишларига молиявий жиҳатдан аралашишларига йўл қўйилмайди.

Умар  волий омилларни бу мансабга тайинлашдан олдин ҳам, тайинлаганидан кейин ҳам, уларнинг бойликларини ҳисоблар эди. Агар уларда ортиқча бойликни топса ёки бу борада унда шубҳа пайдо бўлса уларнинг бойликларини мусодара қилар ёки улар билан бўлишар эди.

«Жихозлар» китобида келишича, оғир саноатга ихтисослашган заводлар «давлат саноат бош бошқармаси» томонидан бошқарилади. У давлатга қарашли саноат ишларини бошқариш ҳамда саноат тармоқлари маҳсулотларини ичкарида ва кўпроқ ҳолларда ташқарида сотилишини назорат қилиш учун халифа томонидан тайинланади. Саноат ишларининг барча харажатлари ва маҳсулотларнинг фойдалари байтулмол хазиначиси томонидан назорат қилиниб текширилиши ҳамда Уммат кенгаши ёки унинг айрим аъзолари маълумот талаб қилган пайтда уларга бу маълумотлар шаффоф равишда етказиб берилиши керак. Чунки давлатдаги барча кирим ва чиқимлар масаласида ҳокимлар ва иш бошқарувчиларни муҳосаба қилиш ҳамда уларни сўроққа тутиш ушбу кенгаш ҳукуқидир. Шунингдек, давлат жазолар низомида молиявий коррупцияси исботланган ҳукмдорларга қўлланадиган қатъий таъзир аҳкомларини қабул қилиши керак.

### **Хотима:**

Булардан аён бўлишича, саноат байтулмол учун янги доимий ресурсни ташкил этади. Бу билан қуролланиш ва жиҳод учун керакли харажатларни қоплашга давлат ресурсларининг етмай қолиши эҳтимоли олди олинади. Шунингдек, давлат солиқ солиши

ёки жамоат мулкларини дахлсиз мулкка айлантириш каби чораларни четлаб ўтади. Бундан ташқари, давлатнинг саноатлашиши Умматнинг турмуш даражасини кўтаради ва уни бошка халқлар олдида шонли Умматга айлантиради. Бу эса, Ислом давлатини ёйишга ҳамда Исломий давлатнинг Ислом қонунларини татбиқ этишда эргашиладиган намунавий давлатга айланисига ёрдам беради. Бундай ҳолат мусулмонларнинг фиқҳий соҳада янги тадқиқотлар олиб боришлигини ҳамда муаммоларни ҳал қилишда ижодкор бўлишларини тақозо этади.

Биз Аллоҳ Таолодан Ислом давлати барпо этилишини тезлаштиришини сўраб қоламиз. Зоро, мусулмонлар шу давлатда азиз бўладилар ва унинг имоми ортида туриб жанг қилинадиган, у билан ҳимояланиладиган қалқон бўлади. Ислом давлати иқтисодни кўтарадиган оғир саноатга ихтисослашган заводларни барпо қиласиди ва душманни қўрқувга соладиган, юртлари фатҳ этилишида ёрдам берадиган кучни тайёрлайди. □

## Мадинаи мунавваранинг маъмурий қисми бўлган «Ал-Ула» шахрида бўлиб ўтган чет эллик ярим яланғоч моделлар фотосессияси

Мода ва ахлоқизликни тарқатувчи машхур «VOGUE» журналиниң арабча нусхаси Саудиянинг Мадинаи Мунаввара шаҳрига қарашли «Ал-Ула» шахрида чет эллик ярим яланғоч моделлар иштирокида ўтказилган фотосессиясидаги суратларни нашр қилди. Ушбу фотосессия «Мононинг 24 соат хаёти суратлари» номи остида ўтказилган. Шунингдек, бу Мононинг янги суратга тушиш кампанияси бўлиб, уни супермодел Кейт Мосс Саудияда ишлаб чиқкан. Журналнинг ёзишича: «Бу кам сонли суратлар бўлиб, уларни кўрган чоғингиз «икона» дея баҳо беришингизга арзиди». Журнал яна қўшимча қилас экан, бу суратлар «Хаёлни қитиқлади ва «Агар ... бўлганида» деган саволни қўзғатади» дейди. Журнал бу сўзлар билан моделларнинг суратлари «Аёлнинг нақадар құдратли эканига, ҳамкорлик рухига ва узоқ жойларга парвоз қилиш истагини уйғотишига ҳамда сахро жойларда янги рухни пайдо қиласиган омил эканига» ишора қилади.

Ал-Ула шаҳри Саудиянинг шимолий ғарбида жойлашган бўлиб, идорий жиҳатдан Мадинаи мунавварага қарайди ва Мадинадан 300 км. узоқликдадир. 2017 йил июн ойида қирол буйруғи билан Ал-Ула шаҳри учун қироллик комиссияси тузилган. Ундан мақсад, Ал-Ула шаҳрини тарихий қиймати, юксак мерослиги, табиий манзараси ва инсоний мерослигига мос тарзда ривожлантириш бўлган. Ушбу комиссияга Саудия шаҳзодаси Мұҳаммад ибн Салмоннинг шахсан ўзи етакчилик қилади. Ушбу минтақада (2018-2019 йиллар) асос солинган «Тантурада қиши» номли фестивал доирасида мусиқий концерт ўтказиб турилади.

**Ал-Ваъй:** Ортида амир Ибн Салмон турган бу каби хабарлар мусулмонлар, хусусан ҳижозликлар газабини қўзғashi табиийдир. Лекин бу ғазаб ўзgartiriш ва ушбу мұқаддас ерларда Аллоҳнинг ҳукмини барпо этиш сари уларнинг ҳимматини қўзғashi лозим. Чунки улар Ресулуллоҳ ﷺдан энг кўп ўрнак олиши лозим бўлган кишилардир. Эй Ҳижоз еридаги уламолар уйғонинг ва Халифалик давлатини барпо этишга ҳаракат қилиш орқали хато ва камчиликларингизни тузатинг. Чунки Халифалик йўқлигидан мусулмон юртлари бузғунчилик ва фиск-фужур майдони бўлиб колди.

## Суданда конституцияга ғайримусулмонларнинг маст қилувчи ичимлик ичишига рухсат берадиган ва муртадлик моддасини бекор қиласидаган тузатишлар киритилди

Суданда айрим қонунларга «Турли ўзгартиришлар» номи остида бир қанча ўзгартиришлар киритилди. Бу ўзгартиришлар қатъий хисобланган шаръий ҳукмларга зид равища амалга оширилди. Натижада, исломий партиялар, диний етакчилар томонидан танқид ва қаршиликка учради. Шунингдек, Судан ичкариси ва хорижда ижтимоий тармоқларда қизғин баҳсни пайдо қилди. Иш шу даражага етиб бордикি, одамлар амалдаги режимни кетишини талаб қилишди. Айни пайтда ҳукуматни қўлловчи партия ва кучлар сукут сақлашди. 1991 йили қабул қилинган муртадлик ҳақидаги модданинг бекор қилиниши ва унинг ўрнига муртадга жарима солиш ва ўн йил қамоқ жазоси белгилаш моддаларининг киритилиши ва унинг расмий газетада эълон қилиниши кўп тортишувларга сабаб бўлди. Шунингдек, янги қонун бўйича ғайримусулмонлар ўзаро маст қилувчи ичимлик ичиши мумкин. Айни пайтда бундай ишни қилган мусулмон жазога тортилади. Бундан ташқари, она эрининг розилигисиз болалари билан сафарга чиқишига рухсат берилди. Бу иш олдин қонун матни билан ман қилинган эди. Ўзгартирилган қонунда яна «Фоҳишабозлик»нинг таърифини қайта кўриб чиқиш қўрсатилган. Чунки олдинги матнда бу тариф ўта кенг бўлган. Янги моддада «Фоҳишабозлик учун мўлжалланган жойда ёки пул эвазига жинсий хизмат қўрсатадиган жойда фоҳишабозлик билан шуғулланган киши жиноят қилган ҳисобланади» деб ёзилган. Шунингдек, фақат ҳад жиноятлари ва қасосдагина савалаш жазоси белгиланган. Собиқ қонунда эса, маст қилувчи ичимликларни ичиш ва уларни ишлаб чиқаришга боғлиқ масалаларда савалаш жазоси қўлланган эди. Таникли даъватчи Абдулҳай Юсуф бу ишларга қарши реакция билдириб, ўзининг твиттердаги саҳифаси орқали армия, полиция, хавфсизлик ва тезкор хизматлардаги қўмондонларни Аллохнинг дини ва шариатини ҳимоя қилишга чақирди. Жумлдан у шундай деди: «Аммо Бурҳон (Судан ўтиш даври ҳукумати кенгаши раиси Абдулфаттоҳ Бурҳон) ва Ҳамидати (кенгаши раиси ноиби, генерал Муҳаммад Ҳамадон) ва уларнинг шерикларига на итоат қилинади ва на уларни хурмат қилинади. Чунки улар Аллоҳ ва Росулига хиёнат қилишди».

У яна қүшимча қилар экан: «Бу жиноятчи хукуматни улоқтириб юбориш учун ҳаракат қилиш ҳар бир кишининг вожиб вазифасидир», деди. Исломий фикх академияси ушбу тузатишларни инкор қилиб, хукумат расмийлариға нота юборди. Лекин, нота хукумат тузатишларга киришидан олдин юборилган бўлса-да, юстиция вазири Насруддин Абдулборийнинг айтишича, тузатиш киритилган қонун Бурҳон раислигидаги кенгашга тақдим этилган ва кенгаш томонидан ҳеч қандай эътиroz билдирилмаган.

**Ал-Ваъй:** Бурҳон ва Ҳамидати етакчилигидаги Судан Умар Башир орзу қилган ишларда, масалан, (Исроил) билан алоқаларни тиклашга ҳаракат қилиш, Судандан Америка жорий қилган санкциялар олиб ташланиши ортидан югуриш ҳамда Саудия ва Амирликлар билан яхши алоқалар ўрнатишга эътибор бериш борасида анча олдинга ўтиб кетди. Лекин бу ишлар улардан Ислом душманларига тиз чўкишларини талаб қиласди. Мазкур тузатишлар мана шу ялинишларнинг биридир.

### **Исроилда чиқадиган газета Мұхаммад ибн Зойид ва унинг (Исроил) билан бўлган алоқасини мақтаб, уни «Ҳомий Султон», деб атади**


(Исроил)да чиқадиган «Калкалист» газетаси Абу Даби ҳокими Мұхаммад ибн Зойидни Амирликлар билан (Исроил) ўртасидаги алоқаларни нормаллаштириш иши ортида турганини ёзди ва уни «Ҳомий Султон», деб мақтади. Газетанинг ишора қилишича, (Исроил) билан алоқаларни йўлга қўйишга ҳамда «радикал Ислом» ва Эронга қарши кураш борасида хавфсизлик бўйича ҳамкорлик қилишга араб баҳори қўзғолонлари ундалан.

Газета яна бир қанча америкалик яхудий етакчиларнинг: «Амирликлар ва Исроил Эронга қарши курашда бир тарафда турибдилар», деган гапини келтирган. Бундан ташқари, газета ибн Зойиднинг Саудия ичкарисида таъсир қилувчи нуфузга эга экани ҳамда мамлакат «исломий экстремистлар» қўлида қулаши ва экстремистик исломни ёядиган базага айланиб қолишидан кўрқаётгани, шунингдек, бу нарса Эроннинг ядро қуролига эга бўлишидан ҳам кўра хатарлироқ деб ўйлаши тўғрисида ёзган. Газетанинг ёзишича, сиёсий исломга нисбатан бўлган нафрат Амирликларни Башар Асад режими билан алоқаларни қайта тиклашга ундалан. Яна газетанинг билдиришича, Ибн Зойид

масъуллар билан бўлган учрашувларида Эроннинг ядро қуролига эга бўлишига нисбатан қилаётган қаршилигини бу нарса экстремист исломий жамоалар келажакда шундай қуролларни қўлга киритишига йўл очиши мумкинлигидан хавотирда экани билан оқлаган.

**Ал-Ваъй:** Албатта Мухаммад ибн Зойид Исломга нисбатан очиқ душманга айланган ҳамда унинг барча ишлари аввало Исломга душманчилик қилишга қаратилган... Золим кимсалар яқинда қандай оқибатга караб кетаётганларини билиб олурлар. □

## ҚУРЬОНИ ҚАРИМ СУХБАТИДА



إِنَّ الَّذِينَ ظَاهَرُوا عَلَيْهِمْ بِالصَّلِحَاتِ وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَعَاهَدُوا لِرَبِّهِمْ لَهُمْ أَجْرُهُمْ وَلَا حَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْرَنُونَ ﴿١٦﴾ يَأَيُّهَا الَّذِينَ ظَاهَرُوا أَتَقَوْا اللَّهَ وَذَرُوا مَا يَقْعِي مِنَ الرِّبَابِ إِن كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ ﴿١٧﴾ إِنَّمَا تَفْعَلُوا فَادْعُوا بِحَرَبٍ مِّنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَإِن تُبْتُمْ فَلَكُمْ رُءُوسُ أَمْوَالِكُمْ لَا تَظْلِمُونَ وَلَا تُظْلَمُونَ ﴿١٨﴾ وَإِن كَانَ ذُو عُسْرَةٍ فَنَظِرْهُ إِلَى مَيْسِرَةٍ وَأَن تَصَدِّقُوا خَيْرُ لَكُمْ إِن كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿١٩﴾ وَأَتَقَوْا يَوْمًا تُرْجَعُونَ فِيهِ إِلَى اللَّهِ ثُمَّ تُوَفَّى كُلُّ نَفْسٍ مَا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ ﴿٢٠﴾

«277. Албатта имон келтирган, яхши амаллар қилган ва намозни тўқис адо қилиб, закотни берган зотлар учун Парвардигорлари хузурида ажер бор. Улар учун ҳеч қандай хавфхатар йўқ ва улар гамгин бўлмайдилар. 278. Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангизлар, судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз. (Яъни одамларга берган қарзларингиздан чиқадиган фойдани олмангиз.) 279. Энди агар (фармонимизни) қилмасангиз, у ҳолда Аллоҳ ва пайгамбари томонидан бўлган урушни билиб қўйинг! Агар тавба қилсангиз, дастмоянгиз ўзингизга — золим ҳам, мазлум ҳам бўлмайсиз. 280. Агар (қарздор) ночор бўлса, бойигунча кутинг! Агар билсангизлар (берган қарзингизни) садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшироқдир. 281. Ва (барчангиз) Аллоҳга қайтариладиган кундан қўрқингиз! Сўнгра ҳар бир жонга қилган амали учун тўла жазо берилади ва ҳеч кимга зулм қилинмайди»

[Бакара 277-281]

Ҳизб ут-Таҳрир амири Ато ибн Халил Абу Роштанинг (у кишини Аллоҳ хифзу ҳимоясида асрасин) «Тайсир фи Усулит Тафсир» номли китобида қуйидагича келади:

Бу муаммоларнинг ечимини Ислом кишининг қалби таскин топадиган, қаноат ҳосил қиладиган тарзда, етарлича баён қилиб қўйган. Унга амал қилган одам ҳаётнинг ҳамма жабҳаларидаги

иқтисодий хотиржамликтин ҳис этади. Бойликлардан унумли, одамларни қул килишу диёрларни вайрон этишсиз ҳам фаровон ҳаётни кафолатлайдиган тарзда фойдалана билади.

У латиф (путфу марҳаматли), хобир (ҳамма нарсадан хабардор), ҳаким (ҳар бир ишни бир ҳикмат билан қиласып), алим (ҳамма нарсаны биладиган) Зот томонидан юборилған диндер. У Зот махлуқотларини нима ўнглашини ҳам, уларни дунёю охират саодатига нима олиб боришини ҳам яхши билади.

Хүш, Ислом бу муаммоларни қандай ҳал қиласы? Энди мана шунинг баёнига киришамиз.

1 – Ислом мол тўплашни, хазина қилишни ҳаром қилди. Молни кераксиз тўплаш мумкин эмас. Уни саноат, зироат, тижорат ёки бошқа соҳаларда ишлатиш лозим. Токи, бойлик жамиятда ҳаракатда бўлиб турсин. Ундан эгаси ҳам, уни ишлатаётганлар ҳам, закот чиқариш эътибори билан камбағаллар ҳам, ҳамма фойдалансин.

Бинобарин, бойликни керакли ишларда ишлатмасдан, бекордан бекор тўплаш, хазина қилиш Исломда ҳаром.

**﴿وَالَّذِينَ يَكْنُزُونَ الْذَّهَبَ وَالْفِضَّةَ وَلَا يُنْفِقُونَهَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ بَشِّرُهُمْ بِعَدَابٍ أَلِيمٍ﴾**

«Эй мўминлар, ўша донишманлар, роҳиблардан кўпчилиги одамларнинг молларини ноҳақ (йўл) билан ейдилар ва Аллоҳнинг йўлидан тўсадилар. Олтин-кумушни босиб уни Аллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилмайдиган кимсаларга аламли азоб «хуш ҳабарини» етказинг!» [Тавба 34]

Бу бойлар ҳақидаги гап.

2 – Хўш, энди ким фақир ва муҳтож ҳисобланади.

а) Ислом қарзни рибосиз беришга ундейди ва икки марта қарз беришни бир марта садақа қилиш билан тенглаштиради.

**«فَرْضُ مَرَتَّبٍ يَعْدُلُ صَدَقَةً مَرَّةً﴾**

«Икки марта берилган қарз бир марта қилинган садақага тенг».<sup>1</sup> Бу ҳадисни Баззор Ибн Масъуддан, у Пайғамбар ﷺ дандан ривоят қилганлар.

б) Агар қарздор камбағал бўлиб, қарзини тўлай олмаса, Ислом унга муҳлат беришни вожиб қиласи.

**﴿وَإِنْ كَانَ ذُو عُسْرَةٍ فَنَظِرْهُ إِلَى مَيْسَرٍ﴾**

(1) Тафсири Табарий: 16 / 25, 17 / 85. Тафсири Куртубий: 3 / 359.

(Агар (қарздор) **ночор бўлса, бойигунча кутинг!**), қарзнинг ҳаммасидан ёки бир қисмидан кечиб, уна садақа қилиш эса мандубдир.

﴿وَأَن تَصَدِّقُوا خَيْرَ لَكُمْ﴾

(Садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшироқдир).

в) Қарздорга қарзини узиб олиши учун байтулмолдан, закотдан улуш ажратади.

﴿إِنَّمَا الْصَّدَقَاتُ لِلْفُقَرَاءِ وَالْمَسِكِينِ وَالْعَمَلِينَ عَلَيْهَا وَالْمُؤْلَفَةُ قُلُوبُهُمْ وَفِي الرِّقَابِ وَالْغَرِيرِ مِنَ﴾

*«Албатта, садақалар (яъни, закотлар) Аллоҳ томонидан фарз бўлган ҳолда, фақат фақирларга, мискинларга, садақа ийгувчиларга, кўнгиллари (Исломга) оишно қилинувчи кишиларга, бўйинларни (қулларни) озод қилишга, қарздор кишиларга»*

[Тавба 60]

г) Ишлашга руҳсат берган, унинг ҳукмларини осон қилган, унга ундаған, муҳтоҷ одамга уни вожиб қилган.

﴿فَامْشُوا فِي مَنَاكِبِهَا وَكُلُوا مِنْ رِزْقِهِ﴾

*«Бас, у (Ер)нинг ҳар томонида (саир-саёҳат қилиб ё тижорат билан, ёки деҳқончиликни касб қилиб) юраверинглар ва (Аллоҳнинг берган) ризқ-рӯзидан енглар»* [Мулк 15]

﴿إِنَّ مِنَ الدُّنْوَبِ مَا لَا يُكَفِّرُهَا إِلَّا الْهُمُومُ فِي طَلَبِ الرِّزْقِ﴾

*«Шундай гуноҳлар борки, уларга факат ризқ талабидаги қайгуларгина каффорат бўлади».*

3 – Шундан сўнг давлатнинг роли келади:

а) Ҳамма фуқароларни озуқа, кийим бош ва маскандан иборат бўлган асосий эҳтиёжлар билан давлат таъминлайди. Бу иш учун давлатга келаётган даромаддан ёки нафақа қилиши вожиб бўлган одамларнинг нафақаларидан маблағ ажратади. Булар мавжуд бўлмаса, байтулмолдан сарфлайди.

﴿وَالسُّلْطَانُ وَلِيٌّ مَنْ لَا وَلِيٌّ لَهُ﴾

*«Султон валийси йўқ одамнинг валийсидир».<sup>2</sup>*

(1) Сархасийнинг Мабсут китоби: 30/258. Мұхаммад ибн Ҳасаннинг Қасб китоби.

(2) Аҳмад: 6/47, 165. Муватта: 1053.

б) Шунингдек, давлат олтин, темир, мис, фосфат, нефт, газ ва бошқа қаттық ҳамда суюқ маъданлардан иборат бўлган омма мулкини ҳам бошқариб, уларни ҳамма мусулмонларга етказиб бериб туради.

в) Хирож, жизя, ўлжалар ва бошқалардан иборат бўлган давлат мулки ҳам давлатнинг қўлида бўлиб, ундан бойларга эмас, фақат камбағалларга беради.

﴿كَيْ لَا يَكُونَ دُولَةً بَيْنَ الْأَغْنِيَاءِ مِنْكُمْ﴾

**«Токи сезлардан бой-бадавлат кишилар ўртасидагина айланиб юраверадиган нарса бўлиб қолмасин учун»** [Ҳашр 7]

г) Лойихачилар учун ҳам давлат рибосиз қарз беради. Дехқонларга эса ер шундоқ берилади. Шу билан одамларнинг фаровон ҳаёт кечиришларига йўл очиб беради. Хулафои рошидинлар шундай қилганлар.

д) Агар байтулмолда маблағ тугаб қолган бўлса, камабағалларнинг эҳтиёжларини қондириш учун давлат мусулмон бойларга солиқ солади. Бу ишни Аллоҳ мусулмонларга вожиб қилган.

Сўзимиз якунида айтамизки:

- Модомики, бойга ўз молини тўплаб, хазина қилиш ҳаром экан, модомики, уни ҳар хил лойиҳаларга ишлатиши ва ундан одамлар фойдаланишлари, бу ишнинг жамиятга иқтисодий таъсир кўрсатиши, унинг закотидан камбағалларнинг фойдаланишлари керак экан;
- Модомики, камбағал ўзининг асосий эҳтиёжларини меҳнат билан, валийнинг инфоқи билан, давлатнинг байтулмолдан ажратган маблағи билан қондириши мумкин экан;
- Модомики, қарздорга қарзини узиб олишига муҳлат берилар ва қарznинг ҳаммаси ёки бир кисмидан кечилиб, унга садақа қилинар экан;
- Лойиҳачига лойиҳасини амалга ошириши учун рибосиз қарз берилар ёки шундоқ бекорга маблағ берилар экан;
- Модомики, жуда кўп микдордаги омма мулкини мусулмонларга тақсимлаб берар ва давлат мулкидан бойларни қўйиб, камбағалларга маблағ ажратар ва шу билан бойликнинг фақат бойлар қўлидагина қўлма қўл бўлиб қолишининг олдини олиб турар экан;
- Модомики, Ислом эҳтиёж қондирилишини саргузаштлару кутишларга ташлаб қўймасдан, камбағалларнинг эҳтиёжларини

қондириш ва жиҳод учун байтулмоддаги маблағ етмай қолған пайтда мусулмон бойларга солық солар экан;

Модомики, шундай ишлар амалга оширилар экан, агар бойларнинг пулини рибо билан кўпайтириб бериб турадиган, камбағалларга рибога қарз бериб турадиган банклар бўлмаса, бойлар нима қиласдию камбағаллар нима қиласди, деган саволнинг хеч ҳам ҳожати қолмайди.

Муаммо шундаки, бугунги кундаги етакчи тузумлар инсон томонидан ўйлаб топилган ўта қабих ва тубан капиталистик, социалистик тузумлардир.

Улардан бири – капитализм шахсий мулкчиликнинг тизгинини бутунлай қўйиб юборди. Ундан бошқасини тан олмади. Молни ҳар қандай тубан, разил, маънавиятларни поймол этадиган, жамиятни вайрон қиласдиган воситалар билан йиғишга кенг йўл очиб берди. Уларда ҳаётнинг мазмуни рибо бўлиб қолди. Шу билан ширкатлар, банклар пайдо бўлди. Улар ҳатто хукumatни ҳам ўз назоратига оладиган даражага етди. Уларнинг домига тушган диёрлару одамлар қул қилинди.

Яна бири – социализм эса шахсий мулкчиликни батамом тақиқлаб, мулкни фақат давлатнинг ўзига қамаб қўйди. Очкўз-юҳолар ширкатлардан партия раҳбарлигига ўтиб олдилар-да, одамларнинг бойликларини ўзлаштириб, мана шундай моғор босган иқтисодий низомлари билан ер юзини бузғунчиликка тўлдирдилар.

Булар қаёқдаю оламлар Павардигори томонидан қўйилган низом қаёқда. Бу низомда ишлар ўз ўрнига қўйилган. Махлуқотларга нима тўғри келишини Холиқнинг Ўзи жуда яхши билади. Шу билан:

- Шахсий мулкчилик ҳам бўлди.
- Омма мулкчилиги ҳам бўлди.
- Давлат мулкчилиги ҳам бўлди.

Шуларнинг ҳаммаси шариат хукмларига қараб, бири иккинчисига зулм қилмасдан бир тартибда, ҳаким, хобир, одил Зот тарафидан қўйилган низомда юрди. Унда ҳалол, пок мол қуйидаги жойларга сарф қилинди:

- Аллоҳ Таолонинг фарзлари адo қилинди
- Кишининг ўзига ва қарамоғидагиларга берилиши керак бўлган фарз нафақа адo қилинди
- Фарздан кейин ундан камбағалларга, мискинларга, муҳтожларга садақа, эхсон қилинди
- Бу ишлар бузғунчиликсиз, бузилишсиз амалга оширилди.

﴿وَأَبْغِ فِيمَا آتَنَاكَ اللَّهُ الْدَّارُ الْآخِرَةُ وَلَا تَنْسَ نَصِيبَكَ مِنَ الدُّنْيَا وَأَحْسِنْ كَمَا أَحْسَنَ اللَّهُ إِلَيْكَ وَلَا تَغْرِيَ الْفَسَادَ فِي الْأَرْضِ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْمُفْسِدِينَ﴾

«Ва Аллоҳ сенга берган нарса билан охиратни излагин, бу дунёдаги насибангни ҳам унутма. Аллоҳ сенга яхишилик қилганидек, сен ҳам яхишилик қил. Ер юзида бузгунчиликни излама. Аллоҳ бузгунчиларни сүймас» [Қасос 77]

Хуллас, бу иқтисодий низом Аллоҳ ва Ресули билан урушиш, гуноҳу фаҳш ишларга эмас, аксинча, Аллоҳ ва Ресулига итоат этадиган, кучли, азиз, хаким, хобир Зот томонидан қўйилган, башариятни саодатга эриштирадиган, дунё ҳаётини охират неъматларига олиб борувчи ширин, қулай йўлга айлантирадиган, очкўзликка, рибога, бошқаларни кул қилишларга барҳам берадиган низомдир.

Ҳақ мана шудир. Ҳақдан кейин фақат залолат бор. Ҳамд бутун оламлар Парвардигори Аллоҳгадир. □

## ЖАННАТ БОҒЛАРИ

قالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : «إِذَا مَرَّتُمْ بِرِياضِ الْجَنَّةِ فَارْتَعُوا»

Расуулulloҳ дедилар: «Агар жаннат боғларидан ўтсангизлар, (мўл-кўл мевалардан) тотинглар»

## ЖАННАТ БОҒЛАРИ

### АГАР МУСИБАТЛАР БЎЛМАГАНИДА, ҚИЁМАТ КУНИДА ЗИЁНГА УЧРАГАНЛАРДАН БЎЛАР ЭДИК

— Имом Аҳмад ўзининг Муснадида Захирдан шундай ҳадис ривоят қиласи: Менга Абу Бакр Ҳадида шундай хабар етиб келган: Эй Аллоҳнинг Росули мана бу

﴿لَيْسَ يَأْمَانِيْكُمْ وَلَا أَمَانِيْ أَهْلِ الْكِتَبِ مَن يَعْمَلُ سُوءًا يُجْزَى بِهِ وَلَا يَجْدُ لَهُ مِن دُونِ اللَّهِ وَلِيَا وَلَا نَصِيرًا﴾

«Сизларнинг хомхаёлларингиз ҳам, ахли китобнинг хомхаёллари ҳам ҳақ эмас — кимки ёмон амал қиласа, жазосини олур ва ўзи учун Аллоҳдан ўзга на бир дўст ва на бир мададкор топмас» [Нисо 123]

оятидан кейин (охиратда) нажот борми? Ҳар бир қилган ёмон амалимизнинг жазосини оламизми? Шунда Росууллоҳ шундай дедилар:

«غَفَرَ اللَّهُ لَكَ يَا أَبَا بَكْرٍ، أَلَسْتَ تَنْصَبُ؟ أَلَسْتَ تَحْزُنُ؟ أَلَسْتَ تُصِيبُ الْأَوَاءِ؟ قَالَ: بَلَى، قَالَ: فَهُوَ مَا تُجْزِيُونَ بِهِ»

«Эй Абу Бакр Аллоҳ сизни кечиради. Сиз касал бўлмайсизми? Машакқат чекмайсизми, мусибатларга дучор бўлмайсизми ва ҳаёт қийинчиликларига учрамайсизми? деган эдилар, Абу Бакр худди шундай деди. Шунда Росууллоҳ: Сизлар дунёда имтиҳон қилинганингиз туфайли гуноҳларингиз кечирилади», дедилар.

— Имом Аҳмад ва Байҳақий Омина ибн Абдуллоҳнинг шундай деганини ривоят қилишган: Мен Оишадан (Кимки ёмон амал қиласа, жазосини олур) ояти ҳақида сўраган эдим, Оиша: Мен бу ҳақида Росууллоҳ Ҳадида сўраганимда, у киши:

«يَا عَائِشَةُ، هَذِهِ مُبَايِعَةُ اللَّهِ الْعَبْدِ، إِمَّا يُصِيبُهُ مِنَ الْهَمِ وَالْحُزْنِ وَالنُّكْبَةِ، حَتَّىٰ الْبِضَاعَةُ  
يَضَعُهَا فِي كَفَهِ فَيَقْبِضُهَا فَيَفْرَغُ لَهَا، فَيَجْدُهَا تَحْتَ ضَبْبِيهِ، حَتَّىٰ إِنَّ الْعَبْدَ لِيَخْرُجُ مِنْ ذُنُوبِهِ  
كَمَا يَخْرُجُ التَّبَرُ الأَمْحَرُ مِنَ الْكِبِيرِ»

«Эй Оиша бу Аллоҳнинг банда (шу дунёда) чекадиган ғамандуҳ ва мاشаққатлари устидаги келишувидир. Банда молни қўлига олиб, сўнг уни йўқотади, уни йўқотгани учун қўрқувга тушади, сўнг уни патаги остидан топади. Худди қизил руда (кум) босқондан чиққанидек, банда гуноҳларидан чиқади (халос бўлади)».

— Имом Бухорий ва Муслимлар ўзларининг сахих тўпламида Абу Хурайрадан шундай ривоят қиласиди: Росууллоҳ ﷺ айтадилар:

«مَا يُصِيبُ الْمُسْلِمِ مِنْ نَصَبٍ، وَلَا وَصَبٍ، وَلَا هَمٍ، وَلَا حُزْنٍ، وَلَا أَذَى، وَلَا غَمٍ، حَتَّىٰ  
الشَّوْكَةُ يُشَاكِهُ، إِلَّا كَفَرَ اللَّهُ بِهَا مِنْ خَطَايَاهُ»

«Мусулмон қийинчилик, қулфат, машаққат, захмат, ғамандуҳ қаби ишларга тинмай йўлиқаверади, ҳатто унга тикан санчилади. Натижада, Аллоҳ улар туфайли унинг гуноҳларини кечиради».

— Термизий ўзининг сунанида Анасадан шундай келтиради: Розууллоҳ ﷺ айтадилар:

«إِذَا أَرَادَ اللَّهُ بِعْدِهِ الْخَيْرَ عَجَلَ لَهُ الْعُطُوْبَةُ فِي الدُّنْيَا، وَإِذَا أَرَادَ اللَّهُ بِعْدِهِ الشَّرُّ أَمْسَكَ  
عَنْهُ بِدُنْيَهِ حَتَّىٰ يُؤْفَىٰ بِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Агар Аллоҳ ўз бандасига яхшиликини истаса, уни бу дунёда жазолайди. Агар Аллоҳ ўз бандасига ёмонликини хоҳласа, уни гуноҳлари билан қиёматгача кечикитиради. Сўнг уни гуноҳларига кўра жазолайди».

— Ибн Хиббон сахих тўпламида, Ҳоким ўзининг мустадракида Абу Хурайрадан шундай келтиради: Розууллоҳ ﷺ айтадилар:

«إِنَّ الرَّجُلَ تَكُونُ لَهُ الْمَنْزِلَةُ عِنْدَ اللَّهِ فَمَا يَأْلَغُهَا بِعَمَلٍ، فَلَا يَزَالُ يَتَلَبَّهُ بِمَا يَكْرُهُ حَتَّىٰ  
يُلَلِّغَهُ ذَلِكَ»

«Аллоҳ ҳузурида банданинг бир мартабаси бўлади, лекин банда унга ўз амали билан эришмайди. Банда ўзи ёқтиридиган нарсалар билан тинмай имтиҳон қилинаверади ва ўша мартабага эришади»... Абдурраҳмон ибн Маҳдий Салмий отасидан, у эса бобосидан ривоят қилишича у Росулуллоҳ ﷺ билан сұхбатлашганда шундай деганини эшитган экан:

«إِنَّ الْعَبْدَ إِذَا سَبَقَتْ لَهُ مِنَ اللَّهِ مَنْزِلَةً لَمْ يَبْلُغْهَا بِعَمَلِهِ ابْتَلَاهُ اللَّهُ فِي جَسَدِهِ، أَوْ فِي مَالِهِ،

أَوْ فِي وَلَدِهِ»

«Банда Аллоҳ ҳузурида амали билан эриша олмайдиган мартабага етганининг белгиси шуки, Аллоҳ уни жисми ёки моли ёки фарзандида синайди». Абу Довуднинг айтишича Ибн Нуфайл:

«ثُمَّ صَبَرَهُ عَلَى ذَلِكَ»

«Сўнгра Аллоҳ шунга сабрли қилиб қўяди», иборасини зиёда қилган. Бошқача айтганда аччиқланмайдиган ва шикоят қилмайдиган бўлиб қолади. Сўнгра

«حَتَّىٰ يُلْعَنَ الْمُنْزَلَةُ الَّتِي سَبَقَتْ لَهُ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى»

«Аллоҳ Таоло у учун белгилаб қўйган мартабага эришади», дея иттифоқ қилишган. Аллоҳ Таоло бандани итоатга йўллаб қўяди, натижада Аллоҳ у учун тайёрлаб қўйган мартабага эришади. Ушбу ҳадисда мусулмон киши мусибатларга сабр қилиш оқибатида юкори даражаларга эришиш ҳақида билдирув бор.

– Термизий ўзининг сунанида Жобирдан қилган ривоятда Росулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«يَوْمُ أَهْلِ الْعَافِيَةِ يَوْمُ الْقِيَامَةِ حِينَ يُعْطَى أَهْلُ الْبَلَاءِ الثَّوَابَ، لَوْ أَنَّ جُلُودَهُمْ كَانَتْ قُرْضَتْ فِي الدُّنْيَا بِالْمَقَارِضِ»

«Қиёматда оғият аҳли дунёда мусибатларга гирифтор бўлганларга савоб берилган пайт кошки эди дунё ҳаётида баданларимиз қайчилар билан тилка пора қилинса эди дейишади».

– Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ шундай дейдилар:

«مَا يَرَالْبَلَاءُ بِالْمُؤْمِنِ وَالْمُؤْمِنَةِ فِي نَفْسِهِ وَوَلَدِهِ وَمَالِهِ حَتَّىٰ يَلْقَى اللَّهَ تَعَالَى وَمَا عَلَيْهِ  
خَطِيئَةٌ»

«Мўмин ва мўминалар жисми, моли ва фарзандида мусибатланиб бораверади, ҳатто Аллоҳга гуноҳсиз тарзда йўлиқади». Ушбу ҳадисни Термизий ривоят қилган ва Ҳасан саҳих ҳадис деган.

– Бухорий Абу Сайд Худрийдан ривоят қилишича у киши айтади: Ансорлардан бир гурухи Росулуллоҳ ﷺдан (егулик) сўрашган эди, Росулуллоҳ ﷺ уларга берди. Сўнг яна сўрашган эди, яна берди. Яна сўрашган эди, яна берди, ҳатто ҳузурида ҳеч нарса қолмади. Шунда айтдилар:

«مَا يَكُونُ عِنْدِي مِنْ حَيْرٍ فَلَنْ أَدْخِرُهُ عَنْكُمْ، وَمَنْ يَسْتَعْفِفْ يُعْفَهُ اللَّهُ، وَمَنْ يَسْتَغْنِ يُغْنِيهِ  
اللَّهُ، وَمَنْ يَتَصَبَّرْ يُصَبِّرُهُ اللَّهُ، وَمَا أَعْطَيْتُ أَحَدًا عَطَاءً حَيْرًا وَأَوْسَعَ مِنَ الصَّرْ»

«Агар ҳузуримда бирор яхшилик қолса, сизлардан аямайман. Ким ўзини тийса, Аллоҳ уни тийиб қўяди. Ким одамлардан беҳожат бўлса, Аллоҳ уни бойитиб қўяди. Ким сабр қилса, Аллоҳ унинг сабрини зиёда қилади. Банда учун сабрли бўлишдан кўра кенгроқ ва яхширок ризқ йўқдир».

Куртубий Фатҳул борида шундай дейди: «Ким сабр қилса», дегани ўз нафсини сўрамасликка ўргатса ва ризқка эришгунича сабр қилса маъносидадир. «Аллоҳ сабрини зиёда қилади», дегани эса нафсини ўзига бўйсуниши учун тайёрласа ва кучайтиrsa ҳамда машаққатларни кўтаришга ўргатса, шунда Аллоҳ у билан бирга бўлади ва истаклари устидан зафар топтиради маъносидадир. Айний – Умдатул қорийда – бундан ҳам умумийроқ қилиб: қийин ҳаёт ва дунё машаққатларига сабрли қилиб қўяди маъносида деган.

Баъзи уламолар Росулуллоҳ ﷺнинг: «Кимки сабр қилса, Аллоҳ сабрини зиёда қилади», деган сўзини уч турли сабрни ўз ичига олади дейди: Аллоҳга итоат қилиш йўлида сабр қилиш, Аллоҳга маъсият қилишдан узоқ бўлишда сабр қилиш ва Аллоҳнинг мўминни қайғуга соладиган қадарига сабр қилиш. Шайх Абдурраҳмон Саъдий (Олийжаноб қалбларнинг гўзаллиги) номли китобида шундай дейди: Агар

Аллоҳ ўз бандасига сабр берса, бу энг афзал ва энг тўлиқ ҳамда ишларга энг кўп мадад берадиган мукофотдир.

Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَاسْتَعِينُوا بِالصَّبْرِ وَالصَّلَوةِ﴾

**«Сабр ва салом (намоз ўқиши) билан мадад сўранглар»**

[Бақара 45]

деган қавлининг маъноси барча ишларда сўранг маъносидадир. Сабр бошқа хулқлар каби нафс билан курашиб ва уни чиниктириш орқали ҳосил бўлади. Шунинг учун «Кимки сабр қилса» яъни ўз нафсини сабрга мажбурласа деяпти. «Аллоҳ сабрини зиёда қиласи» деганда эса унга ёрдам беришини айтяпти. Сабр энг улуг мукофотдир. Чунки у банданинг барча ишларига алоқадордир. Банданинг ҳар бир ҳолати сабрга муҳтож: Аллоҳга итоат қилиш ва уни тўла адо этишда, маъсиятдан тийилиш ва Аллоҳ учун уни тарк этишда, Аллоҳнинг қайғули қадарида ва ундан ғазабланмасликда сабрга муҳтож. Аллоҳнинг неъматлари ва нафс яхши кўрадиган нарсаларда сабрга муҳтож. Шунда унинг нафси мазаммат қилинадиган шоду хуррамликка берилиб кетмайди, балки Аллоҳга шукр қилиш билан банд бўлади. Демак, банда барча ҳолатларида сабрга муҳтож ва сабр билан нажот топади. Шунинг учун Аллоҳ Таоло жаннат аҳли ҳакида шундай дейди:

﴿وَالْمَلِكَةُ يَدْخُلُونَ عَلَيْهِم مِنْ كُلِّ بَابٍ سَلَمٌ عَلَيْكُمْ بِمَا صَبَرْتُمْ فَنِعْمَ عَقْبَى﴾

الذار

**«Сўнг уларнинг ҳузурларига ҳар эшикдан фаришталар кириб (дерлар): (Аллоҳ йўлида меҳнат-машаққатларга) сабр-тоқат қилиб ўтганларингиз сабабли (энди бу жаннатларда) сизларга тинчлик-осойишталик бўлгай. Бу охират диёри нақадар яхши!»**

[Роъд 23-24]

﴿أَوْلَئِكَ يُجْزَوْنَ الْغُرْفَةَ بِمَا صَبَرُوا﴾

**«Ана ўшалар сабр-қаноат қилганлари сабабли (жаннатдаги) юксак даражалар билан мукофотланурлар»**

[Фурқон 75]

Чунки улар жаннат неъматлари ва юксак мартабаларга сабр орқали эришдилар. Лекин банда оқибати нима бўлишини билмайдиган имтиҳондан оғият сўради. Агар у имтиҳон қилинса, вазифаси сабр қилишдир. Оғият имтиҳонда мустаҳкам туриш билан бўлади. Сабаб ва алоқадор нарсалар топилганда сабрга буюрилади. Аллоҳ сабрли бўлишимизга ёрдам берсин.

Аллоҳ Таоло ўзининг китоби ва Росулининг суннатида сабр қилувчилар учун юксак ва буюк ишларни ваъда қилган. Масалан уларнинг барча ишларида ёрдам бериш, тавфик бериш ва тўғрилашни ваъда қилган. Аллоҳ Таоло яна уларни яхши кўриши, қалб ва қадамларини мустаҳкамлаши, уларга хотиржамлик ва сокинлик бериши, улар учун итоатни осон килиб кўйиши, хатарлардан сақлаши, уларни раҳмат ва кечирим билан фазилатли қилиб кўйиш ва мусибатларда ҳидоят қилишни ваъда берган. Аллоҳ уларни дунё ва охиратда олий даражага кўтариш, нусрат бериш, енгилчиликка муяссар қилиш, қийинчиликлардан узоқлаштириш, баҳт-саодат, муваффакият ва нажот бериш, ажрларини ҳисобсиз даражада юксалтиришга ваъда берган. Улардан яхши кўрган нарсаларини олган бўлса, ундан ҳам кўра кўпроқ ва яхшироқ нарсаларни бериши ҳамда улар қанча мусибат ва қийинчиликларга дучор бўлган бўлса, ундан бир неча баробар кўпроқ қийинчиликлардан узок қилиш ҳақида ваъда берган. Сабр қилиш бошланишда қийин бўлади, лекин унинг якуни енгил ва мақтовли натижа бўлади. Айтиладики: Сабр исмига кўра таъми аччиқдир... лекин натижаси асалдан ҳам шириндир.

Мақоламизни аввалгилару кейингиларнинг сайиди бўлган ва олдингию кейинги гуноҳлари кечирилган Пайғамбаримиз Мұхаммад ﷺ ни эслатиш билан якунлаймиз. У киши мартабаси янада юксак бўлиши учун касаллик билан синаандилар. Имом Бухорий ва Муслимлар ўз сахих тўпламида Абдуллоҳ ибн Масъуддан шундай ривоят қилишади: Росууллоҳ ﷺ хузурига кирган эдим, у киши қаттиқ касал бўлиб қолган эканлар. Мен у кишини қўлим билан ушлаб: Эй Аллоҳнинг Росули сиз қаттиқ касалликка дучор бўлдингизми десам, у киши:

«أَجَلٌ، إِنِّي أُوْعَدُ كَمَا يُوْعَدُ رَجُلٌ مِنْكُمْ»

«Ха, менга сизлардан икки кишига бериладиган касаллик берилди», дедилар. Мен: Унда сизга икки кишининг ажри берилар эканда десам, у киши: «Ха» дедилар... Бухорий ва Муслимлар ўзининг саҳих тўпламида келтиришларича Пайгамбаримиз ﷺ ўлимга олиб борган касаллиги пайтида уч марта хушини йўқотганлар. Оиша онамиз айтади: «Росууллоҳ ﷺдан кўра қаттиқроқ оғриган кишини кўрмадим».

Салафлардан бири айтади: Агар мусибатлар бўлмаганида киёмат куни зиён кўрган бўлар эдик. Салафлар худди биз роҳат фароғатга хурсанд бўлганимиздек, мусибатга хурсанд бўлишар эди. Ҳасан Басрий (Аллоҳ у кишини ўз раҳматига олсин) айтар эди: Офият даврида барча бир хил бўлади, агар мусибат етса, барчаларининг кимлиги аён бўлар эди.

Шурайх айтади: Қачон менга бир мусибат етса, тўрт нарса учун Аллоҳга ҳамд айтар эдим: Аллоҳ ўша мусибатга мени сабр қилдиргани, ўша мусибатни мендан олгани, ундан кўра каттароғини бермагани ва уни динимда қилмагани учун. □

## **АБДУЛЛОҲ ИБН УНАЙС ЖУҲАНИЙ... МУҲИМ ХОС ТОПШИРИҚЛАРНИ БАЖАРУВЧИ САҲОБА**

Абдуллоҳ ибн Унаис Ясрибда Бану Салама орасида вояга етди, ҳатто у Бану Саламанинг фарзандидек бўлиб қолган эди. Аллоҳ уни Исломга эрта кириш билан сийлади. У биринчи Ақаба байъатида Росулуллоҳ ﷺ га байъат берган кишилар қўлида имон келтириди ва жуда тез даъватчилар сафига қўшилди. Абдуллоҳ одамларни даъват ва насиҳат қила бошлади, Ҳаж мавсуми келгач, қавми орасидан чиқиб Маккага кетди. У ерга бориб, иккинчи Ақаба байъатида Росулуллоҳ ﷺ га Аллоҳ ва Росулига нусрат бериш байъатини берди... Ясрибга қайтгач, амалга киришди ва шериклари билан Бану Салама бутларини синдира бошлади. Бану Салама ўз санамларини парчаланганини кўргач, улардан уч олишидан кўркишди. Лекин кунлар тинч ўтди, чунки улар санамларини зарар ҳам, фойда ҳам бермайдиганини тушунишган эди. Натижা, улар гурух-гурух бўлиб динга киришди...

Хижратнинг тўртинчи йили муҳаррам ойида мусулмонларга Ҳузайл қабиласи раҳбари Холид ибн Суфён Мадинаи Мунавварага хужум қилиш учун тайёрланаётгани ва Мадинага яқин «Нахла» деган жойда одам йигаётгани ҳақида хабар етиб келди. Шунда Росулуллоҳ ﷺ бу қабилалар Холид ибн Суфённинг атрофида йигилаётгани ва агар Холид ўлдирилса, одамлар тарқалиб кетиши ва шу билан иш якун топиши ҳақида ўйлади. Сўнгра бу муҳим ишга кимни юбориш ҳақида фикр қилиб, Абдуллоҳ ибн Унайсни чақирди ва ёнига ўтқазиб шундай деди: Менга Холид ибн Суфён уруш қилиш учун Нахла деган жойда одам йигаётгани ҳақида хабар етиб келди, сен бориб, уни ўлдир. Шунда Абдуллоҳ: Эй Аллоҳнинг Росули уни менга таърифлаб беринг, мен уни яхшилаб таниб олай деди. Росулуллоҳ ﷺ: Уни кўрсанг қалтироқ босган ҳолатда бўлади, шу унинг белгисидир деди. Аскар ўз қўмондонининг буйругини тушунди, лекин Холид ибн Суфённи қандай топади ва уни ўлдириш учун қандай яқинлашади шу ҳақида фикрлади. Абдуллоҳ айтди: Эй Аллоҳнинг Росули мен бу вазифани бажариш учун уни алдашим керак бўлади, шунда уни ўлдиришга имкон топаман деди. Шунда Росулуллоҳ ﷺ унга ўзи лойик деб ўйлаётган гапни айтиши, чунки уруш алдовдан иборатлиги ҳақида ишора қилдилар.

Абдуллоҳ ўз вазифасини амалга ошириш учун йўлга чиқди ва «Нахла»га етиб келди. У ерда Холид ибн Суфённи топди, у баъзи аёллар учун жой танлаётган эди. Абдуллоҳ айтади: Мен уни Росулуллоҳ ﷺ таърифлаганидек қалтираган ҳолатда топдим. Мен

у томонга қараб йўналдим, лекин ўртамиздаги олишув чўзилиб, намоздан чалғиб қолишдан кўрқиб, намоз ўқишига киришдим. Мен у томонга қараб юриб борар эканман, руку ва саждаларни имо билан қилардим. Намозимни тутатгач, у менга: Кимсан деди. Мен: Араблардан бўлган бир кишиман, сени анави кишига қарши одам йигаётганингни эшитиб келдим (яъни унга қарши сенга ёрдам бергани келдим) дедим. Шунда у: Тўғри мен шунинг учун йўлга чиқканман деди. Мен у билан бироз юриб, имконият бўлиши билан қилични чиқариб, уни ўлдиридим. Сўнгра тахтиравонини устига ағдариб у ердан кетдим. Росулуллоҳ ﷺ нинг олдига келгач, у киши мени кўриб, «Юзлар хурсанд» деди. Мен: Эй Аллоҳнинг Росули мен уни ўлдиридим дедим. Шунда Росулуллоҳ ﷺ мен билан бирга туриб, уйига кирди ва бир асони бериб: «Эй Абдуллоҳ ибн Унайс бу асони ўзинг билан олиб юр» дедилар. Мен асони олиб одамлар олдига чиқкан элим, улар: нима учун бу асони кўтариб олдинг дейишиди. Мен: уни менга Росулуллоҳ бердилар ва доим олиб юришимни буюрдилар дедим. Одамлар Росулуллоҳ ﷺ га қайтиб кириб сабабини сўрамайсанми дейишиди. Мен қайтиб кириб: Эй Аллоҳнинг Росули нима учун бу асони менга бердингиз деб сўрадим, шунда у киши:

«آيَةُ بَيْنِ وَبَيْنَكَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، إِنَّ أَقْلَى النَّاسِ الْمُتَحَضِّرُونَ يَوْمَئِذٍ»

«У қиёмат куни сен билан менинг ўртамда аломат ҳужжат бўлади. Чунки ўша кунда жуда оз кишилар (қийинчиликдан) белини ушлаб турадилар (яъни сен ўша асога суюниб турасан)» дедилар. Абдуллоҳ уни қиличига қўшиб олди ва уни ҳеч қачон тарк этмади. Абдуллоҳ ўлгач, уни кафанига қўшиб бирга кўмишиди.

Росулуллоҳ ﷺ Мадинаи Мунавварага хижрат қилиб, Исломий давлатни тиклагач, яхудийлар газаб отига миниб, Ислом ва мусулмонларга хийла қила бошлишди. Аллоҳ ва Росулига энг қаттиқ душманлардан бири яхудийлар подшохи, Бану Назирлик Абу Рофеъ Саллом ибн Абу Хуқайқ эди. Дархақиқат Абу Рофеъ арабларни Пайғамбарни ўлдириш ҳамда Мадинага қарши уруш қилиш ва уни талон-торож қилишга қизиқтирад эди. Шунингдек, мусулмонларга қарши ҳужум қилиш учун яхудийлар билан битим тузишга чақириб қабилаларга элчи юборар эди... Шунда Росулуллоҳ ﷺ Абу Рофеъ қилган ишига жазо сифатида ўлдирилишга лойиқ деб фикр қилдилар. Сўнг саҳобалардан бир гурухи шу жумладан Абдуллоҳ ибн Унайсни шу ишга юборди. Уларга Абдуллоҳ ибн Атикни раҳбар қилди. Чунки у яхудийлар тилини яхши билар эди...

Ушбу гурух хижратнинг олтинчи йили жумодуссоний ойининг ярим кечасида топширикни бажариш учун йўлга чиқди. Улар кечаси юришар ва ишлари фош бўлмаслиги учун кундузи яширинишар эди. Шундай қилиб, Ҳайбарга етиб боришли ва коронғи тушишини пойлаб яширинишди. Абдуллоҳ ибн Атик яхудийлар қалъасига ҳеч кимга сездирмай кириш режасини тузди. Улар қалъадагилар ухлаб овозлар тинчланишини кутишди. Сўнг Саллом ибн Абу Ҳуқайқнинг хонасига киришли ва ётган жойида унга ташланиб, коронғида у билан тўқнашишди. Улар Абу Рофеъга қаттиқ жароҳат етказишиди, лекин у ўлмади.

Абдуллоҳ ибн Унайс сабот билан ташланди ва киличи билан унинг ичак-човоғини чиқариб, уни ўлдирди. Шунда ибн Абу Ҳуқайқнинг хотини қичқириб юборган эди қалъадагилар улар томон югуришди. Мужоҳидлар тушишга шошилишди, Ибн Атик йиқилиб оёғи синиб қолди. Шунда Абдуллоҳ ибн Унайс уни кўтариб қалъадан чиқиб кетди. Абдуллоҳ ибн Унайс камонини йўқотиб қўйган эди ва уни қалъада тушириб қолдирган бўлсан керак дея, қалъага қайтди. Қалъага киргач у ердаги кишилар билан аралашиб кетди ва ўзини гўё қотилни излаётган қилиб қўрсатди. Сўнг камонини топиб, қалъадан саломат ҳолда чиқиб кетди. Фидоий саҳобалар Мадинага қайтгач, Росулуллоҳ ﷺ табассум қилиб: «Юзлар хурсанд бўлди» деди. Улар: Хурсанд бўлинг эй Аллоҳнинг росули дейишиди. Сўнг саҳобалар уларнинг атрофида ҳалқа бўлиб ўтиришиб, нима бўлгани ҳақида тинглаша бошлашди. Шунда улар Саллом ибн Абу Ҳуқайқни ким ўлдиргани ҳақида талашиб тортишиб кетишиди. Уларнинг барчалари у мени қиличимдан ўлди дер эдилар. Шунда Росулуллоҳ ﷺ улардан қиличларини кўрсатишни талаб қилди. Улар қиличларини кўрсатгач, Росулуллоҳ ﷺ: «**У Абдуллоҳ ибн Унайснинг қиличидан ўлган, чунки унда таомнинг изини кўряпман**», деди.

Яхудийлар подшоҳи ўлдирилгач, улар йиғилишиди ва Юсайр ибн Раззомни ўзларига янги подшоҳ қилиб танлашди. У алдамчилик ва маккорлик билан ном чиқарган киши эди. Юсайр собиқ подшоҳ каби араблар ва уларга қўшни қабилаларни мусулмонларга қарши жанг қилиш учун тайёргарлик кўришга тарғиб қила бошлади. Шу мақсадда уларга пул тарқата бошлагач, бу хабар Мадинага етиб борди. Шунда Росулуллоҳ ﷺ у ҳақида саҳобалар билан маслаҳат қилди. Натижада, мусулмонларга карши тил бириктиришдан ўзини тийиш ва қавмини урушдан сақлашига қаноат ҳосил қилдириш учун унга элчи юборишга келишишиди. Элчиларга Абдуллоҳ ибн Равоҳа раҳбар этиб тайинланди, уларнинг ичида Абдуллоҳ ибн

Унайс ҳам бор эди. Улар Ҳайбарга келиб Юсайр ибн Рассом билан гаплашишди ва улар билан бирга Мадинага бориб Росулуллоҳ ﷺдан ўз қавми учун омонлик олиши борасида қаноатлантиришиди. Юсайр ёш яхуд йигитларидан олиб саҳобалар билан бирга Мадинага қараб йўлга чиқди. Юсайр ҳар бир мусулмоннинг улови ортига бир яхудийни ўтқазди. Ўзи эса, Абдуллоҳ ибн Унайснинг ортига ўтириб, Мадина тарафга кетишиди.

Юсайр йўлда ўзининг мусулмонлар билан бўлган ишида фикр қилди ва макр қилиш ҳақида ўйлади. Сўнгра Абдуллоҳ ибн Унайсни ўлдириш ва шериклари ҳам ўзи билан бирга бўлган мусулмонларни ўлдириши ва Ҳайбарга қайтишларига қарор қилди. У тўсатдан Абдуллоҳ ибн Унайснинг қиличини тортиб олиш учун унга хужум қилиб, эй яхудийлар кўзғалинг деб кичкирди. Лекин Абдуллоҳ ибн Унайс хушёр тортиб, қиличини сугурди ва у билан Аллоҳ душманининг оёғига зарба берди. Юсайр эса ёғоч хода билан уни бошига уриб ёриб қўйди. Лекин Абдуллоҳ ўзини ушлаб, унга ташланди ва уни ўлдириди. Қолган яхудийлар эса, ўзи билан бирга бўлган мусулмонларга хужум қилишга шошиб қолишиди. Лекин мусулмонлар уларни тор-мор қилишди, улардан фақат бир киши қочиб қолди ва Ҳайбарга кетди. Мусулмонлар Мадинага бориб, Росулуллоҳ ﷺга яхудийларнинг хиёнати ва шу туфайли бошларига нима тушгани ҳақида айтиб беришиди.

Бу Росулуллоҳ ﷺнинг саҳобалар ва уларнинг ҳар бири учун ўзига мос иш таклиф қилишидаги фаросати эди. Абдуллоҳ Ибн Унайс жиҳод сафларидағы юксак аскарнинг тимсолидир... Бухорий ўзининг Адабул Муфрад китобида, имом Муслим ва тўрт сунан асхоблари у тўғрисида ривоят қилишган. Абдуллоҳ ибн Унайс Пайғамбаримиздан 24та ҳадис ривоят қилган. Ибн Ҳажар уни 54 ҳижрий санада, Муовия ибн Абу Суфён Халифалиги даврида Шомда вафот этганини айтган.

﴿مِنَ الْمُؤْمِنِينَ رِجَالٌ صَدَقُوا مَا عَنْهُدُوا اللَّهُ عَلَيْهِ فَمِنْهُمْ مَنْ قَضَى نَحْبَهُ وَمَنْهُمْ مَنْ يَنْتَظِرُ  
وَمَا بَدَلُوا تَبْدِيلًا﴾

«Мўминлар орасида ўzlари Аллоҳга берган (У зотнинг ўйлида жиҳод қилиб, шаҳид бўлиши ҳақидаги) аҳду паймонларига содик бўлган кишилар бордир. Бас улардан (айрим) кишилар ўз аҳдига вафо қилди, (яъни шаҳид бўлди), улардан (айрим) кишилар эса, (шаҳид бўлишга) интизордир. Улар (мунофиқларга ўхшаб Аллоҳга берган аҳду паймонларини) ўзгартирганлари йўқ» [Аҳзоб 23] □

## **ФРАНКОФОНИЯ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ ФРАНЦИЯ РАЗВЕДКАСИ ТАРМОГИДИР**

Тунис парламенти 2020 йил 30 июн куни Тунис республикаси хукумати ва Франкофония халқаро ташкилоти ўртасида 2019 йил 15 апрелда тузилган келишувни тасдиқлади. Ушбу келишув Тунисда ташкилотнинг Шимолий Африка регионал бўлимини очиши хусусида бўлиб, у хукумат томонидан яширин тарзда тузилган. Уни тасдиқлаш парламент томонидан шубҳали тарзда амалга оширилди. Чунки у тақдимотсиз, тўсатдан овозга қўйилди. Парламент аъзолари на уни кўриб чиқди, на ўрганди ва на унинг яширин томонларидан хабардор бўлишди. У 124та овоз билан тасдиқланди, 15 киши қарши ва 4 киши бетараф овоз берди. Келишувни тасдиқлаган депутатларнинг аксарияти олдиндан ушбу келишув нимадан иборат эканини билишар эди. Чунки уларнинг партиялари, шу жумладан Наҳза ҳаракати хукуматда иштирок этмоқда.

Ушбу келишувни ўқиган кишида: Бу сақофий ташкилот билан тузилган келишувми? Ёки давлат разведка идораси билан тузилган келишувми? – деган савол туғилиши аниқ. Шунда уни қабул қилдиришда нима учун разведка услубидан фойдаланилганини... келишувнинг шубҳали жихатларини билиб олади.

Бу келишув Халқаро Франкофония Ташкилотига тил ва сақофатга оид машғулотлар деб айтилаётган машғулотларини ўтказиши учун Шимолий Африкада регионал марказ ташкил этишига рухсат беради. Лекин афтидан бу келишувнинг модда ва бандлари регионал разведка марказиникидир. Франция ушбу марказ орқали Тунис ва бошқа Шимолий Африка давлатлари устидан жосуслик ишларини олиб боради. Куйида ушбу келишув бандларидан айримларини келтирамиз:

Келишувнинг З моддасига кўра, суд дахлсизлиги қонуни ушбу ташкилот аъзоларига жосуслик килиш, қурол кўтариб юриш ва наркотик моддалар сақлаш ҳуқуқини беради. Уларнинг фаолиятлари Тунис қонунларига қанчалик хилоф бўлишидан катъий назар уларни суд қилиш ёки ҳибсга олиш мумкин эмас. Агар ушбу ташкилот сақофий ташкилот бўлса, улар учун дахлсизликнинг нима кераги бор?!

Тўртинчи модда: Ҳатто ушбу марказнинг нарсалари Тунис қонунларига қанчалик зид бўлишига қарамай, дахлсизликдан фойдаланади. Уларни тафтиш қилиш, чеклаш ва мусодара қилиш мумкин эмас. Улар наркотик моддаларми, жосуслик қуролларими

ёки куролми бунинг фарқи йўқ... Булар очиқ ойдин ёзиб қўйилган. Лекин буларнинг сақофатга қандай алоқаси бор?!

5-модда: Уларнинг резиденциялари ҳимоя остига олинган. Ҳатто давлат ишчилари ҳам фақат ушбу резиденция масъуллари рухсати билан у ерга кира олади. Бу бандлар сақофий ташкилотга қандай алоқаси бор. Ёки у яширин ташкилотни ва унинг қиласиган ишлари ўта муҳимми? Шунинг учун ўз қароргоҳлари ва ичидаги нарсаларни ҳимоя қилишин истайдими?... Сақофатга оид китоб ва нашралар шундай ҳимояга муҳтожми? Бунинг ортида бошқа нарса мавжуд.

6-модда: Ташкилотга қарашли ҳужжат ва архивлар қаерда бўлмасин ёки эгаси ким бўлишидан қатъий назар ҳимоя остидадир. Бу банднинг ортида муҳим жосуслик амалиёти бор.

7-модда: уларнинг устидан молиявий назорат қилиш тақиқланади. Улар капитал олиб кириш, олиб чиқиши ёки кўчиришга рухсат берилган, уларни мусодара қилиш мумкин эмас. Сақофий фаолият шу бандга муҳтожми? Ёки бу пуллар виждонни сотиб олиш ва жосуслик қилиш учун ишлайдими?

8 ва 9-моддалар: Регионал бўлим, унинг нарсалари, киримлари ва мулклари бевосита ва билвосита солиқлардан озод қилинади. 10-моддада келишича уларнинг барча киримлари банк системасидан озод қилинган. Бу модданинг икки жиҳати мавжуд: биринчи молиявий жиҳат, иккинчиси маҳфийликни саклаш. Сиз уни жосусликка ёки давлатга қарши тўнтариш бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатга алоқадорлигини ҳеч қачон билмаймиз. Чунки унинг маҳфийлиги Тунис қонунида кафолатланган.

11-модда: Ташкилотга қарашли ишчи, гарчи у хавфсизликка хатар туғдирадиган моддани кўтариб юрган бўлса ҳам тафтиш қилинмайди...

12-модда: Ҳукумат бу бўлим алоқалари, рамzlari, кодлари ва ҳужжатлари дахлсизлигини кафолатлади... Ушбу банд бу ташкилотнинг Тунис ва минтақадаги бошқа давлатлар хавфсизлигига хатар туғдирадиган ишлар билан шуғулланишига ёрқин мисол эмасми?

15-модда: Регионал бўлим ишчилари қўйидаги дахлсизликлардан фойдаланади: ишларига алоқадор суд дахлсизлиги, бирор жиноят содир этсалар ишни тўхтатиб қўйиш дахлсизлиги, шахсий мулкларини мусодара қилмаслик дахлсизлиги, барча турдаги солиқлардан озод қилиниши ва мажбурий хизматдан озод қилиниши дахлсизлиги...

**Ал-Ваъй:** Ушбу келишув Франциянинг, хусусан унинг жон томири ҳисобланган Шимолий Африкада Америка каби мустамлакачи давлат эканини фош қиласи. Бу келишув бизга Америка Ироқни босиб олганидан кейин Бремер тасдиқлаган келишувини эслатади... Бундан ташқари, бу келишув Халқаро Франкофония Ташкилоти Франциянинг яширин мустамлака қилиш қуроли эканини ва у Франциянинг халқаро разведка ричагларидан бирлигини фош қиласи... Шунингдек, у Француз мустамлакачилиги Тунис ҳукумати ва парламенти ишларига қанчалик аралашаётганини кўрсатиб беради. Бу нарса парламентга ўша келишувни тасдиқлатиш орқали амалга оширилади. Яна бу келишув Наҳза ҳаракати, унинг депутатлари ва унинг францияпараст етакчиси Рошид Ганнушийнинг кирдикорларини фош қиласи...

Бу нафақат Тунисдаги, балки барча мусулмон юртларидағи ҳоким режимларнинг хиёнат, малайлик ва мусулмонларга қарши тил биринчиришдаги ахволидир... Ҳокимлари тил биринчириётган халқлар мана шундай ҳолатда яшамоқдалар... Яна айтишадики: нима учун одамлар ҳокимларга қарши қўзғолон қилишади... Аслини олганда, бундай ҳолат фақат Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан бошқарадиган Халифалик давлатини барпо этиш билангина ўзгаради. Шунда Халифалик давлати мазлум халқларни мустамлака чангалидан, унинг қуроли бўлмиш ташкилотларидан ва қўриқчилари бўлмиш ҳокимлардан кутқаради ҳамда бутун дунёда адолат ўрнатади. □

## ФРАНЦИЯ СЕНАТИ СИЁСИЙ ИСЛОМГА ҚАРШИ ИФВО ҚИЛМОҚДА

Франция сенатидаги ўттиз кишидан иборат бўлган кенгаш 2020 йил 9 июл пайшанба куни Францияда (экстремистик сиёсий Ислом) тарқалишига алоқадор «Ташвиш» номли ҳисобот тақдим этди. 10 ноябрда исломофобияга қарши ассамблея томонидан имзоланган ҳисоботда айтилишича «Исломий экстремизм ва унга қарши кураш воситалари» номли кенгаш аъзолари 2019 йил ноябрдан 2020 йил июнгача 39 марта йигин ўтказишган. Уларда мамлакатдаги «Исломий сепаратизм»нинг хатарини муҳокама қилиш учун вазир ва мутахассислар иштирок этишган. Шунингдек, уларда экстремистик исломнинг Франция Республикасига нисбатан туғдираётган таҳдидлари имкони борича катта расмий баҳо беришга харакат қилинган. Сенатнинг ҳисоботида «Исломий экстремизм бугун бир қанча кварталларда яққол кўриниб турган воқеилиқдир» ҳамда экстремизм тарафдорлари «Бугун Франциядаги Исломга чанг солишига ва бир неча шаҳарларда бўлинишига харакат қилмоқда», дейилади.

Ҳисоботда яна айтилишича, экстремистик исломчилар шахсий эркинликни рўйач қилиб, жамиятга «янги» қадриятларни олиб кирмоқчилар. Бу эса, Франция Республикасининг эътиқод ва виждон эркинлиги, эркак ва аёл ўртасидаги тенглик, икки жинснинг аралашиб юриши каби қадриятлари улар томонидан инкор қилинишини англатади. Ҳали улар ҳижоб ва никоб кийиш, қизларни умумий чўмилиш жойларига боришдан қайтариш ёки аёлларнинг эркак шифокорлардан консультация олишдан ман қилиш ва мактаб ошхоналарида мусулмон ўқувчилар учун алоҳида меню талаб қилиш ҳақида гапиришлари ҳам мумкин... Ҳисоботда яна сиёсий Ислом «Халифаликни қайта барпо этиш»га харакат қилаётгани ҳақида сўз борар экан: «Бугун ҳаракат қилмасак, эртага кеч бўлади» дейилади. Франция ички ишлар вазири Кристоф Кастанер «Сиёсий Ислом Республикани барбод қиласидан душмандир», деб ҳисоблади. Айтилишича, Франциядаги мусулмонлар сони тахминан олти миллион атрофида. Лекин рақамлар бундан кўп бўлиши мумкин, чунки қонун бўйича диний ва ирқий асосда рўйхатга олиш мумкин эмас.

Ҳисоботда «исломий даъват қуролини тўхтатиш» ва унга «қарши курашиш» учун иқтисод, таълим, ижтимо ва сақоғат соҳасида 44та таклиф киритилган... Уларнинг орасида давлат структуралари ва муассасаларида, умумий ва хусусий мактабларда, сақоғий ва спорт клублари ва университетларда экстремизмга қарши кураш, хусусий мактаблarda назоратни кучайтириш, уйда таълим бериш ҳодисаларига йўл қўймаслик, имомларнинг хориждан келишига чек қўйиш ва уларни Франция муассаса ва университетларида етиширишни кучайтириш каби ишлар бор. Ҳисоботда яна турли жамиятларга хориждан келаётган капиталнинг шаффоғлигига эътибор бериш ва уларнинг манбаларини топиш зарурлиги ҳақида айтилади.

**Ал-Ваъй:** Бу кундан-кунга ўлим ва фанога яқинлашаётган ҳамда ўз ҳаёти учун ҳамма нарсадан қўрқаётган қари Европадир... Балки бу қариган, эскирган ва қулаган илманийликдир. Бугун у тирик қолиши учун дори истеъмол қилмоқда... Лекин бунинг йўли борми?! Расмий комитет ва тавсиялари билан тирик қоладими? Ахир бу комитет ва тавсиялар ҳеч қандай фикр ва ҳужжатсиз тақиқлайдиган қонунларни чиқариши билан энг катта ифлосликни амалга оширмоқда-ку. Албатта бу Аллоҳ ҳоҳласа, уларнинг бузуқ ва чириган ҳазоратларининг ўлим талвасасидир. Шунингдек, бу ўzlари қўрқаётган «Халифаликнинг қайта барпо бўлиши»дан огоҳлантиришидир. Улар бу билан Росууллоҳ нинг қўйидаги сўзини ўзгартиришмоқчи.

«نَمْ تَكُونُ حَلَافَةً عَلَى مِنْهَاجِ النَّبِيِّ»

«Сўнгра Пайғамбарлик минҳожи асосида Халифалик бўлади». □